

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИНИНГ
ТИЛ АМАЛИЁТИГА
ИНТЕГРАЦИЯСИ**

2021

**Расулов З.И. филология фанлари
номзоди, доцент**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИНИНГ ТИЛ
АМАЛИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯСИ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: **З.И.Расулов** - филология фанлари номзоди, доцент.

Тақризчи: **А.А.Ҳайдаров** – филология фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декбардаги 9-сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

| | |
|---|------------|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 5 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ | 10 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР | 15 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | 48 |
| V. ГЛОССАРИЙ | 102 |
| VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 108 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

“Тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси” модули амалий тилшунослик ва тил таълими; тил ўрганиш стратегиялари, тилларни ўқитиш усулларини ўрганиш, тил товушлари, грамматикани ўқитиш, лексико-грамматика ва корпус тилшунослиги, суҳбат таҳлили, прагматика, матн, контекст ва схема; тилларни ўрганиш ва ўзаро сўзлашиш; тилшуносликнинг назарий масалалари, тилшунослик тарихи; лингвистик мактаблар ва улар томонидан яратилган таълимотлар моҳияти; грамматик категориялар, грамматикага оид замонавий таълимотлар; семантика, семантик категориялар, лингвистик таҳлил методларидан фойдаланиш; лингвогенетик, ареал, типологик, дистрибутив, трансформацион тадқиқот методлар масалаларини қамрайди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси” модулининг мақсади: педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

“Тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси” модулининг вазифалари:

- “Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали тадбиқ этилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- чет тилини ўқитишнинг назарий ва коммуникатив ёндашув асосларини;
- тилшуносликда тизимли таҳлил этиш механизмларини;
- тил ўқитиш тамойиллари ва методларини қўллаш принциплари ва усулларини **билиши** керак;
- тил ўқитишга оид илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши**;
- тил ва нутқ материалларини танлаш тамойиллари, аутентик манбалар билан ишлаш;
- тил ўқитиш методикаси бўйича ўрганган маълумотларни амалда қўллай олиш **малакаларини эгаллаши**;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- интерактив мултимедиа воситаларидан фойдаланиш **компетенцияларига эга бўлиши** зарур.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги **“Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари”** ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг тилшунослик ва тил ўқитиш малакасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар хорижий мамлакатлар лингвистик назарияларини тарих нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларни қиёслаб ўрганиш йўналишлари профилига мос зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадilar.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат | | | |
|----|--|-----------------------------------|-------------------------|----------|-----------------|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкلامаси | | |
| | | | жумладан | | |
| | | | Жами | Назарий | Амалий машғулот |
| 1. | Тилшуносликнинг назарий масалалари, тилшунослик тарихи | 2 | 2 | 2 | |
| 2. | Лингвистик мактаблар ва улар томонидан яратилган таълимотлар моҳияти. Грамматик категориялар, грамматикага оид замонавий таълимотлар. | 2 | 2 | | 2 |
| 3. | Семантика, семантик категориялар, лингвистик таҳлил методларидан фойдаланиш. Лингвогенетик, ареал, типологик, дистрибутив, трансформацион тадқиқот методлар. | 2 | 2 | | 2 |
| 4. | Хорижий мамлакатлар лингвистик назарияларини тарих нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларни қиёслаб ўрганиш | 2 | 2 | | 2 |
| 5. | Коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, психоллингвистика, гендер тилшунослик, нейролингвистика, маданиятлараро мулоқот, лингвокультурология. | 2 | 2 | | 2 |
| 6. | Амалий тилшунослик ва тил таълими. Тил ўрганиш стратегиялари. Тилларни ўқитиш усулларини ўрганиш. | 2 | 2 | | 2 |
| | Жами: | 12 | 12 | 2 | 10 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тилшуносликнинг назарий масалалари, тилшунослик тарихи

Режа:

1. Антик дунё тилшунослигидан уйғониш давригача бўлган тилшунослик: хинд, юнон, рим, араб ва Марказий Осиё тилшунослиги.
2. Европада уйғониш давридаги тилшунослик. Германистиканинг шаклланиши.
3. Лингвистика ва унинг турлари. Тил ва нутқ диалектикаси.
4. Субстанция ва форма.
5. Система ва структура муносабатлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Лингвистик мактаблар ва улар томонидан яратилган таълимотлар моҳияти. Грамматик категориялар, грамматикага оид замонавий таълимотлар

1. Ёш грамматикачилар таълимоти.
2. Историзм ва психологизм оқимлари
3. Қозон, Москва мактабларида тил таълимоти ҳамда фонетик ва грамматик бирликлар ҳақидаги таълимот.
4. Ф.де Соссюр таълимотида тилшунослик предмети, нутқ фаолияти антиномияси
5. Прага лингвистик тўғараги таълимоти.
6. Америка дескрептив лингвистикаси

2-мавзу: Семантика, семантик категориялар, лингвистик таҳлил методларидан фойдаланиш. Лингвогенетик, ареал, типологик, дистрибутив, трансформацион тадқиқот методлар.

1. Семантика, семантик категориялар
2. Лингвистик тасниф методлари.

3. Қиёсий-тарихий, структурал, дистрибутив, бевосита ташкил этувчиларга ажратиш ва трансформацион анализ методлари.

3-мавзу: Хорижий мамлакатлар лингвистик назарияларини тарих нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларни қиёслаб ўрганиш

1. Тилнинг ижтимоий табиати таҳлили.
2. Тилда меъёр тушунчаси.
3. Тил ва нутқ дихотомияси.
4. Тил, меъёр ва нутқнинг узвий алоқадорлиги

4- Мавзу: Коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, психолингвистика, гендер тилшунослик, нейролингвистика, маданиятлараро мулоқот, лингвокультурология.

1. Коммуникатив тилшунослик ва лингвопрагматика замонавий тилшунослик йуналишлари сифатида.
2. Психолингвистика, гендер тилшунослик ва нейролингвистиканинг тил тадқиқотида тутган ўрни.
3. Маданиятлараро мулоқот ва лингвокультурология масалаларининг тил амалиётига интеграцияси.

5-мавзу: Амалий тилшунослик ва тил таълими. Тил ўрганиш стратегиялари. Тилларни ўқитиш усулларини ўрганиш.

1. Тил товушлари.
2. Грамматикани ўқитиш. Лексико-грамматика ва корпус тилшунослиги.
3. Суҳбат таҳлили, Прагматика. Матн, контекст ва схема.
4. Тилларни ўрганиш ва ўзаро сўзлашиш.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

ASSESSMENT

The measurement of the ability of a person, the quality or success of a teaching course. Assessment may be by test, interview, questionnaire, observation and so on.

БАҲОЛАШ методи

Шахсининг қобилиятини, ўқитиш курсининг сифати ёки муваффақиятини ўлчаш ва баҳолаш демакдир. Шунингдек, баҳолаш тест, суҳбат ўтказиш, савол-жавоб, кузатиш ва ҳоказолар орқали амалга оширилиши мумкин.

AUTHENTIC TASK

An authentic task is a task that native speakers of a language would do in everyday life. When learners do an authentic task they are doing something that puts real communicative demands on them. A task which replicates or resembles a real-life task, e.g. scanning an article for particular information; this may be contrasted with a task which is specifically designed for, and only relevant in, the classroom.

АУТЕНТИК ВАЗИФА

Маҳаллий тилда сўзлашувчи киши кундалик ҳаётида бажарадиган доимий вазифалар бўлиб, тил ўрганувчи ана шундай вазиятлардан ҳақиқий сўзлашувда фойдаланса, самаралироқ бўлади. Дарс жараёнида тилни ўрганишда реал ҳаётда учрайдиган воқеа-ходисалар ифода этилган матнларни қўллаш фойдалидир. Аутентик материаллар дарсликларда берилмайди.

BRAINSTORMING

(in language teaching) a group activity in which learners have a free and relatively unstructured discussion on an assigned topic as a way of generating ideas. Brainstorming often serves as preparation for another activity.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ услуби

Бевосита жамоа бўлиб, “фикрлар хужуми”ни олиб бориш демакдир. Бу услубдан мақсад, мумкин қадар катта микдордаги ғояларни йиғиш,

талабаларни айна бир хил фикрлашдан холи қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишдир.

CASE STUDY

It is about a person, group, or situation that has been studied over time. The case study method often involves simply observing what happens to, or reconstructing ‘the case history’ of a single participant or group of individuals (such as a school class or a specific social group)

“КЕЙС-СТАДИ”услуги

Бу услуб аниқ вазият, ҳодисага асосланган ўқитиш услуги ҳисобланади. Шунингдек, вазият билан танишиш, ахборотларни умумлаштириш, ахборот таҳлили ва ҳар бир ечимнинг афзал ва заиф жиҳатларини белгилаш демакдир.

CLUSTER

Is the task of grouping a set of objects in such a way that objects in the same group (called a **cluster**) are more similar (in some sense or another) to each other than to those in other groups (clusters).

ТАРМОҚЛАР услуги

Фикрларнинг тармоқланиши – педагогик стратегия бўлиб, у талабаларнинг бирон-бир мавзунини чуқур ўрганишига ёрдам бериб, уларни мавзуга таалуқли тушунча ёки аниқ фикрларни эркин ва очиқ узвий боғланган кетма-кетликда тармоқлашни ўргатади.

DISCUSSION METHOD

It demands that students come to class well prepared. Compelling them to think out their arguments in advance and to answer their peers’ questions and counter arguments, it sharpens their powers of reason, analysis and articulation. It thus provides them with fundamental skills necessary for success in any discipline or profession.

БАҲС-МУНОЗАРА

Бу усулда гуруҳ аъзолари бирор муаммони ечиш мақсадида ўз ғояларини оғзаки таклиф этадилар. Усулдан самарали фойдаланиш учун иштирокчилар

муҳокама предметиға оид етарли билим ва тажрибага эга бўлишлари лозим. Бу усул катталар таълимида кўпроқ самара беради.

ICE-BREAKER

An activity to make learners feel less nervous or inhibited when they first meet.

“МУЗЁРАР” методи

Қиздирувчи, фаолиятга жалб қилувчи машқ. Талабаларнинг ўзаро танишиши ва ишчи муҳит яратиш мақсадида қўлланилади. Бу метод хонадаги рухий тарангликни енгиш, гуруҳнинг шаклланиш жараёнини тезлатиш, мулоқот ва ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, шунингдек, самимийлик ва ҳамкорлик муҳитини яратишга ёрдам беради.

INFORMATION GAP ACTIVITY

An activity in which a pair or two groups of students hold different information, or where one partner knows something that the other doesn't. This gives a real purpose to a communication activity. An information gap activity is an activity where learners are missing the information they need to complete a task and need to talk to each other to find it.

АХБОРОТ АЛМАШИШ МЕТОДИ

Бу услуб шундайки, талабалар жуфт ёки икки гуруҳ бўлиб турли хил ахборотга эга бўлишади, ёхуд бири билган ахборотни иккинчи талаба билмайди. Бу эса суҳбатлашиш учун ҳақиқий мақсад пайдо қилади. Бу услуб асосан чет тилида гапириш, мулоқотга кириш учун ёрдам беради. Шунингдек, расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

INTERACTION PATTERN

Mode of work (individual work, pair work, group work) used in learning or teaching.

ИНТЕРФАОЛЛИК

Ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини беради. Ўзаро ҳаракат турлари: Ўқитувчи-талаба; талаба-талаба; ўқитувчи-талабалар; талабалар-талабалар; талабалар-ўқитувчи.

JIG-SAW ACTIVITY

A type of co-operative activity in which each member of a group has a piece of information needed to complete a group task. Often used in reading work when each learner or group of learners reads and understands a part of a text, then takes part in pooling information to establish the meaning or message of the whole text.

“АРРА” МЕТОДИ

Бу усулда асосан гуруҳ бўлиб ишланади. Ҳар бир гуруҳ аъзосининг кўлига матннинг бир бўлаги берилади, сўнгра мазмунини ўқиб билиб олгандан сўнг, барча қатнашчилар томонидан бутун матн тузилади. Бундай метод ўқитишни ўрганишда қўлланилади.

MULTIPLE-CHOICE

In testing or teaching: a device in which the learner is presented with a question along with four or five possible answers from which one must be selected. Usually the first part of a multiple-choice item will be a question or incomplete sentence. This is known as the stem. The different possible answers are known as alternatives. The alternatives typically include one correct answer and several wrong answers or distracters.

КЎП ТАРМОҚЛИ ТАҲЛОВ ТЕСТЛАРИ

Бу метод асосан, тестда қўлланилади. Ўрганувчи учун тузиладиган тестлардаги саволда 4 ёки 5 та жавоблар берилади. Битта берилган саволдаги 4 ёки 5 та жавобининг биттаси тўғри бўлади, қолганлари эса ўхшаш жавоблар тариқасида берилади.

PRESENTATION

The way which something is offered, shown or explained to others. A formal monologue presents ideas, opinions or a business proposal.

ТАҚДИМОТ

Ахборот, назария ёки тамойилларни талабаларга етказиш мақсадида эксперт томонидан ўтказиладиган тадбир. У турли (маъруза, савол бериш, мунозара юритиш) шаклларда ўтказилиши мумкин. Тақдимотнинг мазмуни услуб сифатида ўқитувчига кўпроқ боғлиқ бўлади.

WARM-UP ACTIVITY

An activity used to orient learners to a new topic or area of focus in a lesson.

“ЧИГИЛНИ ЁЗИШ”

Дарсга берилган янги мавзуни ёритиш ва талабаларни мавзуга жалб қилиш мақсадида қўлланадиган услублардан биридир.

TRUE-FALSE ACTIVITY

It is a strategy of teaching students, where a teacher allows students to compare two different historical perspectives to the same question. It allows students to see differing opinions to the same problem and go about doing history. It is designed to add inquiry into the teaching of history.

“ТЎҒРИ-НОТЎҒРИ”

Талабаларни ўқитишда қўлланиладиган шундай ёндашувки, унда талабага берилган битта саволни иккита турли хил томонини таққослашига имкон яратади. Шунингдек, бу метод талабаларга бир хил муаммога турли хил берилган фикрларни кўриб чиқиш ва танлашга ҳуқуқ беради. Ўқитиш усулини яна такомиллаштириш ва мавзуни ёритишга ёрдам беради.

GAP FILL ACTIVITY

A gap-fill is a practice exercise in which learners have to replace words missing from a text. These words are chosen and removed in order to practise a specific language point. Gap-fill exercises contrast with cloze texts, where words are removed at regular intervals, e.g. every five words.

НУҚТАЛАР ЎРНИГА ҚЎЙИШ

Бу усул асосан, талабаларни матн билан ишлаш жараёнида гапларда берилган нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиш учун ишлатилади. Бу эса тил ўрганувчи учун тушириб қолдирилган сўзларни мукамал ўрганишлари учун фойдали. Бундай машқлар кўпинча ёпиқ матнларда берилади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Тилшуносликнинг назарий масалалари, тилшунослик тарихи

Режа:

1. Антик дунё тилшунослигидан уйғониш давригача бўлган тилшунослик: хинд, юнон, рим, араб ва Марказий Осиё тилшунослиги.
2. Европада уйғониш давридаги тилшунослик. Германистиканинг шаклланиши.
3. Лингвистика ва унинг турлари. Тил ва нутқ диалектикаси.
4. Субстанция ва форма.
5. Система ва структура муносабатлари.

| | |
|--|---|
| 1-Маъруза: | Тилшуносликнинг назарий масалалари, тилшунослик тарихи |
| 1.2. Маъруза машғулоти олиб бориш технологияси | |
| Вақт – 2 соат | Тингловчилар сони: 25-30 |
| Машғулот шакли | Кириш мавзу бўйича маъруза |
| Ўқув машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Антик дунё тилшунослигидан уйғониш давригача булган тилшунослик: хинд, юнон, рим, араб ва Марказий Осиё тилшунослиги 2. Европада уйғониш давридаги тилшунослик. Германистиканинг шаклланиши 3. Лингвистика ва унинг турлари. Тил ва нутқ диалектикаси 4. Субстанция ва форма 5. Система ва структура муносабатлари |
| Ўқув машғулотининг мақсади : Тингловчиларга антик дунё тилшунослигидан уйғониш давригача бўлган тилшунослик ҳақида маълумот бериш | |

| | | |
|---|---|--|
| Педагогик вазифалар: | | Дардан кутилаётган натижалар: |
| <ul style="list-style-type: none"> - Тингловчиларга қадимги ҳинд тилшунослигининг ўзига хос жиҳатларини ва Панини грамматикасини тушунтириб бериш; - Қадимги Хитой, юнон, рим ва араб тилшуносли тўғрисида маълумот бериш; - антик дунё тилшунослигидан уйғониш давригача бўлган тилшунослик босқичларини таҳлил қилиш | | <p>Тингловчилар куйидаги билим ва кўникмаларга эга бўладилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - антик дунё тилшунослигидан уйғониш давригача бўлган тилшунослик босқичлари билан танишадилар; - қадимги Хитой, юнон, рим ва араб тилшуносли тугрисида ўрганиб оладилар; - Қадимги ҳинд ва Ўрта Осиёлик тилшуносларнинг хизмати тўғрисида маълумотга эга бўладилар; |
| Ўқитиш усуллари | Муоммоли маъруза, намоёиш, кластер, ақлий ҳужум | |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, график органайзер, рангли фломастерлар | |
| Ўқитиш шакллари | Фронтал, коллектив иш | |
| Ўқитиш шароитлари | Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усулларини қўллаш мумкин бўлган ўқув хонаси | |

| Иш жараёни босқичлари (вақти) | Фаолиятнинг мазмуни | |
|--------------------------------------|--|---------------------------------|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| Босқич I Мотивация (15 дақ.) | <p>1.1. Саломлашиш</p> <p>1.2. Тингловчиларга янги мавзу ва унинг умумий йўналишлари, мақсади тўғрисида маълумот берилади. Тингловчиларнинг давомати текширилади.</p> <p>1.3. Ақлий ҳужум саволлари:</p> | Тингловчилар ақлий ҳужум савол- |

| | | |
|--|---|---|
| | <p>а) Умумий тилшунослик фанининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?</p> <p>б) Жаҳон тилшунослигининг тарихий босқичлари деганда нимани тушунасиз?</p> <p>в) Тилшунослик фанининг ривожига ҳисса қўшган олимлардан кимларни биласиз? Ўрта Осиёлик олимлардан-чи?</p> <p>г) Сизнинг-ча, тил ва мантиқ, тил ва жамият, тил ва фалсафа ўртасида қандай муносабатлар бўлиши мумкин?</p> | <p>жавобларига фаол катнашади.</p> |
| <p>Босқич II. Презентация (50 дақ.)</p> | <p>2.1. Маърузада ўрганиладиган саволлар, калит сўзлар, адабиётлар рўйхати эълон қилинади.</p> <p>2.2. Ўқитувчи режалаштирилган мавзу саволлари бўйича маъруза ўқийди. Вақт-вақти билан тингловчиларнинг фаоллигини ошириш, муҳокама қилинаётган мавзу саволларига диққатини жалб қилиш мақсадида ақлий хужум саволлари берилади. Кўргазмали қуроллар ишлатилади.</p> | <p>Тингловчилар маърузани тинглашади, ўқитувчи томонидан берилган саволларга ўз муносабатини билдиради, маъруза бўйича кайдлар олиб боради.</p> |
| <p>Босқич III. Продуктив- натижа (15 дақ.)</p> | <p>3.1. Ўқитувчи муҳокама учун танланган саволлар бўйича Тингловчиларнинг ўз хулосаларини чиқара олиши учун кўрсатмалар беради.</p> <p>3. 2. Маъруза бўйича саволлар берилади.</p> | <p>Тингловчилар мавзу бўйича ўз хулосаларини чиқарадилар. Ўқитувчининг саволларига ўз</p> |

| | | |
|--|---|--|
| | <p>3.3. Ўқитувчи Тингловчилардан тушган саволларга жавоб қайтаради.</p> <p>3.4. Мустакил вазифа. Маърузада кутарилган саволларни мустакил тахлил қилиш. Интернет саҳифаларидан маълумотлар кидириш, солиштириш, таккослаш, хулоса чиқариш, берилган адабиётлар билан ишлаш.</p> | <p>муносабатлари ни билдирадилар Маъруза бўйича саволлар берадилар. Мустакил вазифани ёзиб оладилар.</p> |
|--|---|--|

Қадимги Ҳиндистон жаҳон тилшунослиги тарихида тилшунослик фанининг бешиги, маркази сифатида тан олинади ва умум томонидан эътироф этилади. Бу – мутлақ ҳақиқат. Чунки тил масалаларига бўлган қизиқиш, тилга оид ҳодисалар билан жиддий ва пухта шуғулланиш илк бор Ҳиндистонда - ҳинд олимлари, филологлари томонидан бошлаб берилди. Айни жараённинг бошланиши даставвал соф амалий аҳамиятга эга бўлди. Аниқроғи, 15 аср илгари ёзилган қадимги ҳинд адабий тили ёзувида - санскритда яратилган қадимги ҳиндларнинг диний мадҳиялари – Ведалар (Ведалар – ўн китобдан иборат бўлган диний мадҳиялар-гимнлар, диний кўшиқлар ва афсоналар тўплами. Буларнинг ичида энг қадимийси ва энг муҳими Ригведа (мадҳиялар тўплами) ҳисобланади.) тили даврлар ўтиши билан мамлакат аҳолисининг сўзлашув тилидан (пракритдан) фарқланиб қола бошлади. Яъни қадимги ёзма ёдгорликлар тили (ёзма нутқ) билан сўзлашув тили (жонли нутқ) орасида ажралиш, номослик, «зиддият» юзага келди. Ушбу зиддиятни, фарқланишни йўқотиш учун ҳинд олимлари қадимий ёзма ёдгорликлар тилини ўрганишга, тадқиқ қилишга, уларни оммавийлаштиришга жиддий киришдилар. Улар қадимги Ҳиндистонда алоҳида эътиборга, ҳурматга сазовор бўлган Ведалардаги маъноси тушунарли бўлмаган сўзларни аниқлаб, уларнинг маъносини изоҳладилар,

шарҳладилар. Ведалар тилига оид махсус изоҳли луғатлар туздилар, матнни фонетик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилдилар. Хуллас, Ведалар тилидаги сўз ва жумлалар маъносини, уларнинг аниқ талаффузини, шаклини сақлаб қолишга бўлган қатъий интилиш қадимги Ҳиндистонда тилшуносликнинг юзага келишига асосий сабаб бўлди.

Ҳиндлар қадимий даврда энг буюк фонетикачи ва грамматикачи сифатида танилганлар. Улар фонетика соҳасида Юнонлардан ҳам олдин унли ва ундош товушларни фарқлаганлар, портловчи ва сирғалувчи, жарангли ва жарангсиз товушларни, товуш бирикмаларини, бўғин, урғу, интонация, чў-зиқлик ва қисқалик каби фонетик ҳодисаларни, жараёнларни билганлар. Шулар юзасидан мукамал маълумотлар қолдирганлар. Қадимги ҳинд тилшунослигида фонема ҳақида ҳам муайян тушунчалар бўлган.

Қадимги ҳиндлар сўзларнинг фақат маъно томонидагина эмас, балки товуш томонида ҳам ўзгаришлар бўлишини билганлар. Шунга кўра улар сўзларнинг товуш жиҳатида алоҳида эътибор берганлар. Товуш ҳақида, товушларнинг ўзгариши ҳақида тадқиқот ишларини олиб борганлар. Шунингдек, қадимги ҳиндлар товушларнинг физиологик-артикуляцион хусусиятлари, бошқа товушлар билан алмашиниши, бир товушнинг бошқа товуш таъсири билан ўзгариши (комбинатор ўзгариш) каби ҳодисаларни аниқлашга ҳам эътибор берганлар. Улар товушларнинг артикуляцион – физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тасниф қилганлар. Шу асосда, юқорида айтилганидек, товушларни унли ва ундошларга ажратганлар, нутқ аъзоларининг яқинлашувидан унлилар, бир-бирларига таъсиридан, яъни тегишидан ундошлар ҳосил бўлишини қайд этганлар.


Агар юнон филологлари товуш алмашинуви масаласига умуман аҳамият бермаган бўлсалар, ҳинд тилшунослари бу жараёнга алоҳида эътибор берганлар, тадқиқот олиб борганлар, айтиш керакки жараённинг ўзига хосликларини аниқлаб берганлар. Қиёсланг: санскрит тилига оид сўзларда, масалан, *vidma* сўзи «биз биламиз» маъносини берса, *veda* «мен биламан» тушунчасини, *vaidyas* сўзи эса «олим», «илмли» маъносини беришини

кўрсатиб берганлар. Қайд этилган маъно (тушунча) ўзгаришлари эса **i – e – ai** унли товушларнинг алмашинуви натижаси эканлиги ҳақида ишонарли, асосли фикрларни баён қилганлар.

Қадимги ҳинд тилишунослари грамматика - морфология соҳасида ҳам анча ишларни амалга оширдилар. Улар бу йўналишда ҳам грек тилишуносларидан анча ўтиб кетдилар. Аниқроғи, ҳинд тилишуноси Гуру морфологиянинг уч бўлимдан ташкил топишини аниқ кўрсатиб беради ва унга қуйидагиларни киритади: 1. Сўзлар таснифи (сўз туркумлари). 2. Сўз ясалиши. 3. Сўз ўзгариши.



Ҳиндлар тўртта сўз туркумини фарқлаганлар: от, феъл, олд кўмакчи ва юклама.



Панини грамматикаси. Қадимги ҳиндларнинг энг машхур тилишуноси

Панинидир. У бизнинг эрамизгача бўлган IV асрда яшаб ижод этди. Панини ўзигача бўлган давр тилшуносларининг қўлга киритган ютуқларини умумлаштириб, улардан фойдаланган ҳолда классик санскритнинг (қадимги ҳинд адабий тилининг) энг машҳур грамматикасини яратди. Унинг ушбу асари «Аштадхьян» номи билан аталади. Панини грамматикаси тўрт мингга яқин (3996 та) қисқа ва лўнда шеърий усулда ёзилган, осонлик билан эса қоладиган қодаларни (сутр) ўз ичига олади.

Панини грамматикаси соф эмпирик ва тасвирий характерга эга бўлиб, унда санскрит (қисман Веда) тилининг фонетикасига, морфологиясига, сўз ясалиши ва синтаксисига оид фикрлар жамланган.

Ушбу тадқиқот тили - ундаги қодалар ниҳоятда ихчам ва қисқа бўлганлиги, асар тили ўзига хос терминологияга эгалиги сабабли Панини тадқиқоти узоқ вақтгача овруполик олимларга тушунарли бўлмади. Биринчи бўлиб, асар мазмунини, ундаги ғояни рус тилшунос олими О.Бётлинг изоҳлаб берди.

Панини ўз давридаёқ тилни система сифатида тушунди, сўз туркумларини фарқлади, сўз таркибини ўрганди, ўзак, қўшимча, урғу, интонация ва бошқа ҳодисалар ҳақида маълумот берди.

Панинининг саккиз бўлимдан иборат классик санскрит масалаларига оид грамматикаси Ҳиндистонда деярли икки минг йил давомида энг асосий ва энг муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди. Эрамизнинг XIII асрларидагина санскритнинг ҳинд олими Вопадаева тузган янги грамматикаси майдонга келди.

Қадимги Хитой тилшунослиги

Қадимги Хитой тилшунослигида ёзма манбалар алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бизнинг кунларимизгача етиб келган Хитой ёзувининг энг қадимий ёзма ёдгорликлари эрамизгача бўлган *XIII-XI асрларга* бориб тақалади. Ушбу ёзма ёдгорликлар ҳайвон (қўй) суяклари ва тошбақа қалқонлари бўлиб, уларда фол очиш жараёни ҳақида маълумот берилади. Бу қадимги

«манбалар» Хитой тилшунослиги тарихида ва тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Фикр юритилган даврлардаёқ Хитой иероглифи муайян сўз сифатида, сўзни англатувчи, ифодаловчи сифатида хизмат қилган. Яъни Хитой иероглифи логограмма ҳисобланган.

Хитой маданий тараққиётига ҳинд маданиятининг таъсири натижасида (яъни Хитойга Ҳиндистондан буддизмнинг кириб келиши сабабли) ҳинд тилшунослигининг таъсири билан Хитой тилшунослари она тилларининг фонетик-просодемик ходисаси – интонациянинг тўртта турини, кўринишини ишлаб чиқдилар.

Хитой тилшунослари томонидан, айниқса, хань даврида (эрамизгача бўлган 206 й. – эрамизнинг 220 й.) лексикология, лексикография, иероглифика, фонетика, грамматика ва диалектология масалаларига катта эътибор берилган.

Ушбу даврнинг энг буюк тилшуноси *Сюй Шень «Элементлар ва мураккаб белгилар ҳақида»* асари билан ёзув назариясининг асосларини яратди. Бу манба Хитой тилшунослигида шу кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Хитой тилшунослиги, айниқса, XVII – XIX асрларда кенг қулоч ёйди. Бу даврларда тарихий фонетика, этимология ва синтаксисга (синтагмага) оид фактлар устида иш олиб борилди. Шунингдек, танқидий матншунослик тараққий қилди.

Хитой тилшунослиги тараққиётига катта ҳисса қўшган ота бола *Ван Нянь – Сунь (1744-1832)* ва *Ван Инь-Чжи (1766-1834)* *Хитой грамматикасининг асосчилари сифатида тан олинади.*

Хитой тилшунослари сўз масаласида мустақил сўзларни ва ёрдамчи сўзларни фарқлаганлар. Мустақил сўзларни от, сифат ва феъл туркумига ажратганлар.

Янги давр тилшунослигининг йирик вакили тадқиқотчи *Чжан Бинь-Линь (1869-1936)* бўлиб, у Хитой тилининг меъерий ва тарихий фонетикаси,

диалектологияси масалаларини ишлаб чиқди. Шунингдек, у фонетик ёзув лойиҳасини ҳам тузди.

Умуман олганда, *Хитой тилишунослигининг асосий йўналиши, айниқса, ўрта асрларда фонетика (ёки фонология) ҳисобланган.* Хитой ёзуви-идеографик ёзув бўлиб, ҳар бир белги сўзга ёки ўзакка мувофиқ келади. Фонетик жиҳатдан эса ҳар бир белги бўғинга тўғри келади. Аслида амалий жиҳатдан барча ўзаклар бир бўғинлидир.

XVII-XVIII асрларда Хитойда фан – тарихий фонетика катта муваффақиятларга эришди. Агар Хитойда тасвирий фонетика поэтика билан боғланган бўлса, тарихий фонетика қадимги матнларни шарҳлашда юзага келган айрим масалаларга жавоб бериш билан шуғулланди.

Қадимги юнон тилишунослиги. Қадимги Рим тилишунослиги

Қадимги Юнонистон Оврупо тилишунослиги фанининг маркази ҳисобланади. Файласуфлар ва шоирлар ватани бўлган қадимги Юнонистонда тил масалалари даставвал файласуфлар томонидан ўрганилган.

Юнон файласуфлари тил масалаларини ўрганиш жараёнида тадқиқот муаммоларини, йўналишларини ҳам белгилаб оладиларки, бу йўналишлар умумий, назарий, лисоний-фалсафий муаммолар сифатида намоён бўлади.

Қадимги Юнонистонда тилишунослик юнон фалсафасининг етакчи қисми сифатида юзага келади ва бу соҳада жуда катта, салмоқли ишлар қилинади.

Қадимги Юнонистонда ҳам қадимги Ҳиндистондагидек матнларни ўрганиш, сўзларни таҳлил қилиш, уларга изоҳ бериш, моҳиятини очиш каби масалалар фонетика, грамматика ва лексика соҳалари билан жиддий шуғулланишга, шу йўналишларда муҳим тадқиқот ишларини олиб боришга сабаб бўлди.

Юнон тилишунослигининг тараққиёти икки даврга бўлинади:

1. Фалсафий давр.
2. Грамматик давр.



1. Тилшуносликнинг фалсафий даври. Юнонистонда тилшуносликнинг фалсафий даври икки аср давом этади. Бунда тилга фалсафанинг бир қисми сифатида қараш, тил ходисаларининг моҳиятини фалсафий жиҳатдан очиш ва тушунтириш, тахминлар, хулосалар чиқариш, гоёлар яратиш айна даврнинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган деярли барча фалсафий мактаблар, оқимлар, йўналишлар тил масалалари билан фаол шуғулланганлар. Фикр юритилаётган даврнинг ўта долзарб ва энг муҳим муаммоларидан бири **сўз муаммоси, сўзнинг табиий ходисами? ёки шартли ходисами? эканлиги** ҳақидаги баҳс, мунозара бўлиб, бу масала атрофида фикрлар қарама-қаршилиги, файласуфларнинг айна масалани ҳал қилишда тарафма - тараф бўлиб, «жангга» киришиши, тадқиқот ишларини олиб бориши қизиқ кетди. Аниқроғи, бу даврнинг асосий, бош масалаларидан бири сўз билан маъно орасидаги, предмет билан унинг номи орасидаги муносабат масаласи эди.

Бошқача айтганда, предмет билан унинг номи ўртасида қандай муносабат мавжуд? Сўздаги товуш билан маънонинг боғланиши қандай юз

беради? Бу боғланиш табиат томонидан бериладими ёки сўзлашувчилар томонидан келишилган ҳолда юз берадими ёки маълум қонун - кўрсатма билан тайинланадими?, «муайян урф - одат билан боғланадими ёки одамлар томонидан белгиланадими, яъни бу жараён онгли, ихтиёрий равишда амалга ошириладими?» ва бошқалар.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида сўз билан предмет орасидаги муносабат масаласини ҳал қилишда **Гераклит** ва унинг тарфдорлари кўйидаги ғояни илгари сурадилар. Улар ҳар бир ном ўзи англатаётган нарса, предмет билан ажралмас алоқада, боғланишда бўлиб, номларда предметларнинг моҳияти намоён бўлади, «очилади». Аниқроғи, сувда дарахтлар, кўзгуда ўзимиз акс этганидек ҳар бир ном ўзи ифодалаётган предметнинг табиатини, моҳиятини акс эттиради, деган фикрни илгари сурадилар. Яна ҳам аниғи предмет билан уларни англатувчи сўзлар орасидаги боғланиш табиат томонидан берилган бўлиб, бу боғланиш табиий, зарурий боғланиш ҳисобланади.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида энг долзарб муаммо бўлган предмет ва унинг номи орасидаги муносабат масаласи **Платоннинг «Кратил»** номли асарида ҳам мукамал баён қилинади.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида тил масалалари билан жиддий ва баракали шуғулланган оқимлардан бири стоицизм ҳисобланади. Стоицизм таълимотининг вакиллари бўлган стоиклар: **Хрисипп, Кратес** ва бошқалар ўз таълимотларида жаҳондаги номувофиқликка ҳамма нарсаларнинг мақсадга мувофиқ бўлишини қарама-қарши қўядилар. Шунга кура улар тилни кишиларнинг руҳида табиат талабига кўра пайдо бўлган дейиш билан бирга сўз предметнинг табиий хусусиятини ифода қилади, деб айтганлар. Стоиклар сўзловчи гапирганида сўз орқали у предметнинг табиати ҳақида қандай таассуротда бўлса, эшитувчида ҳам худди шу хусусиятлар ҳақидаги таассурот туғилади, деб ўйлаганлар.

2. Тилшуносликнинг грамматик даври. Тилшуносликнинг грамматик даври қадимги юнон тилшунослигида Искандария даври деб юритилади.

Миср давлатининг маркази бўлган Искандария македониялик Искандар номи билан боғлиқ эди. У босиб олган Шарқ мамлакатларида юнон тили, маданияти, фалсафасининг таъсири натижасида юнон маданияти, Шарқ маданияти билан қўшилиб кетиб, аралаш маданият - эллинизм юзага келади.

Искандария эллинизм маданиятининг йирик марказларидан бири ҳисобланган. Умуман, бизнинг эрамизгача бўлган III асрдан бошлаб, бирорта ҳам шаҳар: на Афина, на Рим юксак маданият намунаси ва илмий марказ бўлган Искандария шаҳри билан тенглашолмас, рақобат қилолмас эди.

Хуллас, юнон тилшунослиги, айниқса, эллинизм даврида – юнон-шарқ даврида (бизнинг эрамизгача бўлган 334-31й) тараққий қилди, ривожланди.

Александрия грамматика мактабининг энг йирик вакиллари **Зенодот, Аристарх, Дионисий, Аполлоний Дискол** ва бошқалар.

Дионисий (бизнинг эрамизгача бўлган 170-90 й). Аристархнинг шогирди фракиялик Дионисий ўзигача бўлган тадқиқотчиларнинг ишлари ва тажрибаларини ўрганиб, улардан фойдаланиб, римликлар учун «**Грамматика санъати**» номли системалаштирилган дастлабки юнон грамматикасини яратди.

Дионисий таълимотига кўра сўз сўзлашув нутқининг (боғланган нутқининг) энг кичик бўлаги (қисми)дир. Гап (ёки нутқ) эса сўзларнинг ўзаро муносабатидан, боғланишидан ҳосил бўлиб, тугал фикр ифодалайди.

Дионисий грамматикасида от туркуми ҳақида қуйидаги фикр берилади: от келишик ва сонга кўра ўзгарувчи туркумдир. У сифатларни ҳам отга киритади.

Дионисий феъл ҳақида фикр юритиб, феълнинг келишиксиз сўз туркуми бўлиб, замон, шахс, сон, майл, нисбат, тусланиш ва бошқаларга эга эканлигини айтади. Феълнинг бешта: аниқлик, буйруқ, истак, тобелик ва ноаниқлик майлларини; феълнинг учта: ҳаракат, ўзлик ва ўрта нисбатларини; феълнинг учта: бирлик, жуфтлик ва кўплик сонларини; феълнинг учта: биринчи - нутқни сўзлаган, иккинчи - нутқ йўналтирилган ва учинчи - сўз юритилган (ўзга) шахсларни қайд этади. Грамматик замон эса ҳозирги, ўтган

ва келаси замон каби турларга бўлинади. Сифатдошлар эса феъл ва отларга хос бўлган белгиларни бирлаштирадиган категория сифатида талқин қилинади.

Аполлоний Дискол (бизнинг эраизнинг II асрининг биринчи ярми). Аполлоний Дискол бизгача етиб келган юнон тили синтаксисини яратди. У «**Синтаксис ҳақида**» асарида юнон тили синтаксисига оид маълумотларни берди.

Искандария мактаби вакиллари тилнинг товуш томонига ҳам катта эътибор беришди. Улар товушларни акустик принцип асосида тасвирладилар, товуш ва ҳарфларни айнан бир нарса ҳисоблаб, уларни унли ва ундош товушларга ажратдилар. Шунга кўра ҳарфларни унли товушлар ва ундош товушлар номи билан тасвирладилар. Унли ҳарфларни (товушларни) ўз ҳолича талаффуз қилинадиган ва ўзини алоҳида эшитиш мумкин бўлган товушлар сифатида, ундош ҳарфларни (товушларни) эса унлилар билангина талаффуз қилинадиган товушлар сифатида қарадилар. Шунингдек, улар бўғин, урғу ҳақида ҳам маълумот беришди.

Тилшуносликнинг грамматик даврида Искандария мактаби вакиллари юнон тилининг фонетикаси, морфологияси ва синтаксиси бўйича жиддий тадқиқот ишларини олиб бордилар ва қатор асарлар яратдилар. Юнон тилшунослигида, айниқса, морфологияга оид масалалар мукамал ишланган бўлиб, унга нисбатан фонетика ва синтаксис масалалари бўш тадқиқ қилинган. Шунингдек, Искандария мактаби вакиллари грамматикани фалсафадан ажратдилар.

Хуллас, қадимда тилшуносликнинг Искандария даври грамматикани мустақил фан сифатида яратди.

Қадимги юнон тилшунослиги (грамматикаси) ҳинд тилшунослиги (грамматикаси) билан бир қаторда ўз даврида араб тилшунослигига (грамматикасига) таъсир қилди.

Қадимги Рим тилшунослиги

Қадимги Рим филологларининг тилшунослик фанига қўшган ҳиссаси катта эмас. Рим грамматикаси юнон грамматикасининг шаҳобчаси сифатида майдонга келди. Искандария мактабида яратилган юнон тили грамматикаси қадимги римликлар томонидан лотин тилига татбиқ қилинди. Юнон тилидаги деярли барча грамматик терминлар лотин тилига ўтирилди.

Юнон тилшунослигидаги аналогия ва аномалия мактабларидаги мунозаралар ҳам Рим тилшунослигида давом эттирилди.

Қадимги Рим тилшунослигининг вакиллари: **Юлий Цезарь, Марк Теренций Варрон, Марк Фабий, Квинтилиан, Элия Доната, Веррий Флакк, Присциан** ва бошқалардир.

Юлий Цезарь (эрамиздан илгариги 100-44 й). Қадимги Римнинг таниқли давлат арбоби, лашкарбошиси ва нотиғи Юлий Цезарь «**Аналогия ҳақида**» номли грамматик асарини ёзди. У сўз ва предмет муносабати масаласида аналогия тарафдори сифатида танилди.

Марк Теренций Варрон (эрамиздан илгариги 116-27 й).

Марк Варрон 25 китобдан иборат «**Лотин тили ҳақида**» асарини яратди. Шу кунгача бу асарнинг 6 таси етиб келди. Китобда аналогистлар ва аномалистлар орасидаги назарий тортишув, мунозара мукамал баён қилинади. У ҳам Юлий Цезарь каби аналогия тарафдори эди. Варрон сўз ўзгаришини аналогияга, сўз ясалишини эса аномалияга киритади.

Элия Доната (бизнинг эрамизгача IV асрнинг ўрталари).

Элия Доната грамматикага оид кенг қамровли машхур асарини ёзади ва уни «**Грамматика санъати**» деб номлайди. Ушбу асар тўлиқ ва қисқартирилган вариантларда бизнинг замонамизгача етиб келган.

Веррий Флакк (эрамизнинг бошлари). Рим тилшуноси Веррий Флакк лексикология соҳасида ўзигача бўлган тадқиқотларни, тажрибаларни ва фикрларни умумлаштириб, катта ҳажмдаги «**Феълнинг маъноси**» асарини ёзди.

Присциан (VI аср бошлари). Рим грамматикачиси Присциан латин тили бўйича ўз даврининг энг катта тадқиқоти ҳисобланган «**Грамматика санъати ҳақида таълимот**» китобини яратди.

Қадимги Рим тилшунослигида Доната ва Присцианнинг грамматикага оид яратган асарлари латин тили грамматикаси қурилишининг мукамал баёни сифатида жуда кўп асрлар давомида - ўрта асрлар даври учун намуна бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, римликлар юнонлардан намуна олиб, уларга тақлид қилиб, латин тили ҳақида кенг тадқиқот ишларини олиб бордилар. Римликларнинг она тили бўйича грамматикага оид тадқиқотлари, асосан, юнон тилидан таржима қилинган бўлса-да, уларнинг грамматикаларида айрим янгиликлар, янгича қарашлар учраб туради. Жумладан, Рим тилшунослари юнон тилшуносларидан фарқли ҳолда Рим грамматикасига алоҳида стилистикани (услубшуносликни) киритдилар. Рим грамматикачилари сўз туркумига ундовларни ҳам киритди. Аммо юнон тилига хос бўлган артиклни чиқариб ташладилар. Чунки латин тилида артикль йўқ эди. Демак, латин тили учун ҳам 8 та сўз туркуми хос бўлиб қолди. Рим тилшунослари сон туркумини иккига: туб сон ва тартиб сонга бўлиб ўрганишди. Юлий Цезарь латин тилига юнон тилида мавжуд бўлмаган аблатив (ажратиш) келишигини киритди ва келишиклар сонини олтига етказди.

Рим филологлари грамматикага оид терминларни ҳам юнон тилидаги терминлар асосида яратдилар. Жумладан, юнон ва рим грамматикасига оид айрим терминлар русча ва ўзбекча таржималари билан қуйидагилар: *онома*, *nomen* - имя, от; *гема*, *verbum* - глагол, феъл (қадимги рус тилида нутк); *antonomia*, *pronomen* – местоимение, олмош; *nomen adjektivum* – имя прилагательное, сифат; *epirrēma*, *adverbium* – наречие, равиш; *artron*, *artikulum* – артикль; *prodesis*, *praepositio* – предлог, олд кўмакчи, олд кўшимча; *syndesmos*, *conjunction* – союз, боғловчи; *interjection* – междометие,

ундов; soneenta, vokales – гласные, унлилар; symfona, consonantes – согласные, ундошлар ва бошқалар.

Хуллас, антик давр тилшунослик мактабларининг аҳамияти жаҳон тилшунослиги нуқтаи назаридан юксакдир. Ушбу давр Оврупо маданиятининг бешиги бўлиб майдонга чиқди. Қадимги юнон ва Рим тилшуносликлари кейинги давр тилшунослигининг тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Искандария тилшунослик мактаблари вакиллари грамматикани мустақил фанга айлантirdилар. Улар жуда катта грамматик «хом-ашё» (материал) тўплаб, от ва феъл туркумларининг асосий категорияларини аниқлаб беришди. Юнон тилшунослари фонетика, морфология, синтаксис ва этимология фанларининг асосларини яратдилар. Улар сўз ва гап каби муҳим ва мураккаб лисоний бирликларни аниқлаб, изоҳладилар, сўз туркумларини ажратиб бердилар.

Араб тилшунослиги

Араб халифалигида тилшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Ҳиндистондаги каби, амалий эҳтиёжлар билан боғланади. Яъни бу даврда эски ёдгорликлар ва Қуръон тили билан жонли араб тили (шевалари) орасида катта фарқланиш юзага келади.


Бир томондан мусулмон дунёсининг муқаддас диний китоби бўлган «Қуръон»ни тушунарли қилиш, ундаги сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз қилиш, иккинчи томондан, классик араб тилини шевалар таъсиридан сақлаш мақсадида араб олимлари тил масалалари билан жиддий шуғулланишга киришдилар.

Араб тилшунослиги ўз тараққиёти даврида ҳинд ва юнон тилшунослиги ютуқларига, уз анъаналарига танқидий ва ижобий ёндашган. Араблар ўз тилларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардан фойдаланганлар.

VII-VIII аср араб тилшунослигининг дастлабки марказлари Ироқнинг Басра ва Куфа шаҳарлари ҳисобланган. Басра ва Куфа шаҳарларида иккита лисоний мактаб ташкил топган бўлиб, улар ўртасида тилшуносликнинг

кўпгина масалалари юзасидан «фикрлар жанги», қизғин баҳслар, мунозаралар олиб борилган.

Ушбу лисоний мунозаралар тилшунослик фанининг маркази Араб халифалигининг пойтахти бўлган Боғдод шаҳрига кўчирилгандан сўнг тўхтаган.



Араб тилшунослигининг асосчиларидан бири, Басра грамматика мактабининг вакили **Халил ал - Фароҳиди** (тахминан 718-791й) биринчи араб тили луғатини яратди. У луғатини «**Китобул айн**» («Айн ҳарфи китоби») деб номлаб, унда грамматикага оид муҳим фикрларни баён этди. Шунингдек, олим «**Китобул авомил**» («Бошқарувчилар китоби») номли асарни ҳам ёзди. Аммо бу асарлар бизгача етиб келмаган.

Халил ал-Фароҳидининг шогирди, машҳур араб тилшуноси, келиб чиқишига кўра форс **басралик Амир бин Усмон Сибавайхий** (733 йилда вафот этган) ўзининг салмоқли «**Ал - китоб**» асарини яратди. Муаллиф ушбу асарда ўзигача бўлган барча тадқиқотчиларнинг таълимотларини, фикрларини, қарашларини умумлаштиради. У араб тили грамматикасининг тугал ва мукаммал кўринишини тақдим этади. Ушбу асар ҳар иккала: Басра ва Куфа мактаби вакиллари томонидан бир хилда юқори баҳоланган ва қадрланган.

Араб лексикографиясида луғатлар мазмунига кўра **олти** гуруҳга бўлинади: **1.** Тўлиқ изоҳли луғатлар. **2.** Предмет луғатлари (масалан,

хайвонлар билан боғлиқ луғатлар ва б). **3.** Синонимлар луғати. **4.** Ноёб сўзлар луғати. **5.** Ўзлашган сўзлар луғати. **6.** Таржима луғатлари.

Келиб чиқишига кўра юнон **Абу-Абайда** (770-837) ноёб сўз ва ибора, ифодаларнинг кенг қамровли луғатини тузади.

Боғдодлик ҳинд **Сағани** (1181-1252) 20 томлик луғат яратади ва уни «**Тўлқинлар тошқини**» деб номлайди.

Мисрлик **ибн Мансур** (1232-1311) катта ҳажмдаги салмоқли луғат тузиб, уни «**Араб тили**» деб атайди.

Шерозлик форс **Ферузободи** (1329-1414) 60 томлик луғат тузган ва уни «**Қомус**» (Океан) деб номлаган. Бундан кейин яратилган кўплаб луғатлар ҳам «Қомус» номи билан аталадиган бўлган.

Араб лексикографияси Шарқ - Эрон, Туркия, қисман ҳинд халқларига ҳам, Европа халқларига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Араб тилшунослари, юнон тилшуносларидан фарқли, фонетика масалаларига ғоят сезгирлик билан муносабатда бўлганлар. Улар товуш ва ҳарфни, юнонлардан фарқли, қатъиян фарқлаганлар. Шунингдек, “ҳарф” термини билан фақат ёрдамчи сўз ва аффиксларнигина эмас, балки нутқ товушини, “алома” термини билан эса товушнинг ёзувдаги кўринишини, яъни ҳарфни ифодалаганлар.

Араблар унли ва ундош товушларни фарқлаб, **ундошни моҳият, унлини эса ўткинчи** деб таърифлаганлар ва араб сўзларида (ўзакларида) ундош товушларнинг асосий роль ўйнашини таъкидлаганлар. Қиёсланг: китоб, котиб, кутуб. Шунга кўра улар уч ундошли ўзакларни алоҳида ажратганлар.

Араб тилида ўзак 3 баъзан 4 ундошдан иборат бўлиб, сўз ва сўз формаларини яшаш пайтида бу ундошлар орасидаги унли товушлар ўзгартирилади (китоб, котиб, кутуб). Сўзнинг бундай тузилиши **флексия** (эгилиш) ҳақидаги таълимотни яратишга олиб келди. Шунга кўра араб - яхудий филологиясида ўзак, сўз ясовчи элементлар тушунчаси билан бирга флексия ҳақидаги тушунча ҳам пайдо бўлди.

Араблар, ҳиндлар каби, товушларни акустик ва физиологик белгиларига кўра фарқлаганлар. Нутқ аъзолари сифатида оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи ва бўғиз ҳисобланган. Нутқ товушларини ҳосил қилишда бўғиз, тил, танглай, милк, тиш, лаб хизмат қилиши таъкидланган.


Араб тилшунослигида синтаксис масалалари, ҳинд ва юнонлардагидек, грамматиканинг энг бўш бўлими ҳисобланган. Шунга қарамасдан арабларда синтаксиснинг текшириш объекти сифатида гап, гапнинг структур-семантик таҳлили кузатилади. Улар гапнинг камида икки сўздан – икки оддан ёки от ва феълдан иборат бўлишини, бу сўзлар ўртасидаги субъект – предикат муносабатининг ўрганилишини тўғри таъкидлайдилар. Гапларнинг тузилишига кўра отли, феълли ва ҳолли турларга бўлинишини қайд этдилар. Отли гапларнинг от сўздан бошланишини (масалан, Зайд турибди), феълли гапларнинг эса феъл сўздан (масалан, турган Зайд) бошланишини айтадилар.

Отли гапнинг эгаси “mubtado” (мубтадо), кесим эса “xabar” (хабар) деб номланади.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари сифатида 1) тўлдирувчи, 2) ҳол ва 3) изоҳловчилар кўрсатилади.

Сўзлар ўртасидаги синтактик муносабатга хизмат қилувчилар сифатида мослашув, бошқарув ва битишув олинади. Отли гапларда эга кесим билан мослашади.

Араб тилшунослари морфологияда, **Аристотель каби, учта сўз туркумини**-исмун (от), феълун (феъл) ва ҳарфун (юклама, ёрдамчи сўзлар ва аффиксларни) ажратадилар. Отни кенг маънода олиб, унинг таркибига от, сифат, олмошларни ҳам киритадилар.



Отларни атоқли ва турдош отларга, турдош отларни эса аниқ ва мавҳум отларга ажратадилар. Отларнинг сон, эгалик, келишик категориялари анча мукамал тасвирланади. Отларнинг келишик категориялари сифатида тушум келишиги (-ни), жўналиш келишиги (-га, -ка, -ға), ўрин ва пайт келишиги (-да), чиқиш келишиги (-дан) ва биргалик келишиги (била) қайд этилади. Қаратқич келишиги алоҳида изофа ҳодисаси сифатида тушунтирилади. Бош келишик ҳақида сўз юритилмайди.

Араб грамматикасининг морфология қисми **Сибавайхий** асарида пухта ишлаб чиқилган. Аниқроғи, у морфологияга оид қуйидаги масалаларни тадқиқ қилади: 1. Сўз туркуми. 2. Ўзакнинг тузилиши. 3. От ва уларнинг таснифи. 4. Феъл ва унинг шакллари ва бошқалар.

Туркий тил масалалари бўйича тилшунос **Асируддин Абу Ҳайён ал-Андалусий** (1256-1344) қатор асарлар яратди. Маълумотларга қараганда бу асарларнинг ўндан ортиғи бизгача етиб келган. Масалан, 1. «Китобул афъол филлисоний туркия» («Турк тилидан иш китоби»). 2. «Китоб захвул мулк финнаҳвит туркия» («Турк синтаксиси соҳасидан ёрқин китоб»). 3. «Аддуратул мудитъа фил луғатит туркия» («Турк тили тарихи») 4. «Китоб ал идроки лисонул атрок» («Турклар тилини тушуниш китоби»).

«Турклар тилини тушуниш» китоби 1312 йилда араб тилида ёзилган бўлиб, кириш, луғат ва грамматика бўлимларидан ташкил топган. Муаллиф асарнинг кириш қисмида тил системасининг тузилиш элементлари – ташкил қилувчилари сифатида луғат таркибини, морфология ва синтаксисни кўрсатади. Яъни у алоҳида олинган сўзларнинг маъноларини, сўзларнинг турланиши ва тусланишининг қоидаларини ҳамда сўз бирикмаларини қайд этади.

Асарнинг луғат қисмида туркий сўзлар араб алфавити тартибида жойлаштирилган бўлиб, унда 3000 га яқин сўз мавжуд.

Асарнинг морфология қисмида сўз туркумлари ҳақида фикр юритилади. Бунда от, феъл ва ҳарф (ёрдамчи сўзлар ва аффикслар) алоҳида қайд этилади.

Туркий тилларнинг сўз яшаш, сўз ўзгартириш ва форма яшаш категориялари ҳақида маълумот берилади.

Асарда синтаксиснинг сўз бирикмаси таълимотига тўхтаб ўтилади.

Туркий тилга бағишланган муаллифи номаълум «**Ат-тухфатуз закияту филлуғатит туркия**» («Туркий тил ҳақида ноёб тухфа») асари ҳам бўлиб, у XIV асрга оид деб тахмин қилинади. Араб тилида ёзилган бу манба проф. С.Муталлибов таржимасида ўзбек тилида 1968 йилда Тошкентда нашр қилинган. 1978 йилда эса асар акад. Э.Фозилов ва М.Т.Зияевлар томонидан рус тилига угирилиб, «Изысканный дар тюркскому языку» номи остида (акад. А.Н.Кононов муҳаррирлигида) Тошкентда чоп этилди.

Асарда қипчоқ шевасининг луғат таркиби ва грамматик қурилиши тасвирланади. Тадқиқот уч бўлимдан: 1. Қисқача кириш. 2. Луғат ва 3. Грамматикадан ташкил топган.

Манбанинг кириш қисмида тил ва жамият масаласига эътибор қаратилиб, тилнинг жамиятдаги вазифаси, ўрни унинг тафаккур билан боғлиқлиги ҳақида фикрлар берилади.

Муаллиф: «Инсон ҳайвондан фақат тушуниш ва тил (сўзлаш, бизнингча-нутқ Р.Р) билангина фарқ қилади», - дейди. Демак, фикрлаш ва тил (нутқ) қобилияти фақат инсонгагина хос эканлиги таъкидланади. Бинобарин, инсон ана шу қобилиятига кўра ўзгалар билан, жамият аъзолари билан алоқага киришади, ўзаро ақлий, лисоний муносабатда бўлади.

Ишнинг кириш қисмида, шунингдек, графика – ёзув билан боғлиқ айрим масалалар ҳамда баъзи товушлар ҳақида, товушларнинг физиологик - талаффуз хусусиятлари ҳамда талаффуз вақтида тушиб қолиш хусусиятлари ҳақида маълумот берилади. Масалан, д: *ичир* (асли *ичдир*); б: *агар* (асли арабча *абгар*); р: *била* (асли *бирла, бирлан*); қ: *сичан* (*сичқан*), *ташари* (*ташқари*), *башар* (*башқар*); к: *ичари* (*ичкари*); нг: *ализ* (*алингиз*).

Асарнинг луғат бўлимида уч мингта туркий сўз қайд этилади. Улар араб тилига таржима қилинади, маъноларига алоҳида эътибор берилади.

Манбанинг грамматикага оид бўлимида муаллиф, асосан, морфологияга катта эътибор беради. Ишда туркий тил грамматикаси араб тили грамматикасига қиёсланади. Аниқроғи, араб тили грамматикаси асосида туркий тил грамматикаси таҳлил қилинади.

Араб тилшунослигининг ривожда Ўрта Осиёлик тилшуносларнинг хизмати

Ўрта Осиёлик машҳур алломаларнинг жаҳон маданияти, маърифати, илм-фанига қўшган ҳиссаси улкандир. Жаҳон тан олган буюк алломалар: Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг тилшунослик фани тараққиётидаги хизматлари каттадир.

Абу Наср Форобий. Қомусий олим Абу Наср Форобий (873-930) яратган асарлар ичида «*Фанлар таснифи*» (ёки «Фанлар таснифи ҳақидаги сўз») китоби тилшунослик масалаларига бағишланганлиги билан ажралиб туради.

Буюк аллома тилшуносликнинг фонетика, морфология, синтаксис, орфография, орфоэпия ва стилистика каби бўлимлари ҳақида дастлабки тушунчаларни берган.

Форобий фонетика ҳақида фикр юритар экан, нутқ товушлари, товушларнинг ундош ва унли турлари, ундош товушларнинг пайдо бўлиши, ўрни, унли товушлар ва уларнинг хусусиятлари, сўзга қўшимчалар қўшганда юз берадиган товуш ўзгаришлари, сўзнинг фонетик меъёри ҳақида фикр юритади.

У лексика юзасидан маълумот берар экан, лексик бирлик бўлган сўз масаласига, сўз маъноларининг таснифи масаласига тўхталади. Яъни сўз маъносининг икки турини: содда ва мураккаб бўлишини кўрсатади. Содда маъноли сўзларга: *одам, ҳайвон, гул, овқат, осмон* каби аташ вазифасини бажарувчи алоҳида сўзларни киритса, мураккаб маъноли сўзларга: *нарса* ва унинг белгисини билдирувчи: *Бу одам – билимли, бу гул - ўсимлик* каби ифодаларни киритади.

Форобий морфология масаласида сўзларни араб тилшунослигига асосланган ҳолда от, феъл ва ҳарфларга ажратади. Отларни иккига: атоқли ва турдош отларга бўлади. Аниқроғи, содда маъноли сўзларни иккига ажратади: 1) атоқли отлар: Зайд, Амр; 2) турдош отлар: одам, ҳайвон, от ва бошқалар. Отларга сон категорияси (бирлик, иккилик, кўплик), феълларга замон (ўтган, ҳозирги, келаси) категорияси ҳослигини таъкидлайди.

У синтаксис масаласида сўз бирикмаси ҳақида, нутқнинг қисмларга бўлиниши, сўзларнинг қандай бирикиш қоидалари ва ҳукм билдириши, сўзларнинг кўшилиш турлари ҳақида фикр юритади.

Форобий орфография масаласида сўзларнинг ёзилиш қоидалари юзасидан ҳам дастлабки маълумотларни беради.

Форобий шеърят - шеър ҳақида фикр юритар экан, шеърнинг ёзилиш ўлчовлари, яъни шеърнинг ёзилишидаги тўлиқ ва нотўлиқ ўлчовлар, қайси ўлчов ёқимли ва чиройли эканлиги, умуман, шеър товуш ва бўғинлардан ташкил топиши ҳақида фикр баён қилади.

Форобий улуғ файласуф олим сифатида умумийлик ва хусусийлик диалектикаси нуқтаи назаридан тилга, лисоний ҳодисаларга ҳам мурожаат қилади.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал - Беруний

Ўрта аср Европасида Алиборона номи билан машҳур бўлган қомусий аллома хоразмлик Абу Райҳон ал - Беруний (937-1048), маълумотларга қараганда, 150 дан ортиқ асар яратган. Ушбу асарлар математика, фонетика, кимё, астрономия, жўғрофия, тиббиёт, адабиёт, мусиқа, риёзиёт ва тилшунослик каби қатор соҳаларга оид бўлиб, жаҳон илм-фанининг дурдоналари сифатида қадрланади.

Абу Райҳон Берунийнинг лисоний қарашлари «Сайдана» номли асарида берилади. Аниғи, ушбу асар доривор ўсимликлар, ҳайвонлар ва маъданлар тавсифига бағишланган бўлиб, унда доривор моддаларнинг бир неча тиллардаги номлари келтирилади. Буюк аллома ушбу асарда доривор моддаларнинг бир неча тилларда қандай номланишинигина баён қилиб

қолмасдан, балки ушбу моддаларнинг ҳар бир тилдаги маҳаллий, яъни ҳар бир шевадаги номланишини ҳам алоҳида кўрсатиб беради. Демак, муаллиф предмет ва унинг номи муносабати масаласига алоҳида аҳамият берадики, айти масала қадимги тилшунослик давридан то шу кунгача ҳам тил ҳақидаги фаннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.

Беруний шеърият масалалари билан ҳам шуғулланади, асарлар яратади, ўзи ҳам шеър ижод қилади. У «Сайдана» асарида қатор шоирларнинг шеъриятдан намуналар келтиради.

Беруний асардаги 29 боб ва 1116 мақолада доривор моддаларнинг номига изоҳ беради. Ҳар бир боб бир ҳарфга бағишланади. У асарда 4500 дан ортиқ арабча, юнонча, сурияча, форсча, хоразмийча, сўғдча, туркча ва бошқа тиллардан ўсимлик, ҳайвон, дориворлар номларини тўплайди ва изоҳлайди. Демак, «Сайдана» асари айти вақтда доривор моддалар номларининг изоҳли луғати сифатида ҳам қадрланади. Муаллиф асарда доривор моддалар номини араб алифбоси тартибида жойлаштиради. Бир ҳарф билан бошланувчи бир неча сўз бўлса, улар шу ҳарф бобида ички алфавит асосида берилади. Мазкур луғат ҳам изоҳли, ҳам таржима, ҳам этимологик, ҳам диалектологик луғат сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Абу Али ибн Сино. Оврупода Авиценна номи билан машҳур бўлган ва Шарқда улуғлаб, «Шайхурраис» номи билан аталган ватандошимиз Абу Али ибн Сино (980-1037) турли соҳаларда, шу жумладан, тилшунослик бобида ҳам бир қанча асарлар яратди.

Қомусий аллома Ибн Сино: **1) «Китоби ал милҳ финнаҳв»** («Уткирлик синтаксисда эканлиги китоби») **2) «Китоб лисонул араб»** («Араб тили китоби») **3) «Асбоби худут ал хуруф»** («Товушларнинг чегараланиш сабаблари») каби тилшуносликка оид қатор асарлар қолдирди.



Шу кунгача «Асбоби худут ал хуруф» асарининг тўртта наشري: Қоҳира (2), Тифлис наشري ва Тошкент нашрлари маълум. Асарнинг Тошкент нашрини тайёрлашда проф. А.Маҳмудов ва проф. Қ.Маҳмудовларнинг хизматлари катта бўлди. Ушбу асар кириш ва олти бобдан ташкил топган. Манбада товушнинг ҳамда нутқ товушларининг пайдо бўлиш сабаблари, бўғиз ва тилнинг анатомияси, айрим араб товушларининг пайдо бўлишидаги ўзига хосликлари, ушбу товушларга ўхшаш нутқ товушлари ҳамда товушларнинг нутқий бўлмаган ҳаракатларда эшитилиши кабилар ҳақида фикр юритилади.

Ибн Сино товушнинг ҳосил бўлишида ҳавонинг тўлқинсимон ҳаракати сабаб эканлигини тўғри кўрсатади. Аниқроғи, артикуляция ўрнидан ҳавонинг сиқилиб чиқиши натижасида нутқ товушлари юзага келади.

У физикавий товушлар билан нутқ товушларини бир-биридан фарқлайди. Физикавий товушларни «савт», нутқ товушларини эса «харф» сўзлари-терминлари билан номлайди. Физикавий товушнинг ҳам, нутқ товушининг ҳам ҳавонинг тўлқинсимон ҳаракати сабабли ҳосил бўлиши таъкидланади.

Демак, бу товушларнинг юзага келишида ҳавонинг тўлқинсимон ҳаракатланиши умумийлик ҳисобланади. Айти вақтда бу умумийликнинг хусусийлиги шундаки, савтлардан - физикавий товушлардан фарқли ҳолда харфларнинг – нутқ товушларининг ҳосил бўлишида муайян нутқ аъзолари иштирок қилади. Демак, нутқ товушлари нутқ аъзолари орқали, бевосита уларнинг иштирокида юзага келади.

Ибн Сино харфларни – нутқ товушларини унли ва ундош товушларга ажратади. Унлилар миқдорини учта, ундошлар миқдорини эса йигирма саккизта деб белгилайди. Ундошлар ҳақида мукамал маълумот беради. Умуман, Ибн Синонинг фонетика соҳасида яратган ишларини, баён қилган фикрларини, айтиқса, унинг товушларни унли ва ундош товушларга ажратилишини жаҳон тилшунослиги тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси сифатида баҳолаш лозим.

Маҳмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад-ил Кошғарий. Маҳмуд Кошғарий Урта Осиёнинг XI асрида яшаб ижод этган буюк алломасидир. У туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси ва лексикологиясига асос солди, фонетикаси бўйича қимматли маълумотлар қолдирди.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилшуносликнинг энциклопедияси ҳисобланган машҳур «**Девону луғатит турк**» («Туркий сўзлар девони») асарини яратди. Шунингдек, шу кунгача топилмаган «**Жавоҳирун наҳв фи луғатит турк**» («Туркий тиллар синтаксисининг жавоҳирлари») номли асарини ҳам ёзган.

Араб тилидан К.Броккельман томонидан немис тилига таржима қилиниб, 1928 йилда Лейпцигда, Босим Аталай томонидан турк тилига таржима қилинган, 1939 йилда Анқарада нашр қилинган «Девону луғатит турк» асари проф. С. Муталлибов томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, 1960-1963 йилларда Тошкентда нашрдан чиқди.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони» акад. А.Н.Кононов, проф. Ҳ.Неъматов, проф. Ф. Абдуллаев, проф С.Усмонов, проф. А.Кондрашов, проф. А.Нурмонов ва бошқаларнинг тахминича 1072-1078; 1078-1083; 1071-1073; 1073-1074; 1076-1077 йилларда ёзилган. Хулоса битта, асар XI асрнинг иккинчи ярмида тилшунослик майдонига кириб келган.

Тилни кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида, жамият ҳаётини акс эттирувчи кўзгу сифатида тушунган Маҳмуд Кошғарий ўзининг машҳур «Девон»ида айнан бир даврга оид бўлган турлича туркий тиллар ходисаларини, фактларини синхрон-қиёсий метод асосида солиштиради, таққослайди. Чунки ўша даврда айнан мана шу метод араб тилшунослигида жуда кенг тарқалган бўлиб, бу араб тилининг кўп шеваги тил эканлиги хусусиятидан келиб чиқади.

«Девону луғатит турк» асарида туркий тилшунослик тарихида биринчи мартаба **туркий тил ва диалектларнинг таснифи** ҳам берилади.

Хуллас, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девон»и билан синхрон-қиёсий тилшуносликка асос солди, айти тилшуносликнинг буюк вакили сифатида танилди.

Маҳмуд Кошғарий синхрон-қиёсий метод билан қуролланган ҳолда туркий қабилаларни кезиб, асосий диққат-эътиборини уларнинг тилларидаги умумий ва фарқли хусусиятларга қаратади. Шунингдек, у туркий қабилаларнинг жойлашиш ўрни ҳақида ҳам қимматли, асосли жўғрофий маълумотлар берадики, бу «Девон»даги фактларнинг, фикрларнинг, қарашларнинг объективлигини таъминлайди. Айтилганлар «Девон»нинг жуда катта меҳнат эвазига яратилганлигидан хабар беради.

Тилшуносликнинг барча сатҳлари бўйича қиёсий тадқиқот ишларини олиб борган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»и муқаддима ва луғат қисмларидан ташкил топади.

«Девон»нинг кириш қисмида асарнинг тузилиши ҳақида, шунингдек, Шимолий Хитойдан тортиб, бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорогача тарқалган катта ҳудуддаги уруғлар, қабилалар ва уларнинг тиллари ҳақида, бу тилларнинг фонетик ва грамматик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади.

«Девон»нинг асосий луғат қисмида эса 9 мингга яқин туркий сўз араб тилига таржима қилиниб, изоҳланади, уларнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари ҳақида муҳим фикрлар баён қилинади.

Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз - Замахшарий. Мусулмон шарқида «Устод ул-араб ва-л ажам» (Араблар ва ғайри араблар устози), «Фахру Хваразм» (Хоразм фахри) каби шарафли номлар билан машҳур бўлган Ўрта Осиёлик алломалардан яна бири Маҳмуд аз - Замахшарийдир (1075-1143).

Маҳмуд аз - Замахшарий Хоразмнинг Замахшар қишлоғида дунёга келди. Унинг ёшлик йиллари илму фан ва маданият тараққий қилган даврга тўғри келди. Замахшарийлар оиласи диндор, ҳурматга сазовор зиёли оилалардан эди. Шунга кўра у дастлабки билимини Замахшарда – ўз ота-онасидан олади, хат-саводли бўлади. Маҳмуд ўз билимини ошириш, илм-фан бобида мукамал бўлиш мақсадида Хоразмга (Урганчга, сўнгра эса Бухорога) йўл олади. Ушбу шаҳарлардаги мадрасаларда ўзининг маънавий-маърифий савиясини оширади. Билимни янада чуқурлаштириш мақсадида Исфохон, Боғдод, Макка, Марв, Нишопур, Шом, Хижоз ва Ироқ каби илм-фан, маданият тараққий қилган шаҳарларда бўлади, етук алломалардан, олиму фозиллардан илм-фан сирларини ўрганади, тинимсиз меҳнат қилади, доимий изланишда бўлади. Шунга кўра Маҳмуд аз - Замахшарий ўз замонасининг буюк алломасига, илм-фан ҳомийсига, донғи кетган машҳур кишисига айланди.

Буюк аллома авлодлар учун улкан бой илмий мерос қолдирди. У тилшунослик, луғатшунослик, жўғрофия, адабиёт, аруз, тафсир, ҳадис, фикх ва қироат илмига оид 50 дан ортиқ асар яратди, кўплаб шеърлар ёзди.

Машҳур тарихчи Ибн ал-Қифтий Маҳмуд Замахшарий ҳақида шундай дейди: «Худо раҳмат қилгур аз - Замахшарий илму адаб, наҳв ва луғат бобида ўзгаларга мисол (намуна) бўладиган аллома эди», деса, Миср тарихчиси ибн Тағриберди эса Маҳмуд Замахшарий «шайх, буюк аллома, ўз даврининг яғонаси, ўз асрининг энг пешвоси ва имоми бўлган», дейди.

Алишер Навоий. Ўрта Осиёнинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги буюк мутафаккири, алломаси, шеърят султони, ўзбек адабий тилининг ҳомийси ва тарғиботчиси Алишер Навоий (1441-1501) ҳазратлари тилшунослик тарихида ҳам ёрқин из қолдирган улкан сиймолардан биридир.

Алишер Навоийнинг лисоний қарашлари, асосан, «**Муҳокамат ул-луғатайн**» (1499) асарида ўз ифодасини топган.

Икки тил - ўзбек ва форс тилларининг қиёсий (солиштирма) таҳлиliga бағишланган ушбу асарда Алишер Навоий турли тил оилаларига мансуб бўлган тилларнинг умумий ва фарқли томонлари, белги-хусусиятларига тўхталади, уларни таҳлил қилади, муҳим маълумотлар беради. Аниқроғи, тилларни муҳокама қилиш орқали ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатларига, адабий-бадиий ижодда – асарлар яратишда ўзбек тилининг ҳам устувор, улуғвор тил эканлигини, шунга кўра форс тили билан бемалол рақобат қила олишини, ҳатто айрим ўринларда, тасвирийлик имкониятлари нуқтаи назаридан эса ундан илгари кета олишини баён қилади, асослайди.

У мазкур асарида тилларнинг келиб чиқиши, тил ва тафаккур орасидаги муносабат, сўз маъноси, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари, сўз ясалиши, морфологик категориялар, фонетикага оид – товуш билан боғлиқ қатор ҳодисалар ҳақида чуқур фикр юритади, бундай ҳодисаларни атрофлича таҳлил қилади.

Навоий асарда фонетик система ҳақида фикр юритар экан, айтиш системанинг қурилиш аъзолари бўлган товушлар ҳақида, товушларнинг

артикуляцион хусусиятлари ҳақида маълумотлар беради, ўзбек тили товушларининг қўлланилишидаги ўзига хосликларини алоҳида қайд этади.

Ушбу фонетик ўзига хосликлар ҳақида проф. С.Усмонов ва проф. А.Нурмоновлар ўз тадқиқотларида бир қатор маълумотларни келтирадилар. Масалан, товуш ва ҳарф муносабати ҳақида фикр юритилар экан, улар бири-бирига ҳамма вақт ҳам мос келмаслиги, бир ҳарф билан бир неча товушни англатиш мумкинлиги айтилади. Аниғи, Навоий эски ўзбек адабий тилининг унлилар системасига тўхталиб, **о-ў, у-ў** оппозицияси асосида мисоллар келтиради қиёсланг: от (олов) – ўт (ҳаракат); тўр (тузоқ) – тўр (уйнинг тўри); ўт (ютмоқ) - ўт (каллани ўтга тутиб, туқини куйдириш). Шунингдек, биргина *ей (s)* ҳарфи билан учта товуш: **и, чўзиқ и ва э** товушлари ифодаланиши қайд этилади.

Қофия масаласида ўзбек ва форс тиллари қиёсланар экан, бунда ўзбек тили имкониятларининг кенглиги, бу жиҳатдан ўзбек тили форс тилидан устун эканлиги баён қилинади. Аниғи *аро* сўзини *саро, даро* билан ҳам, *бода* билан ҳам, *эрур* сўзини эса *хур, дур* билан ҳам, *гурур, сурур* сўзлари билан ҳам қофия қилиш мумкинлигини, форс тилида эса бундай имконият йўқ эканлигини таъкидлайди.

Хуллас, Алишер Навоий товушни, ҳозирги тилшунослик нуқтаи назаридан баҳолашда, фонема сифатида олиб, унинг энг муҳим хусусияти бўлган маъно фарқлаш қобилиятига эга эканлигини баён қилади.

Алишер Навоий морфологияга оид фикрларни баён қилар экан, асосий, етакчи сўз туркуми сифатида, мақсадга тўла мувофиқ, феълларга мурожаат қилади. Феъл бирликларнинг маъно жиҳатдан, шакл ва қўлланиши жиҳатдан эски ўзбек адабий тилининг ўзигагина хос, яъни форсийда учрамайдиган хусусиятларини, зукко тилшунос сифатида, пухта таҳлил қилади. Аниқроғи, у феълларнинг нисбат билан боғлиқ томонларига алоҳида эътибор берар экан, феълнинг ўзлик, орттирма ва биргалик нисбатларини, равишдош шаклини, кўмакчи феъл ёрдамида тузилган мураккаб феълларни қайд этади.

Навоий феълнинг орттирма нисбат шакли ҳақида фикр юритар экан, айна нисбат тушунчаси - т қўшимчаси орқали ҳосил бўлишини айтади, қатор мисоллар келтиради. Киёсланг: *югурт, яшурут, чиқарт* ва бошқалар.

Мирзо Мехдихон. Алишер Навоийнинг дунёвий аҳамиятга эга бўлган улкан илмий ва адабий меросини ўрганиш-лисоний йўналишда у яратган асарларни таҳлил қилиш-сўзларга, сўз маъноларига эътибор бериш, уларни изоҳлаш, маънавий қамровини, матн-даги қувватини очиб бериш, ўзга тилларга таржима қилиш кабилар, XV асрдан бошлаб, филологик тадқиқотларнинг –лек-сикографик ишларнинг асосий мақсади, вазифаси бўлиб қолди. Шунга кўра, айниқса, ушбу даврдан бошлаб, кўплаб луғатлар яратила бошландики, бу луғатлар ичида Эрон шоҳи Нодир шоҳнинг котиби астрободлик Низомиддин Муҳаммад Ҳоди ал Хусайни ас Сафавийнинг – Мирзо Мехдихоннинг (XVIII) «**Санглоҳ**» (1760) луғати алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу асарнинг ўзига хос томони шундаки, айна луғатга «Мабони ул - луғат, яъни сарфи ва наҳви луғати чиғатой» номли эски ўзбек тилининг грамматикасига оид тадқиқот ҳам киритилган.

Маълум бўлдики, Мирзо Мехдихоннинг «Санглоҳ» асарида ҳам лексикологияга, лексикографияга, грамматика-морфология ва синтаксисга оид масалалар юзасидан фикр юритилади.

Асарнинг луғат қисми, асосан, шеърятдаги ҳамда Лутфий, Бобур асарларидаги тушунилиши қийин бўлган сўзлар изоҳига, уларнинг форс тилига таржима қилинишига қаратилгандир.

Асарга қўшимча киритилган «Мабони ул - луғат» икки қисмдан: муқаддима ва тарсиф (грамматика) дан иборат.

«Муқаддима»да асарнинг ёзилиш сабаблари берилади. Ишнинг тарсиф-грамматикаси эса олти бўлимни ўз ичига олади. Ушбу бўлимларда феъл - феълнинг турли нисбат шакллари келиши, феъл замонлари, феълнинг функционал шакллари (сифатдош, равишдош), феъл майллари, феълларнинг ясалиши, аффикслар олиши, олмошлар, уларнинг турлари,

кўшимчалар, кўмакчи феъллар, сўзлар имлоси ва бошқалар ҳақида фикр юритилади.

Таянч тушунчалар: Араб тилшунослигининг ривожда ўрта Осиёлик алломаларнинг хизмати. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг филологик асарлари.

Маҳмуд Кошгарий, Мащмуд аз Замахшарий, Алишер Навоий ва Мирзо Меҳдихонларнинг лисоний тадқиқотлари, уларнинг туркий ва ўзбек тилшунослиги тарихидаги ўрни.

Таянч тушунчалар:

- а) қадимги хинд ёдномалари, Ведалар, сўз туркумлари, фонетика, морфология, луғатлар, Панини грамматикаси. Хитой иероглифи.
- б) фалсафа, аналогия, аномалия, сўз масаласи, предмет ва сўз муносабати, Искандария мактаби, синтаксис, грек грамматикасининг шаҳобчаси.
- в) Араб тилшунослигининг тузилиши; расмул хат (графика), тажвид (орфоэпия), сарф (морфология), наҳв (синтаксис), илмул Луға(т) китоби. Араб тилшунослигининг тузилиши; расмул хат (графика), тажвид (орфоэпия), сарф (морфология), наҳв (синтаксис), илмул Луға(т) (лексикография ва лексикология), илму-л-маной (семасиология), илму-л-баён (услугунослик) ва бошқалар. Араб тилининг изоҳли луғатлари. Араб тилшунослигининг тилшунослик тарихида тутган ўрни.

Мавзу бўйича саволлар

1. Тилшунослик фани нимани ўрганади?
2. Тил ва нутқ ўртасидаги тафовут нималардан иборат (УМИС, ЯХВО)?
3. Ф.де Соссюр, В. фон Гумбольдт тилшунослик ривижига қандай ҳисса қушган?
4. Тил сатхлари нималардан иборат?
5. Парадигматик алоқа нима? Синтагматик-чи?
6. Фонетика нимани ўрганади?
7. Грамматика қайси қисмларга бўлинади? Морфологиянинг объекти нима? Синтаксис-чи?

8. Лексикология нимани урганади?
9. Умумий тилшунослик фанининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
10. Жаҳон тилшунослигининг тарихий боскичлари деганда нимани тушунасиз?
11. Тилшунослик фанининг ривожига ҳисса қўшган олимлардан кимларни биласиз? Ўрта Осиёлик олимлардан-чи?
12. Сизнинг-ча, тил ва мантиқ, тил ва жамият, тил ва фалсафа ўртасида қандай муносабатлар бўлиши мумкин?
13. Антик дунё тилшунослигининг фанга қўшган ҳиссаси нимадан иборат?
14. Панини грамматикасининг моҳияти нимада? Ведалар нима? Санскрит қайси тил? Ҳинд тилшунослигида тил билан шуғулланиш қандай аҳамиятга эга?
15. Грек тилшунослиги тараққиётини нечта даврга бўлиш мумкин? Грек олимлари тилни даставвал қайси жиҳатдан изоҳлаганлар? Грек файласуфлари тилда қандай муносабатни белгиладилар? Грек тилшунослиги фалсафий даврининг асосий вакиллари кимлар?
16. Қадимги Рим тилшунослигининг вакилларида кимларни биласиз?
17. Хитой тилшунослигининг асосий йўналиши қайси бўлган? Хитой тилшунослигига тарихан катта ҳисса қўшган олимлар кимлар?
18. Араб тилшунослиги мактаблари қайсилар? Наҳв термини араб тилшунослигининг қайси соҳасини англатади? Араб тилшунослигида, айниқса, қайси соҳага катта ўрин ажратилади?
19. Қайси Ўрта Осиёлик олим араб тилидаги дастлабки асарни яратди? Абу Али ибн Синонинг нутқ товушларига оид асари қайси? Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул луғатайн» асарида феълнинг қайси нисбатига алоҳида тўхтади? Алишер Навоий қайси методнинг асосчиси ҳисобланади?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

1-мавзу: Лингвистик мактаблар ва улар томонидан яратилган таълимотлар моҳияти. Грамматик категориялар, грамматикага оид замонавий таълимотлар

1. Ёш грамматикачилар таълимоти.
2. Историзм ва психологизм оқимлари.
3. Қозон, Москва мактабларида тил таълимоти ҳамда фонетик ва грамматик бирликлар ҳақидаги таълимот.
4. Ф. де Соссюр таълимотида тилшунослик предмети, нутқ фаолияти антиномияси.
5. Прага лингвистик тўғараги таълимоти.
6. Америка дескрептив лингвистикаси.

Уйғониш даври тилшунослиги XV-XVIII асрларни ўз ичига олади. Уйғониш даврининг бошланиши билан черковнинг обрў-эътибори сусайиб, антик даврга бўлган эътибор, қизиқиш, уни қадрлаш кучая борди. Аниғи, Уйғониш даврининг вакиллари, зиёлилари юнон ва римликларнинг бой миллий маданиятига мурожаат қила бошлашди.

Оврупо олимларининг – юнон ва римликларнинг бой маданий ва маърифий меросини эгаллашлари жуда катта меҳнат натижасида ва лотин тилига оид қатор асарларнинг – матнларнинг нашр қилиниши ҳамда уларни шарҳлаш натижасида мумкин бўлди.

Антик (ёки классик филология) даврининг адабий асарларини нашр қилиш ва уларга лисоний шарҳлар ёзишда, айниқса, қуйидаги олимларнинг хизматлари, меҳнатлари катта бўлди. Булар: Жюль Цезарь Скалигер (1484-1558), Роберт Стефанус (1503-1559), унинг ўғли Генрих Стефанус (1528-1598), Герхардт Иоганн Фоссий, Шарль Дюканж, Иоганн Рейхлин, Иоганн Меланхтон ва бошқалар.

Ж.Скалигер «Лотин тили асослари ҳақида» (1540) асарини яратган бўлса, Р. Стефанус «Лотин тили хазинаси» (1553) тадқиқотини эълон қилади.

Г.Стефанус эса юнон тилига бағишлаб, «Грек тили хазинаси» асарини чоп эттирди.

Айни вақтда Шарқ тилларини, айниқса, семит тилларини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди, семит филологияси майдонга келди. Яъни, қадимги яхудий, арабий, араб, эфиопия тиллари тадқиқ қилинди. Қатор асарлар яратилди. И.Рейхлин қадимги яхудий тили грамматикасини (1506) яратиб... унда биринчи бўлиб, «аффикс» терминини қўллади ва бу термин XVI-XVIII асрларда фаол ишлатила бошланди. П.де Алкам араб тили грамматикасига оид асарларини (1506) эълон қилди. Яков Холиус ва Эрленийлар араб тили тадқиқи билан шуғулланган бўлсалар, Иов Лудольф эфиопия тили юзасидан иш олиб борди.

Айниқса, XVI асрда қатор тилларнинг – немис (1527), француз (1531), инглиз (1538), венгер (1539), чех (1567), поляк (1568), славян (1596) ва бошқа тилларнинг грамматикасига оид асарлар майдонга келди.

1696 йилда Англияда (Оксфорд) Генрих Вильгелм Лудольфнинг латин тилида тузилган «Рус грамматикаси» асари яратилди. Биринчилардан бўлиб, итальян (1612) ва француз (1694) тили луғатлари чоп этилди.

Агар ўрта аср ва Уйғониш даврида классик филологиянинг ғоялари тараққий эттирилган бўлса, XVII ва, айниқса, XVIII аср тилшунослигида тубдан ўзгариш бўлиб, янги типдаги грамматика, луғатлар – кўп томли катта луғатлар майдонга келди.

Ана шундай луғатлардан бири рус сайёҳи академик Пётр Симон Палласнинг «Барча тиллар ва шеваларнинг (лаҳжаларнинг) қиёсий луғати» асаридир. 272 тилга оид тўрт тилли бу луғат Петербургда 1786-1791 йилларда нашр қилинган бўлиб, унда русча сўзларнинг 272 тилга қилинган таржимаси берилади ва қиёсланади. Бу луғат қиёсий-таржима луғат сифатида эълон қилинади. Мазкур луғатга Осиё, Европа, Африка ва Америка тиллари киритилади, ушбу тилларга оид материаллар берилади.

Пор-Рояль грамматикаси (“Умумий рационал грамматика”). Ўрта асрлардаёқ (XVI-XVII) лисоний ҳодисаларнинг тўғрилиги мантикий

мезонлар асосида аниқлана бошланди. Бу эса, ўз-ўзидан, тилнинг мантикка бўйсиндирилишига ва барча тиллар учун умумий қонунлар мавжудлигини тан олишга мажбур қиларди. Бошқача айтганда, ушбу асрларда латин тилини ўрганиш мантикий тафаккур қонун ва қоидаларини билиш деб ҳам тушунилди. Тил ҳодисалари мантиқ асосида изоҳланди. Мантиқ грамматикадан устун қўйилди. Бу даврда барча тилларнинг ягона, битта мантикий асоси бўлиши-битта грамматика бўлиши керак, деган таълимот яратилди. Натижада мантикий грамматика яратиш ғояси майдонга келди.

Мантикий грамматика яратиш таълимотининг энг муҳим ғоявий асоси бўлиб, маърифат асрининг (XVII-XVIII) етакчи фалсафий йўналиши бўлган рационализм (Рационал (изм)- тафаккурни, абстракт фикрлашни билишнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайдиган ва уларни тажрибадан ажратиб қўядиган идеалистик оқим.) майдонга чиқди. Яъни ақл - идрок асосида иш кўриш - рационализм тилшуносликка ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Шунга кўра ҳар қандай тилларнинг грамматик категорияларини мантикий категорияларнинг намоён бўлиши, юзага чиқиши сифатида тушуниш кучайди. Натижада рационализм таълимотининг талаблари асосида умумий (рационал, фалсафий ёки мантикий) грамматика яратиш ғояси амалга оширила бошланди.

1660 йилда Париж атрофидаги Пор-Рояль монастирининг роҳиб олимлари мантиқшунос Антон Арно ва тилшунос Клод Ланслорлар илк бор «Умумий рационал грамматика» асарини француз тилида яратиб, Парижда нашр қилдилар.

Пор-Рояль грамматикаси қадимги юнон, қадимги яҳудий, латин ва француз тиллари материаллари асосида яратилди. Аммо у қиёсий ёки чоғиштирма грамматика эмас, балки мантикий-типологик грамматика ҳисобланади. Ушбу грамматика ўз олдида «барча тилларга хос умумий принципларни ва уларда учрайдиган фарқларнинг сабабларини» аниқлаш вазифасини қўяди.

Пор-Рояль грамматикасида биринчи бор грамматика билан мантик ўртасидаги алоқа, боғланиш назарий жаҳатдан асослаб берилди. Агар тил тафаккурни ифода этса, демак, тил категориялари тафаккур категорияларининг намоён бўлишидир. Шунга кўра тилни ўрганувчи грамматика мантикка асосланиши лозим. Грамматика рационал, мантикли бўлиши керак. Мантик барча учун ягона, битта экан, бинобарин, грамматика ҳам умумий ва универсал бўлиши лозим. Ягона грамматика алоҳида тилнинг грамматикаси бўлиши мумкин эмас, у фақат умумий бўлиши мумкин, деган ғоялар, кўрсатмалар илгари сурилди.

Пор-Рояль грамматикаси икки қисмдан – фонетика ва грамматикадан иборат бўлиб, олти бобдан ташкил топган биринчи қисмда товуш ва ҳарф, урғу ва бўғинга ажратиш кабилар ҳақида маълумотлар берилади. Грамматиканинг йигирма тўрт бобдан иборат иккинчи қисмининг йигирма уч бобида эса морфология масалалари - от, сифат, олмош, феъл, сифатдош, равиш, боғловчи, ундов - уларга хос хусусиятлар, категориялар; фақат охириги йигирма тўртинчи бобида эса синтаксис масалалари - сўз бирикмаси ва гап кабилар ҳақида фикр юритилади.

Компаративистика (қиёсий – тарихий тилшунослик). XVIII асргача тил ўзгармас ҳодиса деб ҳисобланган. Айнан мана шу асрдан бошлаб, тилга бундай қараш ўзгарди. Яъни XVIII асрнинг диққатга сазовор энг катта хизмати шундаки, у тилга ўзгарувчан, ривожланувчан ҳодиса сифатида баҳо берди. Аниқроғи, ушбу даврда Шарль де Брос, Жан-Жак Руссо, Монбоддо, Адам Смит, Пристли, Гердер ва бошқалар тилларнинг тарихий тараққиёти ғоясини қўллаб, уни ривожлантирдилар.

XIX асрнинг бошларига келиб, тилшуносликка алоҳида фан сифатида қараш ғояси қатъий тус олди. Яъни XIX асрнинг биринчи чорагида тилшуносликда фактларни йиғиш, уларга эътибор бериш ғоясидан қиёсий-тарихий ғояга-нуқтаи назарга бурилиш, ўтиш юз берди. Албатта, XIX асрнинг бошларига келиб, нуқтаи назарларнинг ўзгаришига лисоний кузатишлар, бу кузатишлардан келиб чиққан муайян жиддий фикрлар сабаб

бўлди. Аниқроғи, XIX асрдан анча олдин айрим тиллар ўртасида ўхшашлик борлиги аниқлансада, аммо узоқ вақтлар давомида ушбу ўхшашликнинг сабаблари илмий жиҳатдан ёритиб берилмади, олимлар ўхшашлик сабабларини тушунтириб бера олмади. XIX асрнинг бошларига келиб, турли мамлакатлардаги айрим тилшунослар деярли бир вақтда бир қанча тиллар ўртасидаги систематик ўхшашликни фақатгина уларнинг қариндошлиги билан - бир умумий қадимий боботилдан келиб чиққанлиги билан, кейинчалик эса ҳар бири алоҳида, мустақил ривожланганлиги билангина тушунтириш мумкин, деган хулосага келишди. Шунингдек, тиллар ўртасида ўхшашлик мавжудлиги ғоясининг майдонга келишида фанга тарихий ёндашиш юзага келганлиги - тил ҳодисалари тарихийлик нуқтаи назаридан изоҳлана бошланганлиги билан, тилшуносликка романтизм ғояларининг таъсири, яъни жонли тилларнинг ўтмишини ўрганишга ундаш ғояси билан ҳамда санскрит (қадимги ҳинд адабий тили) билан яқиндан танишиш кабилар тиллар ўртасидаги ўхшашликни уларнинг қариндошлигига кўра изоҳлаш мумкинлигига олиб келди (XVI асрда италян савдогар сайёри Филиппо Соссети Ҳиндистонда 5 йил (1583-1588) яшаши натижасида ҳинд тили билан италян тили ўртасида ўхшашлик борлигини аниқлайди ва санскритдан намуна сифатида келтирилган бир қанча сўзлар билан фикрини исботлайди.).

Масалан, Бенгалияда хизмат қилган инглиз шарқшуноси ва ҳуқуқшуноси Вильям Джонс (1746-1794) санскрит тилини юнон ва лотин тилларига қиёслаб, улар ўртасида яқинлик, қариндошлик борлиги ҳақидаги фикрларни, маълумотларни қатъий айтди.

Немис олими Фридрих Шлегель (1772-1829) эса ўзининг машҳур «Ҳиндларнинг тили ва донолиги» асарида санскрит тилининг на фақат луғат таркибида, балки грамматик муносабатида ҳам лотин, грек, герман ва форс тилларига қариндош эканлигини, уларнинг келиб чиқишига кўра умумий асосга эгаллигини қайд этади.

Демак, тилларни қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, уларга тарихийлик нуқтаи назардан ёндашиш кабилар қиёсий-тарихий

тилшуносликнинг майдонга келишига, тилшуносликнинг алоҳида, мустақил фан сифатида қатъий тан олинishiга замин яратди.

Ушбу жараёнда қиёсий-тарихий методнинг яратилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, қиёслаш тилларни ўрганишда усул, восита сифатида, тилларга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашиш эса тадқиқотнинг принципи (бош ғояси, мақсади) сифатида намоён бўлди.

Эслатиш жоизки, Маҳмуд Кошғарий, Вильям Джонс, Фридрих Шлегель каби олимларнинг ҳам қиёсий-тарихий методнинг яратилишидаги хизматларини инкор қилиб бўлмайди. Улар қиёсий-тарихий методнинг очилишига жиддий, чинакам яқинлашишди. Аммо қиёсий-тарихий методнинг яратилишида Франц Бопп, Расмус Раск, Якоб Гримм, Александр Востоковларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлиб, улар ижодкор (новатор) тилшунослар сифатида майдонга чиқди.

Август Шлейхер. Натурализм. XIX асрнинг ўрталарида Европа тилшунослигида натурализм (Натурализм – латинча *natura* «табиат» дегани.) оқими пайдо бўлди. Ушбу оқимнинг машҳур вакили немис олими Август Шлейхер (1821-1863) эди.

А.Шлейхер тилшуносликдан ташқари ботаника ва фалсафа каби фанларни ҳам ўрганди. У дастлаб Бонн, сўнгра Прага, Йен университетларининг доценти ва профессори сифатида маърузалар ўқиди, 1858 йилда Россия фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлди.

А.Шлейхер ҳинд-Европа тилларининг умумий масалалари билан шуғулланди, Литва тилини ўрганиб, жонли нутқ бўйича тадқиқотлар олиб борди, халқ оғзаки ижодига оид материаллар тўплади. У, шунингдек, қиёсий-тарихий ва типологик йўналишда герман, славян, болтиқ тиллари билан ҳам шуғулланди. А.Шлейхер тилларни қиёсий ўрганишда товушларнинг қонуний ўзгаришларига эътибор беришни талаб қилди. У фонетикани фонология деб атади ва сўзда товуш, шакл ҳамда функцияни фарқлади.

Олим айна вақтда умумназарий фикрларни ҳам илгари сурадики, бу фикрлар тилшунослар томонидан эътибор билан қабул қилинди. Ушбу

фикрлар товуш қонуни, аналогия, тилнинг систем характерга эгаллиги, сўзнинг шакли ва вазифаси ҳақидаги ғоялар билан боғланади. А.Шлейхернинг мазкур назарий қарашлари «**Немис тили**» (1860) асарида баён қилинади.

А.Шлейхер ҳинд-Европа тилларининг битта боботилдан келиб чиққанлиги ғоясини илгари сурди. У ҳинд – Европа тилларининг таракқиётини «шажара дарахти» жадвали орқали тушунтирди. Яъни, унинг фикрича, қачонлардир ҳинд–Европа боботили мавжуд бўлган, унинг тарқалиб кетишидан ҳозирги ҳинд – Европа тиллари келиб чиққандир.

А.Шлейхернинг энг машҳур асари «**Ҳинд – герман тиллари қиёсий грамматикасининг компендиуми**»дир (1861). Бу асар ўтган ярим аср давомида ҳинд–Европа тилларини қиёсий ўрганишнинг якуни сифатида майдонга келди ва 15 йил ичида тўрт марта нашр қилинди.

Компендиумда (*компендиум* - лот. *қисқартириш* дегани. У ёки бу фанга оид муҳим, асосий қоидаларни, тушунчаларни ихчам, лўнда баён этиш) А.Шлейхер ҳинд – Европа тилини (бобо тилни) қайта тиклаб, унинг ҳар бир шохобчаси қандай ривожланишини кўрсатмоқчи бўлди.

А.Шлейхернинг тилга натуралистик қарашини – биологизми, айниқса, Ч.Дарвиннинг «Турларнинг пайдо бўлиши ва табиий танлаш» (1859) номли энг муҳим асарининг эълон қилиниши билан яна ҳам кучайди. «Тиллар, - дейди Шлейхер, - инсоннинг хоҳишидан ташқари пайдо бўлган, ўсган ва маълум қонунлар асосида ривожланадиган табиий организмдир. Улар ўз навбатида қарийди ва ўлади». «Тиллар товуш материясидан ташкил топган табиий организмлардир... тилларнинг ўсиши маълум қонуниятлар асосида юз беради».

Хуллас, А.Шлейхер таълимотида, айтилганидек, хато ғояларнинг, қарашларнинг мавжудлигига қарамай у ва унинг издошлари – натурализм йўналиши, натурализм мактаби тилга табиий – материалистик қарашни, ғояни олиб кирди ва тилшуносликда тил ўз тузилишига (структурасига) эга

бўлган қисмлардан иборат бир бутун объектдир – системадир, деган ғоянинг катъий қарор топишига, тасдиқланишига хизмат қилди.

Гейман Штейнталь. Психологизм. Фалсафий тилшуносликнинг асосчиси бўлган **Вильгельм фон Гумбольдт томонидан тилнинг алоҳида шахсларнинг рухий ҳаёти ва тафаккурига муносабати жихатидан ўрганилиши** Гейман Штейнталь, Потенбня, Бодуэн де Куртенэ каби тилшуносларнинг таълимотларида – умуман тилшуносликдаги психологик йўналишда давом эттирилади. Тилшуносликдаги психологик оқимнинг – психологизмнинг энг йирик вакили, асосчиси немис назариётчи тилшунос олими Берлин университети профессори Г.Штейнтальдир (1823 - 1899). У умумий тилшунослик соҳасида ўзини Гумбольдтнинг шогирди, унинг ғояларини давом эттирувчи деб ҳисоблайди. Психологизм соҳасида эса у Иоганн Герберт (1776-1841) таълимотининг – **ассоциатив психологиянинг давомчиси** эди. **Айни таълимотга кўра нарса-ҳодисалар инсон психикасида ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бирларини эслатадилар, эсга туширадилар.**

Тилшуносликдаги психологизм оқими натурализмни қаттиқ танқид остида олди. Психологизм натурализмдан фарқли унга зид ҳолда тилни худонинг ёки одам руҳининг акси, кўриниши, ифодаси деб талқин қилди. Шунга кўра тил соф психик, рухий ҳодиса сифатида баён қилинди. Психологистлар **тилнинг тараққиётини алоҳида шахсларнинг тафаккуридаги, руҳиятидаги тараққиёт билан боғлиқ** деб ҳисобладилар.

Демак, тилдаги ҳодисаларнинг асосида ижтимоий ҳодисалар, ижтимоий тараққиёт – жамият тараққиёти эмас, балки индивидуал фаолият, индивидуал тараққиёт, инсон психикаси, унинг фикрий фаолияти ётади, улар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ана шундай ғоялар, қарашлар билан қуролланган психологизм вакиллари қарашларидаги, жумладан, Г.Штейнталь таълимотидаги энг муҳим ғоя нутқнинг индивидуал акти инсоннинг фаолиятидан, ижтимоий жараёндан ажралганлигидир.

Г.Штейнтальнинг лисоний қарашлари, таълимоти унинг куйидаги қатор ишларида баён қилинади. Булар «Тилларнинг таснифи тил ғоясининг тараққиёти сифатида» (1850), «Тилнинг пайдо бўлиши» (1851), «Грамматика, мантиқ ва психология» (1855), «Тил қурилишининг энг муҳим типлари характеристикаси» (1860), «Психология ва тилшуносликка кириш» (1871), «Гумбольдтнинг тилшуносликка оид асарлари ва Гегель фалсафаси» (1848), «Фалсафа, тарих, психология ва уларнинг ўзаро муносабати» (1863) ва бошқалар.

Г.Штейнталь индивидуал психологизм вакили сифатида майдонга келди.

Г.Штейнталь лингвистик таълимотининг психологик асоси бўлиб, И.Гербертнинг ассоциатив психологияси ҳисобланади. Ассоциатив психология инсон онгининг барча фаолиятини тасаввурлар муносабатига, психик ассоциациялар, алоқалар механизмига боғлайди, сўзни эса тасаввурлар комплекси билан, ассоциациялар билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Инсоннинг психик фаолияти фикрлаш жараёни сифатида тасаввурлар ассоциациясидир, алоқасидир, боғланишидир.

Психологизм тилни фақат тафаккур курули ва фикрни ифодалаш воситаси сифатида белгилайди.



Фердинанд де Соссюр.

Социологизм. Фердинанд де Соссюр (1857-1913) буюк тилшунос, бетакрор назариётчи, тил ҳақидаги фан тараққиётига жуда катта ва чуқур таъсир кўрсатган донишманд олим.

Шунинг учун ҳам Ф. де Соссюрни тилшунослик оламида машҳур Франц Бопп, Вильгельм фон Гумбольдт, Август Шлейхер, Бодуэн де Куртенэлар билан бир қаторга қўйишади.



Ф. де Соссюр Швейцарияда (Женевада) туғилган, миллати француз – швейцариялик француз. У Женева, Лейпциг ва Берлинда таълим олди.

Ф. де Соссюрнинг 20 (баъзи манбаларда 21) ёшида эълон қилган машҳур асари ҳинд-Оврупо тилларини – улардаги унлилар системасини ўрганишга бағишланган бўлиб, ушбу тиллар вокализмини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу асар «Ҳинд-Европа тилларидаги дастлабки унлилар системасининг тадқиқи» деб номланиб, 1879 йилда нашр қилинди. Ушбу асар ҳинд-Оврупо тилларини ўрганишга, қиёсий-тарихий метод тараққиётига жиддий таъсир қилди.

Ф.де Соссюр илмий-тадқиқот ишлари бўйича 1880 йилда Лейпцигда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 1881 йилда Парижга келиб, герман тиллари, ҳинд-Оврупо тилларининг қиёсий грамматикаси бўйича маърузалар ўқиди. 1891 йилдан бошлаб, у Женевада профессор лавозимида илмий-амалий, педагогик фаолиятини давом эттирди.

1906 йилдан бошлаб, Ф. де Соссюр умумий тилшунослик кафедрасига раҳбарлик қилди. 1906-1911 йилларда уч марта умумий тилшунослик курси бўйича маърузалар ўқиди.

Ф. де Соссюр вафотидан кейин 1916 йилда унинг шогирдлари Шарль Балли ва Альберт Сешелар ўзлари ёзган қўлёзмалар асосида устозларининг маърузаларини тўплаб, тартибга солиб, китоб ҳолида нашр қилдилар. Шундай қилиб, Ф. де Соссюрни дунёга танитган, уни буюк тилшунослар қаторига қўйган, ҳозирги замон тилшунослигининг тараққиётига жуда катта таъсир қилган «**Умумий тилшунослик курси**» фундаментал асари майдонга келди. Аини асар 1931 йилда немис тилида, 1933 йилда эса рус тилида эълон




қилинди

Ф. де Соссюр лисоний таълимотининг муҳим жиҳатлари қуйидагилар:

1. Тилшунослик фанининг бирдан-бир ҳақиқий объекти тилдир. Демак, тилни психология, мантик,

физиология каби фанлар нуқтаи назаридан эмас, балки бевосита тилшунослик фани асосида текшириш лозим.

2. Тил системадир. Тил систем тузилишига эга бўлган, систем характердаги ижтимоий ҳодисадир. Демак, тил ҳодисалари, тил фактлари ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, бир–бирини талаб этадиган, тақозо қиладиган белгилардир. Аниқи тил белгилари тил системасининг элементлари, бирликлари сифатида бир-бирини белгилайди. Улар ўзаро мантикий, зарурий муносабатга, алоқага киришиб, бир бутунликни – тил системасини ҳосил қилади.



3. Тил ғоя (фикр, маъно) ташувчи белгилар системасидир. Тил белгиси (бирлиги, элементи) икки томонга: а) ифода томонига (ифодаловчига) б) мазмун томонига (ифодаланувчига) эгадир. Тил белгилари шартли, ихтиёрийдир. Демак, тил белгилари (бирликлари) моддий (материал) ва руҳий (психик, идеал) томонларнинг, товуш ва маънонинг бирлигидан иборат бўлиб, бири иккинчисисиз бўлмайди, улар ўзаро диалектик боғлиқ ҳолда, нисбий бир бутун ҳолда ижтимоий вазифа бажаради, жамиятга хизмат қилади, фикр алмашувни – коммуникатив жараёни таъминлайди.

4. Ф. де Соссюр тилшуносликни иккига: ички лингвистика ва ташқи лингвистикага ажратиб, уларни ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўяди. У ички лингвистикага тилнинг систем характерга эгаллигини, тилнинг тузилишини (структурасини) киритади. Ташқи лингвистикани эса тилнинг ривожланиш жараёнидаги, тараққиётидаги реал шарт-шароитни: жамият билан, жамият тарихи, маданияти, тарихий воқеалар, тилнинг жўғрофий жойлашиши, жамиятнинг сиёсий қарашлари, маънавий олами кабилар билан боғлиқ ҳолда олади.


Демак, ички тилшунослик тилнинг систем табиатини, унинг тузилишини текширса, ташқи тилшунослик тилни жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда текширади. Негаки жамиятнинг мавжудлиги тилнинг мавжудлигини,

тилнинг мавжудлиги эса жамиятнинг мавжудлигини кўрсатади. Шунга кўра тил ва жамият муносабатини текшириш тилшунослик фанининг – умумий тилшуносликнинг доимий долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

5. Ф. де Соссюр тилда икки аспектни: синхрония ва диахронияни фарқлади. Синхрония, синхроник аспект тилнинг ҳозирги, реал мавжуд ҳолати бўлса, диахрония, диахроник аспект тилнинг тарихийлиги, тарихий ривожланиш ҳолатидир. Демак, тилнинг муайян вазифа бажаришдаги реал ҳолати билан тарихий ривожланишдаги ҳолати, «қиёфаси» - ҳар бири ўз кучини, қувватини сақлайди, уларнинг аралашиб кетишига йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда, синхрония - тил мавжудлигининг, тараққиётининг ҳозирги вақти, тилнинг алоқа воситаси сифатидаги хизмат қилиш даври бўлса, диахрония – тилнинг, тил фактларининг замон (вақт) нуқтаи назаридан кетма-кетлиги, яъни тарихий босқичма-босқичлиги, этаплилигидир.

Проф. Я. В. Лоя фикрича, «тил системаси ва структурасини ўрганишда синхроник аспектнинг аҳамияти каттадир. Тилшунослик фанининг энг дастлабки, бош вазифаси систем табиатга эга бўлган тил ҳодисаларини замонавий, шу кундаги, ҳолатини текшириш, ўрганишдир. Тилнинг шу кундаги, ҳозирги системаси билан танишиш унинг тарихини ва бошқа тиллар билан қиёсини ўрганишдан аввал бўлиши керак».

6. Ф.де Соссюр жамиятнинг фикрни ифода қилиш системасини тил ва нутққа ажратади. Тил сўзларнинг жами ва нутқни куриш, тузиш қоидаларидир. Нутқ эса тил системасининг сўзлашувда ёки матнда (ёзувда) аниқ берилиши, қўлланишидир. **Ф.де Соссюрнинг фикрича, тил нутқдан қуйидаги бешта белгисига кўра фарқланади: 1. Тил – ижтимоий, нутқ-индивидуал. 2. Тил – систем, нутқ – асистем. 3. Тил – потенциал (имконият, яширин), нутқ - реал (воқелик, намоён бўлиш). 4. Тил - синхрон (замонавий, ҳозирги), нутқ – диахрон (тарихий, ўтган). 5. Тил – моҳият, нутқ – ҳодиса.**



Таъкидлаш шарт. Ф. де Соссюрнинг карашлари, ғоялари тилшунослик фанида нафақат социологик лингвистиканинг – социологизмнинг, балки структурал

лингвистиканинг – структурализмнинг ҳам юзага келишида муҳим сабаблардан бири бўлди. Аниги Ф.де Соссюр ўзининг машҳур «Умумий тилшунослик курси» асарида (1916) структурализмнинг энг асосий, бош ғояларини таъкидлаб ўтди. Булар: 1.Тил спецификаси (ўзига хослиги). Яъни тилшуносликнинг мутлақ текшириш объекти тилдир. 2. Тил системаси. Яъни тил ўзига хос тузилишга, «қиёфага» эга бўлган системадир. 3. Тил формаси. Яъни тил моҳият эмас, балки формадир. Тил у ёки бу мазмунни, фикрни ифодалаш воситасидир. 4. Тил муносабати. Яъни, тилнинг ҳар бир ҳолатида, кўринишида, қўлланишида барча жараёнлар тил бирликларининг ўзаро муносабатига, мантикий боғланишга асосланади, шу муносабатга қурилади.

Хуллас, Ф. де Соссюр таълимотидаги ушбу муҳим ғоялар, айтилганидек, структурализмнинг кенг миқёсда алоҳида бир йўналиш, мактаб сифатида майдонга келишига хизмат қилди.

Таянч тушунчалар:

а) Европада Уйғониш давридаги тилшунослик, Пор-Рояль грамматикаси, Компаративистика (қиёсий-тарихий тилшунослик), унинг вужудга келишида қиёсий-тарихий методнинг аҳамияти. Қиёсий-тарихий методнинг асосчилари, уларнинг тилга оид асарлари. В.Гумбольдтнинг лингвистик назарияси, тил антиномияси.

б) Натурализм. (А.Шлейхер). Психологизм (Г.Штейнталь), Ф. де Соссюр таълимоти, тил ва нутқ дихотомияси. Собик шўролар даври тилшунослиги. Ҳозирги тилшунослик – ўзбек тилшунослиги, унинг йирик вакиллари, уларнинг тадқиқотлари.

Мавзу юзасидан назорат учун саволлар

1. Европада уйғониш даври тилшунослиги қайси асрларни ўз ичига олади? Европа тилшунослигида асосан қайси соҳалар бўйича асарлар яратилган? Пор-Рояль грамматикасида биринчи бор қайси фанларнинг алоқаси ҳақида фикр юритилади? Фалсафий грамматика тилга қандай ҳодиса сифатида қарайди?
2. Компаративистиканинг биринчи босқичи вакиллари кимлар? Компаративистиканинг иккинчи босқичи вакиллари кимлар?
3. Ф. де Соссюрнинг фикрича, тил нутқдан нечта белгисига кўра фарқланади?
4. Европада уйғониш даври тилшунослиги қайси асрларни ўз ичига олади?
5. Европа тилшунослигида асосан қайси соҳалар бўйича асарлар яратилган?
6. Пор-Рояль грамматикасида биринчи бор қайси фанларнинг алоқаси ҳақида фикр юритилади?
7. Фалсафий грамматика тилга қандай ҳодиса сифатида қарайди?
8. Компаративистиканинг биринчи босқичи вакиллари кимлар? Компаративистиканинг иккинчи босқичи вакиллари кимлар?
9. Ф. де Соссюрнинг фикрича, тил нутқдан нечта белгисига кўра фарқланади?
10. Лингвистика турлари қайсилардан иборат?

2-мавзу: Семантика, семантик категориялар, лингвистик таҳлил методларидан фойдаланиш. Лингвогенетик, ареал, типологик, дистрибутив, трансформацион тадқиқот методлар.

1. Семантика, семантик категориялар
2. Лингвистик тасниф методлари.
3. Қиёсий-тарихий, структурал, дистрибутив, бевосита ташкил этувчиларга ажратиш ва трансформацион анализ методлари.

Лингвистика термини қатор Европа мамлакатлари: инглиз, француз, немис, испан, рус ва бошқа тилларда фаол қўлланилиб, тил ҳақидаги фанни англатади. Ушбу сўзнинг ўзаги *lingua* бўлиб, тил деган маънони беради. Бинобарин, лингвистика терминининг ўзбек тилидаги муқобили, маънодоши тилшунослик бўлиб, улар ўзаро синонимик муносабатга киришади.

Лингвистика ёки тилшунослик фани ўзига хос мураккаб ижтимоий ходиса бўлган алоқа қуролини – тилни система сифатида – бир бутун объект сифатида тадқиқ ва таҳлил қилади. Айни жараёнда у турли кўринишларда, шаклларда намоён бўлади. Бу ижтимоий характерга эга бўлган тилнинг моҳиятидан, уни турли томондан ўрганиш, текшириш лозимлигидан ва бу илмийлик принципи нуқтаи назаридан мутлақо тўғри эканлигидан келиб чиқади.

Лингвистика ниҳоятда қудратли маънавий белгиси, миллат бойлиги бўлган тилни ўрганиш жараёнида қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1. Динамик лингвистика. Динамик лингвистика, асосан, тилни реал мавжудлигида, турлича вазифаларни фаол бажаришда, “тараққиётда”, ўзгаришда тадқиқ қилади.
2. Статик лингвистика. Статик лингвистика тил тараққиётидаги тўлиқ синхронлашган муайян бир даврни (бўлакни) ажратади ва уни тасвирлайди. Тилшуносликнинг ушбу соҳаси, динамик лингвистикадан фарқли, тилдаги ривожланиш ва ўзгариш жараёнидан мутлақо четлашган, унга яқинлашмаган ҳолда тилнинг ҳозирги – замонавий даври билан боғлиқ маълум бир “қотган” қисмини - ҳолатини текширади.
3. Атомистик лингвистика. Атомистик лингвистика диққат-эътиборини ҳар бир индивидуал тил бирликларининг тараққиётини, ўсишини алоҳида ўрганишга қаратади.
4. Структурал лингвистика. Структурал лингвистика тил системасидаги ички муносабат ва алоқаларни тадқиқ қилади. У тил системасининг структурал қатламлари (фонетик, лексик, морфологик, синтактик сатҳлари) орасидаги ўзаро табиий, зарурий боғлиқликларни, муносабатларни ўрганади.

5. Синхроник лингвистика. Синхроник лингвистика статик ва структурал лингвистика билан узвий боғлиқ бўлиб, тилнинг маълум бир даврдаги “қотган”, “турғун” ҳолатини тасвирлашга хизмат қилади.
6. Диахроник лингвистика. Диахроник лингвистика динамик ва атомистик лингвистика билан узвий боғлиқ бўлиб, тилнинг тараққиёт, тил бирликларининг эса ривожланиш қонуниятлари ҳамда натижаларини ўрганади.
7. Интралингвистика (ички лингвистика). Ички лингвистика тил бирликларининг систем алоқасини, муносабатини экстралингвистик факторларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганади. Ички лингвистиканинг тадқиқот манбаи бўлиб фонология, лексикология ва грамматика ҳисобланади.
8. Экстралингвистика (ташқи лингвистика). Ташқи лингвистика тилнинг тараққиёти ва вазифасини ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-тарихий, этник, жўғрофий каби факторлар билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Шунга кўра ушбу лингвистика тилни ижтимоий ҳодиса сифатида текширади.
9. Макролингвистика. Макролингвистика тилни кенг доирада, “катта ҳажмда” олиб, уни статистик методлар асосида тадқиқ қилади. Аниқроғи, ушбу соҳа тилни статистик методлар, статистик усуллар орқали таҳлил қилади.
10. Микролингвистика. Микролингвистика тил системаси таркибидаги (структурасидаги) алоқалар, ўзаро муносабатлар ва қарама-қаршиликларни ўрганади.
11. Паралингвистика. Паралингвистика бевосита нутқ фаолияти билан боғлиқ бўлиб, нутқ жараёнида фикр ифодалаш билан бир вақтда юзага келувчи, сўзлашув нутқининг доимий ҳамроҳи бўлган қўл ва юз ҳаракатларини (имо-ишора, мимика), нутқнинг баландлиги, экспрессив-эмоционал бўёқ каби қатор жиҳатларни ўрганувчи соҳадир.
12. Психоллингвистика. Психоллингвистика психология ва лингвистика фанларининг умумлашмаси (синтези) сифатида нутқ жараёнини мазмун

нуткаи назаридан, коммуникатив аҳамияти, нутқ актининг муайян ижтимоий-амалий мақсадга йўналтирилганлиги, шунга мувофиқлиги жиҳатидан ўрганади. У нутқдаги – фикр ифодалашдаги шакл ва мазмун бирлигига алоҳида эътибор беради.

Психоллингвистика лисоний имкониятлар асосида нутқий birlikларни ҳосил қилиш ва қабул қилиш, нутқ жараёни (фикр алмаштириш-ифодалаш ва англаш)да руҳий ҳолатларга, бунда шароит (ситуация), ўхшашлик (аналогия), фарқлаш (дифференциация), таъсирчанлик, сўзловчи ва тингловчи руҳий ҳолати масалаларига алоҳида эътибор беради.

13. Социоллингвистика. Социоллингвистика социология ва лингвистика фанларининг зарурий ва мантиқий боғлиқлигидан ҳосил бўлиб, жамият ва тил (тил ва жамият) муносабати масаласи билан шуғулланади. У тилни социал – ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилади. Шунга кўра социоллингвистиканинг энг муҳим, асосий муаммоси тилни – тил табиатини ижтимоий ҳодиса сифатида текшириш, унинг жамиятдаги, тилшунослик фанидаги ўрни ва аҳамиятини белгилашдир.

14. Этнолингвистика. Этнолингвистика этнография ва лингвистика фанларининг ўзаро муносабатидан шаклланиб, этник белги бўлган тилга халқ тарихий тараққиётининг, ривожланишининг, халқ турмуш, урф-одатларининг моддий ва маънавий маданиятининг таъсирини, уларнинг тилда воқе бўлишини ўрганади. Этнолингвистика тил ва жамият муносабатини тадқиқ қилишда этник факторларнинг ўрни, аҳамияти, роли кабиларни аниқлайди, этник ва лисоний омилларнинг ўзаро таъсирини, боғлиқлигини акс эттиради.

15. Математик лингвистика. Математик лингвистика тилни ўрганиш ва тасвирлаш жараёнида математик методларнинг (масалан, статистик метод, информация назарияси кабиларнинг) қўлланиш имкониятларини текширади.

16. Нейролингвистика. Нейролингвистика нейрон ва лингвистика сўзларининг ўзаро бирикувидан, қўшилишидан ҳосил бўлиб, инсон миясидаги нерв хужайраларининг - нейронларнинг тилни - сўзларни ҳосил

килишдаги вазифасини ўрганади. Нейрон нерв (асаб) системасининг асосий қисми, таркибий элементи сифатида тилни - тил ва нутқ бирликларини яратишда фаол хизмат қилади, етакчи ҳисобланади. Шунга кўра нейролингвистика инсон нерв системаси билан алоқа қуроли – тил орасидаги узвий, доимий, зарурий муносабатни ёритади.

Тилнинг таърифлари. Умумий назарий тилшуносликнинг асосчиси, тил илмининг буюк билимдони европалик Вильгельм фон Гумбольдт тил масалаларига – тилнинг таърифи муаммосига алоҳида жиддий аҳамият берган. Аниқроғи, В.фон Гумбольдт тилнинг моҳиятини очишда, унга асосли илмий таъриф беришда антиномия (Антиномия лотинча *anti* (қарши) ва *nomos* (қонун) сўзларидан ташкил топиб, қонундаги қарама-қаршилик ифодасини беради) методини (усулини) қўллайди. Яъни у антиномия усули орқали тилнинг моҳиятини, табиатини илмий ёритиб беришга ҳаракат қилади ва бу жараёнда тил системасига нисбатан бир қатор антиномияларни қайд этади. Булар:

1. Тил ва тафаккурнинг ўзаро диалектик муносабати, яъни
 - а) тил ва тафаккур ўзаро ажралмас, бир бутундир;
 - б) тил ва тафаккур ўзаро “ажралувчи”, ички қарама-қаршиликка эгадир. Бошқача айтганда, тил тафаккурни, фикрни ифодалаш учун хизмат қилади. Тафаккур (фикр) тил орқали юзага чиқади. Тилсиз тафаккур, тафаккурсиз тил йўқ. Айни вақтда тил (тил материали) моддий, тафаккур эса рухий (психик). Тил ташқи (шаклан), тафаккур эса ички, тил аниқ (эшитиш ва кўришга кўра), тафаккур эса мавҳум, тил-реал, тафаккур эса- ирреал.
2. Тил – фаолият, ҳаракат, ўзгариш, ўзгарувчанлик. Айни вақтда тил фаолият маҳсули, турғун, барқарор, бунёд этилган ўзгармасликдир.

Демак, тил бир вақтнинг ўзида ҳам фаолият, жараён, ҳам фаолият маҳсули сифатида мавжуддир. “Аслида эса, - дейди В.Гумбольдт, - тил фаолият маҳсули (*ergon*) эмас, балки фаолиятдир (*energia*)”. Демак, тил фаолият маҳсули сифатида диахрон (тарихий) категория бўлса, тил фаолият сифатида синхрон (замонавий) категориядир. Аниғи, тил фаолият сифатида

нутқдир, нутқ фаолиятидир, нутқ жараёнида воқеланишдир.

Тил фаолият маҳсули сифатида асрлардан асрларга ўтиб боровчи, жамият тараққиёти билан баробар кадам ташловчи тараққиёт мезонидир, муайян тарихий норма (меъёр)дир.

Хуллас, ушбу антиномия асосини ҳозирги тилшуносликда талқин этилаётган лисон (тил) ва нутқнинг ўзаро муносабати, тил ва нутқ диалектикаси ташкил қилади.

3. Тилдаги ижтимоийлик (социаллик) ва шахсийлик, алоҳидалик (индивидуаллик) орасидаги антиномия. Тил индивидга, шахсга тегишли бўлгани ҳолда, айни вақтда, ўзида ижтимоий (социал) жараёнларни, факторларни акс эттиради, маълум бир жамият учун умумийдир.

4. Тил муайян система сифатида мавжуд бўлгани ҳолда, айни вақтда, нутқ фаолиятининг алоҳида актлари кўринишида воқелашади.

5. Тил (нутқ) ва нутқни тушуниш антиномияси. Нутқ ва нутқни тушуниш, англаш нутқий фаолиятнинг муҳим, энг асосий жиҳатларини ташкил қилади. Шунга кўра жамият аъзолари ўртасида коммуникатив жараён амалга ошади.

6. Тил амалиётидаги объектив ва субъектив жиҳатлар. Айтмоқчимизки, ҳар бир инсон объектив равишда жамият маҳсули бўлган тилдан, унинг қонун-қоидаларидан фойдаланади. Субъектив равишда эса ҳар бир инсон ўз нутқи фаолиятида тилнинг тараққиётига, ундаги ўзгаришларга, янгиликларнинг юзага келишига хизмат қилади, таъсир кўрсатади.

7. Лисоний жараёндаги жамоавий (коллектив) ва шахсий (индивидуал) жиҳатлар. Тилдаги индивидуал жиҳатлар шундаки, тил, аниқроғи, нутқ шахсга - индивидга хос бўлиб, алоҳида шахсларнинг фаолияти ҳисобланади, яъни нутқ-индивудал, шахсий. Тил эса ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамоа маҳсулидир. Бошқача айтганда, тил-социал, ижтимоий. Демак, алоҳида шахслар – индивидлар ўз нутқида – нутқ фаолиятида жамият аъзолари томонидан яратилган тилдан фойдаланадилар, фикр алмашадилар.

Тилшунослик тарихида В.фон Гумбольдт, Бодуэн де Куртенэлар билан бир қаторда турувчи улкан тилшунослардан яна бири швейцариялик француз

Фердинанд де Соссюрдир. У ҳам тил таърифи масаласига алоҳида эътибор берган:

1. Ф.де Соссюр таърифича тилшунослик фанининг ягона ва ҳақиқий предмети тил бўлиб, у алоқа қуроли вазифасини бажарди.

2. Ф.де Соссюр тил моҳият (субстанция) эмас, балки шаклдир (формадир), деган ўзига хос таърифни ўртага ташлайди. Бу билан у тилни мазмун, моҳият (субстанция) билан қориштирмаслик, ундан фарқлаш лозимлигини, тил у ёки бу мазмунни (фикрни) ифодалаш шакли (формаси), воситаси эканлигини назарда тутди.

3. Ф.де Соссюр ўз қарашларида тилнинг систем характерга эгалигини қайта-қайта таъкидлайди. Шунга кўра у тил белгилар системасидир, деган таърифни ҳам беради.

Тил белгилари, Ф. де Соссюр фикрича, шартли, ихтиёрий, эркин бўлиб, икки томонга – ифодаловчига (ифода планига) ва ифодаланувчига (мазмун планига) эгадир.

4. Ф. де Соссюр икки жиҳатни: синхрон ва диахрон аспектларни фарқлаб, асосий эътиборни синхрон аспектга қаратади. Буни у сўзловчилар, фикр алмашувчилар учун ҳақиқий реаллик тилнинг синхрон – ҳозирги, реал вазиятда алоқа қуроли сифатида хизмат қилишидир, дейди. Ҳақиқатан, тилшуносликнинг дастлабки, энг муҳим бош вазифаси тил системасининг – тил ҳодисаларининг ҳозирги, замонавий ҳолатини ўрганишдир.

5. Ф. де Соссюр халқнинг ифода имкониятлари системасини иккига: тил ва нутққа ажратади. Тил сўзларнинг жаъми ва нутқни қуриш, тузиш қоидаларидир. Нутқ эса тил системасининг сўзлашувдаги, фикр алмашувдаги ёки матндаги аниқ ифодаси, намоён бўлиши, воқелигидир.

Таянч тушунчалар:

“Лингвистика” термини. Динамик ва статик лингвистика. Атомистик ва структурал лингвистика. Ички ва ташки лингвистика, макро- ва микролингвистика, паралингвистика, психоллингвистика тушунчалари. Тилнинг таърифлари. Тилшунослик тарихида тил таърифи масаласи. Тилга

турли нуқтаи назардан берилган таърифлар

Мавзу юзасидан назорат учун саволлар

1. Ф. де Соссюрнинг фикрича, тил нутқдан нечта белгисига кўра фарқланади?
2. Лингвистика турлари қайсилардан иборат?
3. Вильгельм фон Гумбольдт тилга қандай таъриф беради? Антиномия методи нима?
4. Вильгельм фон Гумбольдт уз таълимотида қандай (нечта) антиномиялардан фойдаланади?
5. Фердинанд де Соссюрнинг тил масалаларига берган таърифларини айтинг.
6. Тил ва нутқ диалектикаси муаммосининг тилшуносликдаги аҳамияти нимадан иборат?

3-мавзу: Хорижий мамлакатлар лингвистик назарияларини тарих нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларни қиёслаб ўрганиш

1. Тилнинг ижтимоий табиати таҳлили.
2. Тилда меъёр тушунчаси.
3. Тил ва нутқ дихотомияси.
4. Тил, меъёр ва нутқнинг узвий алоқадорлиги

Тил ва нутқ диалектикаси назарий тилшуносликнинг, шунингдек, амалий тилшуносликнинг ҳамда психология, фалсафа, мантиқ каби фанларнинг ҳам муҳим ва мураккаб муаммоларидан бири бўлиб, айти масала жаҳон тилшунослигининг доимий диққат марказида турган ва ҳозирда ҳам шундай.

XX аср тилшунослигининг – систем тилшуносликнинг бош, асосий мезони тил ва нутқ муносабати, тил ва нутқ ҳодисаларини, бирликларини фарқлаш бўлди.

Ушбу муаммо тарихига назар ташласак, проф. Ҳ. Неъматовнинг маълумот беришича, тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаш дастлаб VII-

IX асрларда шаклланган араб тилшунослигининг тил урганиш усулларида кўриш мумкин. Проф. А.Нурмоновнинг тадқиқотида эса темурийлар даври ўзбек тилшунослигининг сардори бўлган Алишер Навоий асарларида тил ва нутқ ҳодисалари фарқлангани, аллома шу масалага алоҳида эътибор бергани қайд этилади.

Тил ва нутқ муаммоси умумий назарий тилшуносликнинг асосчиси бўлган Вильгельм фон Гумбольдтнинг тилдаги *энергео* (ҳаракат, жараён, куч) ва *эргон* (маҳсулот), тилшуносликдаги психологизм оқимининг асосчиси Г.Штейнтальнинг тилдаги “барқарор моҳият” ва “ҳаракатдаги кучлар”, буюк назариётчи ва амалиётчи тилшунос Бодуэн де Куртенэнинг “тилдаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик” ҳақидаги таълимотларида ҳам берилади.

Таъкидлаш шарт, тил ва нутқ диалектик муносабати ўзининг дастлабки ҳақиқий, мукамал илмий-назарий ечимини тилшунослик фанида кескин бурилиш ясаган буюк тилшунос олим Фердинанд де Соссюр асарларида топди.

Шўро даври тилшунослигида, айниқса, 60-йиллардан бошлаб, тил ва нутқ масаласига алоҳида эътибор берилди бошлади. Аниқроғи, Ф.де Соссюр томонидан халқнинг алоқа қилиш, фикр ифодалаш воситасининг тил ва нутқ деб берилиши, буларнинг бир-биридан фарқланиши олимлар ўртасида фикрлар қарама-қаршилигини туғдирди.

Бир қатор олимлар тил ва нутқ ўзаро фарқланмайди, аслида фарқланмайдиган битта объект мавжуддир, тил ва нутқ бир нарса, деса, бошқа бир қатор олимлар тил ва нутқни фарқлаш, албатта, керак, булар фарқланади, деган ғояни илгари суради.

Тил ва нутқ диалектикасида тил ўзига хос мураккаб тузилишга (структурага) эга бўлган бир бутун система сифатида фаолият кўрсатади. Демак, Ф. де Соссюр мутлақо тўғри таъкидлаганидек, тил системадир.

Тил системасининг бир-бири билан узвий боғланган товуш томони, луғат таркиби, грамматик қурилиши мавжуд бўлиб, улар биргаликда бир бутунликни, системани ташкил қилади. Тилнинг систем характери аслида

қайд этилган сатҳлар, қатламлар (яруслар) билан белгиланади, асосланади. Айни вақтда ушбу сатҳларнинг ҳар бири ўзига хос система – ички система бўлиб, тил системасининг таркибига киради. Демак, тил системалар системаси – суперсистема, макросистема сифатида жамиятга хизмат қилади, ижтимоий аҳамиятга эга бўлади, ижтимоий-амалий вазифа бажаради.

Тилнинг ижтимоий моҳияти жамиятда алоқа-аралашув қуроли бўлишида кўринади. Шунга кўра проф. С.Усмонов “Инсонлар орасидаги муносабат учун хизмат қиладиган нарса, албатта, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Чунки бундай муносабат, алоқа коллектив ичида – жамиятда воқе бўлади”, дейди.

Тилнинг материал моҳияти ҳақида фикр юритилганда, тилни белгилар системаси ёки семиотик система деб қараш ҳозирда тилшунос олимлар томонидан қабул қилинган. Масалан, проф. В.М.Солнцев “Тил типик семиотик ёки белгилар системасидир...” деса, тилшунос Б.В.Косовский “тил ўзининг материал моҳиятига кўра белгилар системасини ёки семиотик системани ҳосил қилади”, деб алоҳида қайд этади.

Тил материаллини С.Усмонов иккига бўлади:

1. Психик материал. Бу – сўз, морфема ва фонемаларнинг хотирадаги образи (қиёфаси).
2. Моддий материал. Бу – нутқ яратиш чоғида белгилари товуш қобилигига эга бўлган, аниқ талаффуз қилинаётган сўзлар, морфемалар ва товушлар.

Тил “ташқи” жиҳатдан ҳам моддий, ҳам психик ҳодиса. Унинг моддийлиги – товуш материяси бўлса, психик ҳодисалиги хотирада сақланиш хусусиятидир. Тилнинг ижтимоий вазифаси моддийликда кўринади. Тилдаги моддийлик сўз, сўз бирикмаси ва морфемаларнинг товуш материясига ўралганлигида намоён бўлади. Худди шу хусусият тилдан ижтимоий мақсадда фойдаланиш имкониятини беради.

Маълум бўлдики, тилдан фикр алмашув – коммуникация мақсадида фойдаланиш жараёни нутқдир. Ҳозирги вақтда нутқнинг тил материалли орқали алоқа қилиш жараёни эканлиги тажриба йўли билан ҳам исботланган.

Масалан, психолог В.А.Артемов куйидагича таъкидлайди: “Экспериментал–фонетик ва экспериментал–психологик тадқиқотлар нутқнинг тил орқали алоқа қилиш жараёни эканлигига бизни ишонтирмоқда. Ҳозирда кўпчилик ... психологлар, методист ва тилшунослар ушбу фикрга келишган”. Демак, **тил нутқ орқали, нутқ эса тил материали орқали амалга ошади.**

Тил ва нутқ уртасидаги боғлиқлик, ўзаро алоқадорлик яна куйидагилардан ҳам маълум бўлади. Тил нутқ асосида ташкил топади ва нутқ орқали реаллашади. Тил бир вақтнинг ўзида ҳам асос, ҳам нутқ маҳсули. Тил алоқа учун материал берса, нутқ шу материалдан фикр шакллантиришдир. Ф. де Соссюр айтганидек, тил бизга нутқ тушунарли бўлиши учун зарур бўлса, нутқ эса тилнинг тараққиёти, яшаши, шаклланиши учун зарур.

Тарихий жиҳатдан нутқ фактлари тилдан олдин келади.

Нутқ акти – ҳамма вақт ижодий акт. Чунки ҳар бир киши ўз фикрини муайян шакл – сўз, нутқ орқали ифодалаётганида ўзининг билимига, луғат хазинасига, ҳаёт тажрибаси ва маданий савиясига суянади.

Нутқ – ҳаракатчан, динамик, жонли бўлса, тил – статик, стабилдир.

Нутқ – алоҳида шахсга, индивидга боғлиқ. Тил эса алоҳида шахсга, индивидга боғлиқ эмас.

Тилнинг ижодкори, яратувчиси – халқ. А.А.Потебня айтганидек, тил халқнинг маҳсулидир. Нутқнинг эса ижодкори индивиддир, инсондир.

Нутқ баланд ва паст, тез ёки секин, узун ёки қисқа, мимикали ёки мимикасиз, қўл ҳаракати билан (жест) ёки қўл ҳаракатсиз, аниқ ёки ноаниқ бўлиши мумкин, тилга бундай таъриф-тавсиф тўғри келмайди.

Нутқ ҳам монологик, ҳам диалогик бўла олади. Тил эса монологик ҳам, диалогик ҳам бўла олмайди. Тил – алоқа қуроли, нутқ – алоқа усули. Тил-имконият, нутқ – воқелик, таъсирчанлик. Тил – умумийлик, нутқ – хусусийлик, алоҳидалик.

Нутқ келиб чиқишига кўра бирламчи, яъни олдин нутқ – нутқ товушлари пайдо бўлган, тил эса иккиламчи, нутқ асосида шаклланган, ташкил топган.

Тил таҳлил қилиш йўли орқали, нутқ эса қабул қилиш ва тушуниш

орқали билинади.

Тилнинг ҳаёти узоқ, халқнинг ҳаёти билан боғлиқ, нутқнинг ҳаёти эса қисқа, яъни айтилган вақтдагина мавжуд.

Тилнинг алоҳида вазифаси бўлган нутқ психология, тилшунослик (услугунослик, нутқ маданияти ва б.), физиология (нутқ аппаратининг тузилишини ўрганади), информация назарияси ва бошқа фанлар томонидан текширилади.

Тил – тилшунослик, фалсафа, мантиқ, тарих, семиотика ва бошқа фанлар томонидан ўрганилади.

Тил ва нутқ орасидаги диалектик муносабат шундаки, нутқ фаолияти натижасида нутқ шаклланади. Нутқ эса тил бирликларидан тузилади ва тил бирликларига ажралиб кетади. Тил бирликлари яна нутқ фаолияти – фаоллиги учун хизмат қилади.

Таянч тушунчалар:

- а) Тил ва нутқ. Тил ва нутқнинг диалектик муносабати. Тил таркиби. Тилнинг ижтимоий моҳияти, тил материали. Тилнинг ўз вазифасини нутқ орқали амалга ошириши. Тилнинг имконият, нутқнинг эса воқелик эканлиги. Тил ва нутқнинг ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал характери. Нутқ фаолияти.
- б) “Лингвистика” термини. Динамик ва статик лингвистика. Атомистик ва структурал лингвистика. Ички ва ташқи лингвистика, макро- ва микролингвистика, паралингвистика, психоллингвистика тушунчалари. Тилнинг таърифлари. Тилшунослик тарихида тил таърифи масаласи. Тилга турли нуқтаи назардан берилган таърифлар.

Мавзу юзасидан назорат учун саволлар

1. Лингвистика турлари қайсилардан иборат?
2. Вильгельм фон Гумбольдт тилга қандай таъриф беради? Антиномия методи нима?
3. Вильгельм фон Гумбольдт ўз таълимотида қандай (нечта) антиномиялардан фойдаланади?
4. Фердинанд де Соссюрнинг тил масалаларига берган таърифларини айтинг.

5. Тил ва нутқ диалектикаси муаммосининг тилшуносликдаги аҳамияти нимадан иборат?

4-Мавзу: Коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, психолингвистика, гендер тилшунослик, нейролингвистика, маданиятлараро мулоқот, лингвокультурология.

1. Коммуникатив тилшунослик ва лингвопрагматика замонавий тилшунослик йўналишлари сифатида.
2. Психолингвистика, гендер тилшунослик ва нейролингвистиканинг тил тадқиқотида тутган урни.
3. Маданиятлараро мулоқот ва лингвокультурология масалаларининг тил амалиётига интеграцияси.

Ҳар қандай фан соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши ушбу соҳа объектига нисбатан қизиқиш пайдо бўлишидан бошланади. Қизиқишдан эса саволлар туғилади. Тилшунослик ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу фаннинг юзага келиши ва тараққиёти бевосита тил тизими, лисоний бирликларнинг курилиши, таркиб топиши ва улардан кундалик ҳаётда, ижтимоий фаолиятда фойдаланишга оид саволларга жавоб излашдан бошқа нарса эмас. Аммо тилшуносликда ҳам худди бошқа фанларда бўлганидек, саволлар танлови илмий мақсадга йўналтирилган бўлиши, уларга топиладиган жавоблар ҳақиқатга мос келиши муҳим шартдир. Акс ҳолда, қўйилган саволга жавоб топиш имкони бутунлай бўлмаса ёки савол ўта мавҳум тузилса, бундай машғулот қуруқ фикрдан, «олди-қочди» гаплардан иборат савол-жавоб ўйинига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Албатта, бу хавфдан сақланиш, «қуруқ гап» - спекулятив фалсафадан қочиш осон эмас. Биргина мисол, тилшунослар, файласуфлар, теологлар ва бошқалар 2000 йилдан ортиқ вақт давомида энг етук, воқеликни тўлиқ ва аниқ акс эттирувчи, луғавий ва грамматик тизим жиҳатидан ҳеч қандай камчиликсиз, ёзма ва оғзаки мулоқотда қўлланиш учун қулай бўлган тилни топиш иштиёқидалар. Ўрта

асрларда бундай *етук тил* ўз пайтида мавжуд бўлганлиги ва агарда Боғи Эрамдаги мулоқот воситаси қайта тикланса, инсоният воқеликни ҳаққоний идрок ва ифода эта олиш қобилиятига эга бўлиши, инсонлар, миллатлар ўртасидаги ҳар қандай англашилмовчиликлар, зиддиятлар осонлик билан бартараф этилиши ҳақидаги фикр ҳукмрон эди. Биз ҳам «етук тил» муаммоси муҳокамасини бутунлай самарасиз машғулот дейишдан йироқмиз. Зеро, биринчидан, ҳар қандай фан ўз объектининг тўлиқ, аниқ бўлишини талаб қилади, иккинчидан, илмий тадқиқот учун салбий натижа ҳам илмий фараз исботи учун зарур бўлган тажриба натижасидир. Ахир бу муаммо бекорга Фарбу Шарқда кўплаб илм пешволарининг фикру-зикрини банд қилмаган бўлса керак, олмон олими Арно Борстга етти жилдлик рисоласини яратиш (Borst 1957-63), фаранг тилшуноси Мари-Люси Демонитга 700 саҳифани (Demonit 1992) битиш, итальян семиотики Умберто Эко ва рус олими Вячеслав Ивановга ўз грузин ҳамкасби Теймураз Гамкрелидзе билан ҳамкорликда бу борада махсус тадқиқотларни бажариш (Есо 1997; Гамкрелидзе, Иванов 1984; Vomherd 1984) осон кечмаганлиги аниқ. Албатта, бундай изланишларнинг қадрига етмоқ, ушбу соҳага ўзини бағишлаган алломаларнинг эҳтиромини, ҳурматини бажо айламоқ даркор, бироқ тилшунослик фани ривожини учун Одам Ато ва Момо Ҳаво Боғи Эрамда қайси тилда мулоқотда бўлганлигини билиш ҳаракатидан ёки барча инсоният учун маъқул келадиган лисон (бу лисон сунъийдан бошқа ҳеч нарса бўлмайдиган) яратишга вақт ва заковатни сарфлагандан кўра, «Лисон етукликка қандай интилади?»; «Лисоний етукликнинг ўзи нима ва у қандай шакл топади?»; «Тил тизими тараққиётининг босқичлари лисоний етукликнинг шаклланиш босқичларими?»; «Етуклик ҳар бир миллий тилга хосми ёки умумий тил бўлиши шартми?»; «Миллий адабий тилнинг ривожини етуклик намунасими?» каби саволлар жавоби самаралироқ эканлигига аминман. Шу ўринда машҳур адибимиз Пиримқул Қодиров 2005 йилда эълон қилган «Тил ва эл» китобини эслатмоқчиман. Зеро, ушбу асар ўзбек адабий тилининг етукликка интилиш давлари тарихий лингвистик тадқиқи намунасидир (Қодиров 2005).

Маълумки, лисон – фақатгина инсонга инъом этилган неъматдир. Шу сабабли лисоний ҳодисалар тадқиқи бошқа ижтимоий ҳодисалар тадқиқидан тубдан фарқ қилади. Замонавий фалсафий йўналиш синергетика таълимотига кўра барча табиий ва ижтимоий ҳодисалар тизимли тузилишга ва ўз-ўзидан таркиб топиш хусусиятига эга. Тилнинг ҳам тизимли ҳодиса эканлиги аллақачонлар эътироф этилиши, тилшуносларнинг эътибори ушбу тизимнинг қандай ташкил топганлиги, унинг таркибида қайси турдаги бирликлар мавжудлиги, бу бирликларнинг ўзаро муносабатга киришиши, ушбу муносабатлар асосида ҳосил бўладиган тузилмаларнинг умумий тизим ва унинг босқичли тузилишдаги ўрни каби катор масалаларга қаратилган. Бироқ объектни тўлиқ илмий билиш фақатгина тизимнинг таркибий таҳлили билан чегараланиб қолмасдан, балки ушбу тизимнинг қандай «ишлаши» (ёки ишлатилиши) билан ҳам қизиқиши табиий. Тил тизимининг ўзига хослиги унинг «дуаллиги», яъни икки тизимдан иборат бўлишидир. Дарҳақиқат, лисоний фаолият икки асосий қисмдан иборат: тил бирликлари талаффузи ва улар воситасида ифода қилинадиган маъно, мазмун.

Фаранг тилшуноси А.Мартине «Умумий тилшунослик асослари» номли рисоласида тилни «жуфт талаффузли (икки марта талаффуз этиладиган)» ҳодиса сифатида таърифлаётди, («Martinet 1964; Мартине 1963»), ушбу ҳодисанинг товушли талаффуз ва маъно ифодасидан таркиб топишини назарда тутди. Демак, тил тизимига оид ҳар қандай тадқиқот унинг «дуаллик», *икки тизимлилик* хусусиятини эътиборга олиши лозим. Тилшунослик фани ўз тараққиёт босқичларида худди шу йўлни тутиб келмоқда. Асрлар давомида ривожланган систем - структур, тавсифий (дескрептив), қиёсий-типологик каби тадқиқот йўналишларида асосий эътибор у ёки бу бирликларни ажратиш, уларнинг ифода ва маъно доираларидаги муносабатларини аниқлаш, тавсифий белгиларни фарқлаш ва шу аснода таснифий гуруҳларга тақсимлаш каби вазифалар ижросига қаратилди. Натижада ифода ва маъно планларига оид билимга эга бўлиш лисоннинг «ишлаши» ёки ушбу тилдан фойдаланиш жараёнида инсоннинг

тафаккур қобилияти қандай фаоллашуви ҳақидаги саволларга жавоб топишга имкон беради, деган фикр туғилди. Шунингдек, айнан бир хил тузилиш, таркиб ва мазмундаги бирликларнинг турли тиллар тизимларидан изланиши натижасида, барча тиллардан фойдаланувчилар бир хил қоидаларга амал қиладилар, бу қоида айтарли бир-биридан фарқ қилмайдилар қабилдаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган таъкидлар ҳам учраб туради.

Албатта, фақатгина инсонга хос ҳодиса тилнинг табиатини, унинг инсон ҳаётидаги моҳиятини чуқурроқ ва янада кўпроқ била бошлаганимиз сари янги саволлар туғилади ва олдинги саволлар ҳамда уларга берилган жавобларни қайта «тафтиш қилиш» (лозим бўлганда, айримларини инкор этиш) эҳтиёжи ўсиб боради. Тилшунослик – эмпирик фан, ундаги назарий ғоялар доимо тўпланган далиллар таҳлили асосида шаклланади (ҳатто илмий фаразлар ҳам доимий исботни талаб қилади). Шундай экан, тилшуносларда тилнинг асосий таркибий бирликларини (фонема, морфема, сўз, гап кабилар) ўрганишга бўлган қизиқиш сўнмаслиги муқаррар. Лекин лисоннинг туб моҳиятини тўлиқ англаш учун зоҳирий ҳодисалардан ташқари, инсон лисоний фаолиятининг ташкилий қисмларини, унинг ботинидаги ҳодисаларни ўрганиш ҳам зарурдир.

Тил тизими бирликларининг зоҳирий шакллари таҳлил натижаларидан қониқмаган XIX аср олмон тилшуноси Вильгелм фон Хумбольдт «Тилнинг ботиний (ички) шакли» (innere Sprach form) тушунчасини қўллайди: «Бу лисоннинг ботиний ва тўлиғича интеллектуал жиҳати ҳамда айнан шу жиҳат лисонни ташкил этади» (Гумбольдт 1984: 100). Кейинги даврларда «лисоннинг ботиний шакли» тушунчасини, у «тилнинг фақатгина интеллектуал» жиҳатини акс эттирганлиги учун, мантиққа оид тушунча сифатида қараш ва шу йўсинда тилшунослик доирасидан сиқиб чиқариш ҳаракатлари (масалан, Англияда – О.Функе, Германияда Х.Штейнталь, Б.Вундт, Россияда Г.Шпит) бўлишига қарамасдан, ушбу тушунча кўпгина ҳолларда лисонни илмий билишни янги босқичга кўтаришнинг таянч ғояси хизматини ўтади. Шундай бўлиши ҳам керак эди, зеро, лисоннинг

«интеллектуал қисми» мантиқий ёки психологик категория эмас, худди шу қисм тилдан фойдаланиш имкониятларини беради, яъни «лисоний ижодкорлик товуш шаклларида фойдаланади» ва барча янги тушунчаларни ифодалаш хусусиятига эга бўлади (Гумбольдт 1984: 100).

Тилшунослик фанининг янги босқичга кўтарилишига туртки бўлган ғоялардан яна бири XX аср бошларида юзага келди. Тил тизимини илмий ёритишнинг «объектив метод»ларини излаган тилшунослардан бири Фердинанд де Соссюр тилга белгилар тизими сифатида қараш лозимлиги ҳақидаги ғояни ўртага ташлади. Лисоний системологиянинг асосчиси бўлган Соссюр унинг асосий тамойиллари тил ва нутқ ҳодисаларини, синхрон ва диахрон таҳлил усулларини фарқлаш ҳамда лисоний белгининг ихтиёрийлигини инобатга олиш билан боғлиқ эканлигини уқтирди.

Тил ва нутқ дихотомияси – жуфтлигининг XX аср тилшунослиги таракқиёти учун қанчалик муҳим бўлганлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Соссюр кашф этган ушбу қарама-қаршилик (унга нисбатан билдирилган танқидий фикрлар ҳам етарли эканлигига қарамасдан) дунёнинг барча ҳудудларида, турли йўналишларда ижод қилиб келаётган олимларнинг (нафақат тилшуносларнинг) диққатини жалб қилиб келмоқда. Маълумки, Соссюр ўз маърузаларида тил ва нутқ жуфтлигини қуйидаги хусусиятлар қарама-қаршилигида таърифлаган: *ижтимоийлик - шахсийлик, маъҳумлик - аниқлик, пассивлик - фаоллик, руҳий - физик, имкон (яширин) – амалга оширилганлик, виртуал - актуал* ва бошқалар. Булардан энг кўп танқидга учраганлари ижтимоийлик - шахсийлик ва пассивлик - активлик қарама-қаршиликлари дур. Ўз пайтида Э.Косериу айтган фикрга эргашсак, тил ва нутқнинг фарқланиши бенуқсондир (чунки тил ва нутқ айнан бир нарса эмас), аммо ушбу фарқнинг Соссюр томонидан қарама-қарши хусусиятли деб қаралиши ва шу билан тилни нутқдан «узиб қўйилиши» мунозаралидир (Косериу 1963: 151).

Хўш, қандай қилиб тил ва нутқ бир-бирига қарши қўйилиши, бири иккинчисидан узиб қўйилиши мумкин? Соссюрнинг ўзи ҳам тил ва нутқни

«тамоман ўзгача нарсалар» эканлигини қанчалик таъкидлашга уринмасин, бу икки ҳодисанинг ўзаро боғлиқ эканлигини эътироф этишдан бошқа иложи қолмаган эди: «бу предметларнинг ҳар иккови ўзаро яқин алоқада ва бир-бирини тақозо этади: нутқ тушунарли ва шу асосда таъсирли бўлиши учун тил мавжуд бўлиши даркор; нутқ эса тил шаклланиши, таркиб топиши учун зарурдир» (Соссюр 1977: 57).

Соссюршуносларнинг кейинги йиллар давомида олиб борган тадқиқотлари тил ва нутқ муносабатини қарама-қарши муносабат кўринишида эмас, балки ўзаро боғлиқликни тақозо этувчи ҳодиса сифатида талқин қилиш зарурлигидан гувоҳлик беради. Машҳур соссюршунос Р.Годелнинг ўқувчиси Берн университети профессори Рудольф Энглер «Умумий тилшунослик курси»нинг тўрт томлик танқидий матнини нашрга тайёрлаётиб, ушбу курс тингловчилари ёзиб қолдирган барча дафтарлар матнларини қиёслаш асосида (Saussure 1967:74) Соссюрнинг тил ва нутқ ҳақидаги фикрларини мантиқан аниқ англаш учун ушбу фикрларни олим таълимотининг умумий ғоялари доирасида қабул қилмоқ зарурлигини уқтиради. Юқорида айтилганидек, тилга «ижтимоий ва пассив», нутққа эса «индивидуал ва фаол» сифатларининг берилиши кўпчиликнинг қаттиқ танқидига учради. Аммо «Соссюр фикри йўналишига янада эътибор билан қарасак, - деб ёзади Р.Энглер, - тавсиф ва таърифни бутунлай ўзгартиришга мажбур бўламиз; чунки тилни *пассив* ҳодиса сифатида таърифлашимиз (нутқнинг фаоллигига қарама-қарши ҳолда) ҳақиқатдан ҳам ҳеч қандай идрок этиб бўлмайдиган таърифдир. Агар биз лисоний фаолиятнинг фаол кучи тилни ҳаракатга келтиришини, уни фаоллаштиришини эътироф этсак, берилаётган таъриф ўзгача тус олади» (Энглер 1998: XVI).

Айрим ҳолларда тил ва нутқ ҳодисалари муносабатининг нотўғри тавсиф қилиниш сабабини француз тилидаги *langage – langue – parole* тушунчалари талқинидаги ноаниқликлар билан боғлашади. Маълумки, Соссюрнинг ўзиёқ ушбу учликдаги атамаларнинг танлови ва таърифидаги қийинчиликларни сезган. Француз атамаларининг олмон ва лотин

тилларидаги муқобиллари мазмунан қанчалик даражада мос келмаслигини кўрсатган олим «юқорида келтирилган тушунчаларнинг бирортасига ҳам тўлиқ мос келадиган бирор бир сўзни топиш мумкин эмас, шу сабабли ушбу сўзларни таърифлаш фойдасиздир», деган хулосага келади (Соссюр 1977: 52). Соссюрнинг ушбу огоҳи унинг издошлари ва таржимонларини эҳтиёткорликка ундаши керак эди. Лекин афсуски, таржималарда турли вариантлар пайдо бўлди. Масалан, олмон тилидаги муқобиллик *langue – Sprache, langage – Rede (Menschliche Rede), parole – das Sprechen* кўринишини олган бўлса, инглиз тилида эса *langage – speech (human speech), langue – language, parole – speaking* каторидаги атамалар истеъмолга кирди. Ушбу катордаги тушунчалардан турли англашилмовчиликларга энг кўп сабаб бўлгани *langage*дир. Ушбу тушунча қарийб барча ҳолларда инсоннинг нутқий қобилияти билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниб келинди. Қиёсланг: олмонча *Rede (Menschliche Rede)* ва инглизча *speech (human speech)* вариантларида «нутқ (инсоний нутқ)» тушунчалари кириб қолган эди. Худди шунингдек, «Курс»нинг 1933 йилги нашри русча таржимаси муҳаррири Р.О.Шор ва Д.Н.Введенскийлар *langage «речевая деятельность»* тушунчасига тўғри келади деб ҳисоблашади. «Курс»нинг 1977 йилдаги русча нашри муҳаррири А.А.Холодович *langage «лисоний ҳодисалар умумлашмаси, яхлитлиги»* тушинчасини англатишини қайд этса ҳам «речевая деятельность» таржимасини сақлаб қолишни маъқул кўрди (Соссюр 1977: 23).

Хуллас, атамаларга нисбатан бундай эҳтиётсизлик *langage* тушунчасини тор маънода, яъни нутққа хос ҳаракатлар, хусусиятлар тўплами, нутқ ижроси билан боғлиқ фаолият кўламида қарашга сабаб бўлди.

Бизнингча, «нутқий фаолият» («речевая деятельность») сўз бирикмаси Соссюр қўллаган *langage* тушунчасининг мазмунини тўлиғича акс эттирмайди, чунки *langage* кўпроқ жамоага хос (алоҳида шахсга, индивидга эмас) қобилиятни, хусусиятни англатади. Фақатгина ушбу қобилиятнинг алоҳида шахс фаолиятида намоён бўлишинигина «нутқ» ва «нутқий қобилият» сифатида қараш мумкин. Аслида, Соссюр *langage* тушунчасини

тил ва нутқнинг муносабатини акс эттириш, уларнинг табиатан диалектик яхлитликни ташкил қилишини, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигини таъкидлаш учун қўллаган бўлса ажаб эмас. Ахир олим 1891 йилнинг ноябрь ойида Женева университетида ўқиган маърузаларидан бирида *langue* ва *langage* ҳодисаларини яхлитликда қараш лозимлигини алоҳида уқтирганлигини биламиз: «Лисоний фаолиятни, унинг намоён бўлиш (вокеланиш) ҳолатларини ўрганмасдан туриб тадқиқ қилиш борасидаги ҳар қандай ҳаракат самарасиздир; шунингдек, алоҳида олинган тилларни ўрганиш йўлидаги ҳаракат ҳам, ушбу тилларнинг лисоний фаолият тушунчаси доирасида умумлашадиган маълум тамойил ва қоидаларга амал қилиши унутилса, ҳеч қандай жиддий аҳамиятга ва ҳақиқий илмий асосга эга бўлмаган машғулотдир» (Соссюр 1990:37). Муаллиф истаганидек, *langage* тушунчаси лисоний воқеликни *яхлит ва тўлиқ* акс эттириши лозим. Шу сабабли бу тушунчани *инсон лисоний фаолияти* мазмунида англамоқ даркор, деб ҳисоблайман. Соссюр меросининг рус тилидаги сўнгги таржималари муҳаррирлари ҳам *langage* атамасини «языковая деятельность» сўз бирикмаси воситасида ўзгартиришни маъқул кўришмоқдалар (Соссюр 1990; Соссюр 1998).

Соссюрнинг издошлари унинг таълимотини давом эттирибгина қолмай, балки янги ғоялар билан бойитишга, бу ғоялар талқинига аниқликлар киритишга доимо ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бинобарин, ўзини бевосита Соссюрнинг издоши деб билган олим, психосистематика назариясининг асосчиси Г.Гийом (1883-1960) лисоний фаолият «тил+нутқ»нинг оддий натижавий йиғиндиси эмас, балки динамик бирикмаси эканлигини айтиб, ушбу фаолият узвий ўзаро алоқадаги шартлар, тил ва нутқнинг биргаликдаги (муштарак) мавжудлиги сифатида қаралишини маъқуллаган эди. Шунинг учун ҳам у ушбу қисмлар муштараклигини аташда «йиғинди»дан кўра, «интеграл» тушунчаси орқали ифодалашни маъқул кўради (Гийом 1992: 166; Скрелина 1980:9):

Таянч тушунчалар:

а) Тил ва нутқ. Тил ва нутқнинг диалектик муносабати. Тил таркиби. Тилнинг ижтимоий моҳияти, тил материали. Тилнинг ўз вазифасини нутқ орқали амалга ошириши. Тилнинг имконият, нутқнинг эса воқелик эканлиги. Тил ва нутқнинг ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал характери. Нутқ фаолияти.

б) “Лингвистика” термини. Динамик ва статик лингвистика. Атомистик ва структурал лингвистика. Ички ва ташки лингвистика, макро- ва микролингвистика, паралингвистика, психоллингвистика тушунчалари. Тилнинг таърифлари. Тилшунослик тарихида тил таърифи масаласи. Тилга турли нуқтаи назардан берилган таърифлар.

Мавзу юзасидан назорат учун саволлар

1. Прагматикада адресат ва адресант факторлари нималардан иборат?
2. Атрибуция ва унинг турларига нималар киради?
3. Нутқий мулоқот хусусиятлари қайсилар?
4. Прагматик вазифалар ва уларнинг типологияси нималардан иборат?
5. Хушмуомалалик категорияси ва унинг турларини санаб беринг.
6. Лисоний шахс ва унинг турларига нималар киради.
7. Хорижий тил ўқитувчисининг илмий-педагогик нутқ маданияти деганда нимани тушунасиз?
8. Мулоқотдаги лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш ва типологиясини тузинг.
9. Хушмуомалалик категорияси максималарини рўйхатини тузинг ва мисоллар билан исботланг.
10. Инглиз/немис/француз/испан, рус ва ўзбек тилларидаги миллий-маданий хусусиятга эга тил бирликларини аниқланг ва мисоллар билан исботланг.
11. Лексик сатҳда миллий-маданий хусусиятга эга тил бирликларининг рўйхатини тузинг.

5-мавзу: Амалий тилшунослик ва тил таълими. Тил ўрганиш стратегиялари. Тилларни ўқитиш усулларини ўрганиш.

1. Тил товушлари.
2. Грамматикани ўқитиш. Лексико-грамматика ва корпус тилшунослиги.
3. Сухбат таҳлили, Прагматика. Матн, контекст ва схема.
4. Тилларни ўрганиш ва ўзаро сўзлашиш.

Прагматиканинг XX асрнинг иккинчи ярмидаги ривожини нутқий акт назариясининг тўлиқ кўринишдаги лингвофалсафий таълимот сифатида шаклланиши билан боғлиқдир. Нутқий акт тушунчаси олдинги даврларда ҳам В.Хумбольдт, Ш. Балли, К.Бюллер, Э.Бенвенист, М.Бахтин каби олимларнинг таълимотларида мавжуд бўлган, аммо нутқий акт назарияси тўлиқ бир таълимот сифатида инглиз мантиқшуноси Ж.Остин, америкалик психолог Ж.Сёрль ва бошқаларнинг ишларида шаклланди. Оксфорд ва Кембриж университетларида фаолият кўрсатган файласуфлар лисоний фаолиятнинг кўпвазифавийлигига ва унинг инсоннинг ҳаёт кечириш шаклидан айри эмаслигига эътибор қаратишди.


Тилнинг мавжудлиги инсонларнинг сўзлаш ёки ёзиш ҳаракатларини бажариши билан боғлиқдир. Бу ҳаракатларнинг бажарилиши жараёнида лисоний бирликлар (биринчи ўринда - гап) асл маъносидан ташқари, тасдиқлаш, буюриш, огоҳлантириш, ваъда бериш каби мазмунни ифодалаш имкониятини намоён қиладилар. Бу маънолар сўзловчи шахс томонидан бажарилаётган нутқий фаолият натижасидир. Демак, нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир.

Мулоқот жараёнида ҳосил бўладиган нутқий ҳаракатларни алоҳида лисоний бирлик сифатида талқин қилиш ва уларни мазмунан таснифлаш ғоясини илк бор тарғибот қилганлардан бири Оксфорд университети профессори Жон Остин эди. У 1955 йилда Гарвард университетида ташкил қилинадиган анъанавий «Уильям Жеймс ўқишлари» даги маърузаларида ушбу муаммони ўртага ташлади. Кейинчалик, бу маърузалар 1962 йилда How To Do Things With Words «Сўзлар билан қандай муомалада бўлмоқ даркор?»

сарлавҳаси билан нашр қилинди (Austin 1962; 1973; Остин 1986).

Ж.Остин фалсафий мантиқ ва анъанавий грамматикада қўлланиб келинаётган «гап» ва «хукм (тасдиқ)» тушунчаларининг талқинидаги чалкашликлар қандай ноқулайликларга ва нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкинлигига эътиборни қаратади. Грамматик анъанада ҳар қандай гап ҳам хукм ёки тасдиқ бўлавермаслиги ва савол, ундов, истак-хоҳиш ёки бошқа турдаги мазмунларни ифодаловчи гаплар ҳам мавжудлиги эътироф этилган. Аммо файласуфлар тилшунослар билан ҳар доим ҳам бир хил фикрда эмаслар. Грамматикаларда «хукмий тасдиқ» деб қаралаётган гапларнинг (шу ўринда огоҳлантирмоқчимизки, «хукмий тасдиқ» ва анъанавий грамматикадаги «дарак гап» тушунчалари бир-бирларини тўлиғича такрорламайди – Ш.С.) кўпчилиги кечаётган воқеаларнинг ҳеч қандай тасдиғини ифодаламайди ёки Ж.Остиннинг ёзишича, улар «воқеалар ҳақида ахборот, хабар бериш ёки ёзиб олиш учун мўлжалланмаган» (Остин 1986: 24). Натижада, Оксфорд файласуфлари гап мазмунининг таҳлилида ўзига хос «тўнтариш» тайёрлашди. Ж.Остин ва унинг ҳамкабларининг фикрича, ҳар бир гап талаффуз қилинганда, ўз маъноси ифодасидан ташқари, маълум бир ҳаракат бажарилади, яъни бирор бир воқеа ҳақида дарак-хабар берилади, бу хабар тасдиқланади ёки инкор қилинади, бирор нарса илтимос қилинади, тақиқланади ва буйруқ, маслаҳат, ижозат берилади, ваъда ёки таклиф қилинади ҳамда такаллуф, миннатдорчилик изҳор қилинади ва ҳоказо (Austin 1962).

Демак, нутқий акт – маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилишидир. Нутқий акт мазмунининг шаклланиши талаффуз қилинаётган гап маъносининг сўзловчи ва тингловчи томонидан мулоқот матнига нисбатан «бойитилиши», идрок этилиши натижасидир. Мазмунининг бу йўсинда шаклланиш жараёнини қуйидагича изоҳлаш мумкин:



Юқоридаги шакл гувоҳлик беришича, нутқий акт мазмунининг таркиб топиши ва унинг воқеланиши бевосита сўзловчининг мулоқот мақсади, истаги билан боғлиқдир. Шу сабабли бўлса керакки, прагмалингвистлар ва мантиқшунослар ҳозиргача лисоний белгиларнинг нутқий актлар маъновий тузилишида тутган ўрни ҳақида бир тўхтамга келиша олмаяптилар. Жон Сёрлнинг бу борада айтган фикрини олайлик: «Лисоний мулоқот бирлиги, одатда, тахмин қилганларидек, символ (рамз), сўз ёки гап эмас, ҳатто символ сўз ёки гапнинг белгиси ҳам эмас, балки символ, сўз ёки гапнинг *нутқий акт ижроси жараёнида яратилиши ва қўлланишидир* (таъкид меники- Ш.С.). ...Янада аниқроғи, гап белгисининг маълум шароитда яратилиш ва қўлланиши нутқий актдир ва нутқий актлар лисоний мулоқотнинг асосий ва энг кичик (минимал) бирлигидир» (Searle 1969: 16). Демак, нутқий акт назарияси учун гап таянч бирлик эмас, ундан тайёр «материал» сифатида фойдаланилмайди. Аксинча, гап айнан нутқий мулоқот жараёнида яратиладиган ҳодиса. Шундай экан, нутқий акт мазмуни тўлиғича сўзловчининг мулоқот мақсади (communicative intention) билан боғлиқ бўлиб қолади.

Ж.Сёрлнинг нутқий актни мулоқот тизимининг асосий, таянч бирлиги сифатида қараш кераклиги ҳақидаги фикрини тўлиғича қувватлаш мумкин. Аммо нутқий актнинг дискурсни (мулоқот матни) таркиб топтирувчи, тузувчи эмас, балки уни қисмларга ажратувчи ҳодиса деб талқин қилинишига эътирозимиз бор. Ҳолбуки, лисоний ҳодисалар талқинида уларнинг яратувчанлик имкониятларига алоҳида эътибор қаратмоқ даркор. Нутқий акт ҳам бундан мустасно эмас, у ҳам матн тузиш, мураккаб мулоқот бирлиги бўлмиш дискурсни таркиб топтириш вазифаларини бажаради.

Нутқий актнинг бу турдаги вазифаларини аниқлаш учун интенция таҳлилига, яъни нутқий ҳаракат мақсадини аниқлашга йўналтирилган таҳлилга мурожаат қилмоқ керак. *Интенционал таҳлил*да коммуникатив жараёнда вокеланадиган нутқий фаолиятнинг сўзловчи мақсади, истаги билан боғлиқ томонлари ўрганилади. Одатда, ушбу таҳлил услуби асосчилари (Searl 1983) ҳар бир нутқий ҳаракатга ягона бир мақсадга (ягона интенцияга) эга бўлган бирлик сифатида қараш тарафдоридирлар. Аммо мен бу дунёни жуда эрта тарқ этган марҳум дўстим, Киев университетининг профессори Олег Георгиевич Почепцов фикрига қўшилиш истагидаман. Унинг талқинича, «нутқий ҳаракат ва бу ҳаракат воситасида вокеланадиган мақсад сўзловчи кўзлаган асосий мақсадга эришишнинг фақатгина бир босқичидир» (Почепцов 1986: 75). Шунинг учун ҳам олим умумий интенцияни икки қисмга яъни «*бошланғич интенция (мақсад)*» ва «*нативавий интенция*»га ажратишни таклиф қилади. Интенционал таҳлилнинг бу тури ҳақиқатдан ҳам нутқий актнинг мазмунини тўлиқроқ тасаввур қилиш имконини беради. Масалан, «*Вокзалга қандай борса бўлади?*» гапи талаффуз этилганда, сўзловчининг бошланғич мақсади тингловчидан керакли ахборотни олиш, яъни вокзалга қандай боришни билиб олишдир. Лекин асл ният бошқачароқ: вокзалга етиб олиш. Худди шу ният охириги ёки нативавий мақсаддир. Демак, нутқий ҳаракат бажарилишини икки босқичли жараён сифатида қараш мумкин: биринчисида бошланғич мақсад ифодаланса, иккинчисида нативавий мақсад ҳосил бўлади.

О.Г.Почепцов бошланғич мақсад ҳаракати гапнинг структуравий семантик хусусиятларига асосан мос келишини қайд этади. Бинобарин, «*Вокзалга қандай борса бўлади?*» нутқий тузилмасининг бошланғич интенция акти сўровдир, «*Бугун университетда учрашув бўлди*» тузилмасиники – дарак, хабар бериш бўлса, «*Китобимни қайтар!*» тузилмасида бошланғич интенция сўзсиз, буйруқ, талаб қилишдир. Аммо нативавий мақсад ҳаракатлари биринчидан, сон жиҳатидан кўп, иккинчидан,

улар учун гапнинг структур-семантик тузилиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Натижавий интенциянинг шаклланиши гапларнинг нафақат маъно хусусиятлари, балки уларнинг фаоллашув муҳити, нутқ контексти билан ҳам боғлиқдир. Бошқача айтганда, натижавий мақсад акти, лисоний ҳаракатлар билан бир қаторда, нолисоний ҳаракатларни ҳам қамраб олади.

Нутқий акт мазмуни лисоний ва нолисоний хусусиятлар умумлашмасидан ташкил топишини барча прагмалингвистлар эътироф этишади. Уларнинг кўпчилиги нутқий актга уч босқичли фаолият сифатида қараш тарафдорларидир. Бу босқичларда уч хил ҳаракат бажарилади. Улар – *локутив*, *иллокутив* ва *перлокутив* ҳаракатлардир.

Биз мулоқот жараёнида мазмундор лисоний калимани яратамиз ва уни талаффуз қилиш йўли билан нутқий фаолият бажарамиз, худди шу фаолият ижроси локуция ёки локутив актдир (*locutionary act*). Агарда бирор бир сабаб билан (тилни билмаслик, гунг бўлиш) мазмундор гап тузилмаса ва у талаффуз этилмаса, локутив ҳаракат юзага келмайди. Масалан, «*Иссиқ чой дамладим*» гапи фақатгина ёзувда қолса, локуция йўқ. Аммо мазмундор гаплар бекордан бекорга тузилавермайди, уларни тузишдан ва талаффуз этишдан маълум бир мақсад кўзланади (бу мақсад тил соҳиби онгида доимо мавжуд). Ушбу мақсаднинг воқеланиши эса иллокутив акт натижасидир. Иллокуция шахслараро (мулоқот иштирокчилари ўртасидаги) муносабатларнинг ифодаланишидир. Масалан, юқорида келтирилган «*Иссиқ чой дамладим*» гапини талаффуз этиш воситасида шу воқеа ҳақида хабар бериш, чойга таклиф қилиш, суҳбатдошнинг қандай чой ичишини (иссиқ ёки совуқ) билиш каби коммуникатив истакларни ифодалаш имкони бор. Айнан шу коммуникатив мақсаддан қайси бири маълум шароитда воқеланишига нисбатан нутқий тузилманинг *иллокутив кучи* (*illocutionary force*) аниқланади.

Ҳар қандай мулоқот ҳаракати натижавий (охирги) мақсадни кўзлаб бажарилиши ҳақида юқорида гапирилди. Бу мақсадга эришиш учун сўзловчининг нутқи тингловчига таъсир ўтказмоғи даркор. Нутқий

фаолиятнинг таъсир ўтказиш босқичи *перлокутив акт* номини олган. Биз «*Иссиқ чой дамладим*» гапи талаффузининг натижасини тингловчи ушбу нутқий ҳаракатни биз истаган мақсадда (масалан, тингловчи чойнинг иссиқлигини эшитиб, уни ичишга рози бўлишида) қабул қилишда кўрамиз. Демак, перлокуция тингловчи онгига, ҳис-туйғуларига ва хатти-ҳаракатига таъсир ўтказиш ҳаракатидир.

«Иллокуция» тушунчаси нутқий акт назариясида энг кенг тарқалган тушунчадир. Нутқий акт структурасининг марказида ҳам иллокутив ҳаракат туради. Ҳатто иллокутив акт тўлиғича нутқий ҳаракатнинг муқобили сифатида қаралиш ҳоллари ҳам учрайди ва нутқий актлар таснифи иллокутив мақсад кўрсаткичларига асосланади (Searle 1969: 16; Wunderlich 1976: 75; Почепцов 1986: 27).

«Иллокутив акт» тушунчаси прагмалингвистикада инсон томонидан нутқий жараёнда ва нутқий фаолият воситасида бажариладиган ҳаракат сифатида таърифланади. О.Г.Почепцовнинг таърифича, 1) иллокутив ҳаракатнинг ижрочиси (агенти) сўзловчи ёки ёзувчидир; 2) иллокутив акт нутқ яратилиш фаолиятидан фарқ қилади; 3) иллокутив акт нутқ яратилиш фаолияти жараёнида юзага келади; 4) иллокутив акт нутқий фаолият воситасида бажарилади (Почепцов 1986: 24).

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, О.Г.Почепцов иллокуциянинг нутқий фаолиятдан фарқини кўрсатишга қанчалик ҳаракат қилмасин, у ҳеч қачон коммуникатив фаолиятсиз, инсонлараро муносабатни яратиш муҳитисиз юзага келмайди. Иллокутив акт бевосита мулоқот структурасининг иштирокчиси, коммуникацияни мақсадли ва мазмунли кўчишини таъминловчи нутқий фаолият бўлагидир.

Иллокутив акт ҳосил бўлиши учун маълум бир нутқий тузилманинг аниқ кўринишдаги «иллокутив кучи» (*illocutunary force*) намоён бўлмоғи даркор. Масалан, «*Иссиқ чой дамладим*» калимаси воситасида чойга таклифни изҳор қилиш мақсадини ифодаланаётганда, гап тузилмасининг ушбу мазмун ифода воситаси бўла олиш имконияти, яъни «кучи»

воқеланади. Иллокутив мақсад эса фикрий ҳодиса бўлиб, нутқий ҳаракатнинг мазмуни, мундарижасини белгилайди. З.Вендлер талқинича, иллокутив мақсад аслида, «ментал ҳаракат бўлиб, сўзловчи тингловчини ушбу ҳаракатни бажаришга ундайди» (Вендлер 1985: 243). Иллокутив мақсад нутқий ҳаракат кучини намоён қилиш қанчалик муҳим бўлмасин, лекин бу мақсад ушбу кучнинг фақатгина бир қисми, бўлагидир. Зеро, нутқий ҳаракат коммуникатив мазмунининг тўлиқ ҳосил бўлиши учун мақсаддан ташқари, унга эришишни таъминловчи восита ва шарт-шароит ҳам мавжуд бўлиши талаб қилинади. Шунинг учун ҳам Ж.Сёрль, Д.Вандервекен ва бошқалар нутқий ҳаракат иллокутив кучини етти қисмдан таркиб топувчи ҳодиса сифатида қарайдилар. Булардан биринчиси, албатта, коммуникатив мақсаддир, чунки бусиз нутқий ҳаракатнинг ўзи ҳам бажарилмайди. Кейингилари эса қандайдир даражада ушбу қисмни тўлдирадилар, улар – иллокутив мақсадга эришиш усули (воситаси), иллокутив куч воқеланиши жадаллиги, воқеланишни таъминловчи пропозицион, ҳаққонийлик каби ментал шароитлардир.

Иллокутив куч қисмларининг тузилиши мантиқий тартибга эга. Айнан шу тартиб иллокутив ҳаракатнинг мустақиллигини таъминлайди ва унинг пропозиция актисиз бажарилишига имкон беради. Бинобарин, «Афсуски!», «Вой, худо!», «Тавба қилдим!» каби нутқий бирликлар пропозиция мазмунига эга эмаслар, лекин улар иллокутив жиҳатдан тўлиқ шаклга эгадирлар, яъни улар маълум контекстда коммуникатив мақсад ва мазмунни ифодалайдилар.

Айрим файласуфлар, Ж.Остинга эргашиб, гапларнинг структур-семантик турлари ва булар воситасида бажарилаётган нутқий ҳаракатлар ўртасидаги муносабатни тизимий характерга эга эмас, бу муносабат нутқий ҳаракат иллокутив кучида қарийб намоён бўлмайди деб ҳисоблайдилар. Синтаксиснинг биргина тузилмаси - алоҳида гап турли нутқий муҳитда турли иллокутив кучга эга бўлиши ва бу билан турли коммуникатив мақсадни ифодалаш воситаси бўла олиши бегумон. Аммо ҳар қандай синтактик бирликнинг прагматик заҳираси чегараланган, унинг иллокутив кучи

мулоқот мақсадини ифодалаш имконияти чексиз эмас. Масалан, «Бугундан бошлаб сизларни эр ва хотин деб эълон қиламан» ёки «Бинода чекиш таъқиқланган» каби гаплар мақтов, сўров, розилик, ваъда иллокутив мақсадларини ифодалаш мумкинлигини тасаввур этиш қийин. Шундай экан, гап структур-семантик мундарижаси ва унинг иллокутив имкониятлари ўртасида тизимий боғлиқлик мавжудлигини эътироф этмоқ керак. Агарда шундай боғлиқлик бўлмаганда, тингловчига сўзловчининг мулоқот мақсадини, у бажараётган нутқий ҳаракат мазмунини англаш қийин бўлар эди.

Юқорида айтилганидек, нутқий ҳаракат структурасининг учинчи, энг охири босқичи перлокутив актдир. Нутқий фаолият таъсирининг натижаси сифатида тавсифланадиган перлокутив акт олдингиларидан (локуция ва иллокуция) тубдан фарқ қилади. Нутқий таъсир натижасини олдиндан айтиш қийин, сўзловчи нутқини эшитган (ёки ўқиган) тингловчининг бўлғуси хатти-ҳаракати, жавоби турлича бўлиши мумкин. Прагмалингвистларнинг ўзлари эътироф этганларидек, «перлокутив акт иллокутивдан фарқли ўлароқ, лисоний ҳодиса эмас, чунки бирор бир перлокутив натижага ҳеч қандай нутқий ҳаракатни бажармасдан туриб ҳам эришиш имкони бор» (Searle, Vanderveken 1985: 12). Перлокуциянинг лисоний таҳлил доирасига кирмаслигини Ж.Лич ҳам қайд этади: «Перлокутив натижа таҳлили прагматиканинг вазифасига кирмайди, чунки прагматик таъсир кучи (нутқий ҳаракатнинг – Ш.С.) мақсади билан боғлиқ, натижа билан эмас» (Leech 1983: 203).

Қизиқ, нутқий ҳаракат таъсирини прагмалингвистик таҳлил доирасидан четга суриб қўйсақ, унда мулоқот тизимини тумтоқ қилиб қўймаймизми?! Мулоқот сўзловчига таъсир ўтказиш, уни бирор жавоб ҳаракатига ундаш учун бажарилади-ку! Нутқий мулоқот мақсади *икки сатҳлидир*, яъни нутқий ҳаракатда ахборот узатиш ва коммуникатив прагматик мақсад воқеланади. Биринчисида сўзловчининг мақсади ахборот етказиш ёки олиш. Аммо ахборот алмашинуви ҳаракатлари фақат бирор хабар бериш ёки сўраш билан

чегараланмайди. Бу ҳаракатлар ижросидан сўзловчи ва тингловчининг талабини, қизиқишини қондириш мақсади ҳам кўзланади. Бу эса прагматик вазифанинг бажарилишидир. Демак, мулоқот жараёнида прагматик вазифалар коммуникатив мақсад доирасида воқеланади. Шунинг учун ҳам нутқий ҳаракат натижасида юзага келадиган перлокутив таъсирни прагмалингвистик таҳлил доирасига киритган маъқул.

Прагматика нутқий таъсир натижасининг ҳосил бўлиши эҳтимолини белгиловчи воситаларни аниқлаш имконини беради. Бундай воситалар каторига масалан, прагматик мазмунни аниқлаштирувчи иллокутив феъллар кирадилар. Ушбу феъллар нутқий ҳаракат таркибида муҳим рол ўйнайдилар, улар мулоқот мақсади мазмуни ва бажаралаётган нутқий ҳаракатнинг иллокутив кучини аниқ ва очиқ кўрсатиш хизматини ўтайдилар. Масалан, «*Кумушни эртага кинога олиб бораман*» гапининг талаффузи воситасида ваъда бериш нутқий ҳаракати бажарилади, аммо ушбу ҳаракат мазмунини аниқ ифодалаш учун иллокутив феълни қўллаш имкони ҳам бор: «*Кумушни эртага кинога олиб боришга ваъда бераман*». Худди шунингдек, «*Дарс қилмайсанми?*» синтактик бирлиги сўроқ, талаб, огоҳлантириш, таклиф каби нутқий ҳаракатларни ифодалаши қуйидаги йўсинда аниқлаштирилиши мумкин: «*Дарс қилмайсанми, деб сўраяпман (сендан)*»; «*Дарс қилмайсанми? Буни сендан талаб қиламан*» (ўқитувчининг сўзи); «*Дарс қилмайсанми? Сени огоҳлантиряпман*»; «*Дарс қилмайсанми? (кел, биргаликда қилишга таклиф қиляпман)*».

Иллокутив феълларнинг маъно таркибида талаффуз этилаётган нутқий бирликнинг (гап ёки матннинг) прагматик-коммуникатив мазмунини ифодаловчи сема асосий ўринни эгаллайди. Масалан, «*Фан номзоди Р.Сувоновага доцентлик унвони берилишига розиман*»; «*Фан номзоди Р.Сувоновага доцентлик унвони берилишига қаршиман*»; «*Фан номзоди Р.Сувоновага доцентлик унвони берилишини талаб қиламан*» каби тузилмалар бир хил пропозицияга эга, уларнинг фарқи фақатгина прагматик мазмунда, яъни турли нутқий ҳаракатлар ифодаланишида ва коммуникатив

мақсадларнинг ҳар хил бўлишига турли иллокутив феъллар (рози бўлмоқ, карши бўлмоқ, талаб қилмоқ) қўлланиши восита хизматини ўтамоқда. Ж.Сёрл прагматик мазмунининг бу аснода намоён бўлишини «ифодаланиш тамойили» (the principle of expressibility) фаоллашуви натижаси деб ҳисоблайди. Бироқ, ушбу тамойил нутқий мулоқот матнларида ҳар доим ҳам бир йўсинда намоён бўлавермайди. Бинобарин, *буюрмоқ, огоҳлантирмоқ, маслаҳат бермоқ, тақиқламоқ, таклиф қилмоқ* каби бирликлар нутқий тузилма таркибидан жой олиб, унинг мазмунини ойдинлаштириш учун хизмат қила олиши маълум. Лекин, «*Мен мақтана олмайман, сендан ақллироқман*» кабилида мақтаниш нутқий ҳаракатининг қўлланиши эҳтимолдан анча йироқ. Балки, ушбу ҳаракатни бажараётган шахснинг мақтанишга ҳаққи бордир. У ўз суҳбатдошига нисбатан ақллилиги ҳақиқатдир, лекин нутқий мулоқот одоби бунга йўл қўймайди.

Умуман олганда, нутқий акт ва унинг мазмунини ифодаловчи воситалар ўртасида функционал ва мазмуний номутаносиблик пайдо бўлишининг сабаблари турлича. Булардан бири, албатта, айрим иллокутив феълларнинг маъно структурасида сўзловчи ўзи билдираётган фикрнинг ҳақиқат эканлигига ишонмаётганлигига ишора қилувчи сема, бўлак мавжудлигидир. Масалан, *тахдид қилмоқ, изво қилмо, сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ, камситмоқ* каби бирликларни биринчи шахсда қўллаш ва шу йўсинда нутқий ҳаракат мазмунини очиқ баён қилиш мумкин эмас. Чунки «*Мен сенга таҳдид қилаяпман, ўлдираман*» туридаги тузилма нутқий мулоқот маъносига хилоф, бундай бирликлар фақатгина учинчи шахс, яъни мулоқот жараёнини кузатувчи томонидан қўлланиши мумкин: «*Ўлдираман, деб унга таҳдид қилди*».

Прагматик мақсад ва мазмуннинг экплицит, яъни очиқ ифода этилишида диққат ахборот алмашинувидан ушбу ахборотни узатиш мақсадига кўчади ва коммуникация мақсади узатилаётган ахборотнинг предметиға айланади. Нутқий ҳаракат мақсадининг очиқ баёни турли кўринишдаги лисоний бирликлар воситасида бажарилади ва булардан энг асосийси прагматикада

перформатив формула (қолип) атамасини олган.

Ж.Остиннинг қайдича, ҳар бир нутқий тузилма иллокутив ҳаракатни бажариш учун хизмат қилади ва модал кўрсаткичлар (майл шакли, сўз тартиби, оҳанг ва бошқалар) сўзловчига у қандай иллокутив мақсадни ифодалаш ниятида бўлганлигини билдириш имконини беради. Бундан ташқари, шундай тузилмалар мавжудки, уларнинг прагматик мазмуни доимий, қарийб барча шароитларда бир хил иллокутив кучга эга бўлади ва одатда, бундай тузилмалар таркибида иллокутив феъллар қўлланилади: *«Ишни бажаришингни талаб қиламан»*; *«Ҳомийлик кўрсатишига ваъда қиламан»*; *«Тузилган кунинг билан табриклайман»* ва ҳоказо. Нутқий акт назариясида бундай тузилмалар «аниқ перформатив»лар деб аталади.

Перформативларнинг грамматик тузилиши ҳам ўзига хосдир. Бу гапларда феъл, одатда, биринчи шахс ҳозирги замон шаклида ва ушбу феълнинг биринчи актанти дейктик олмошнинг биринчи шахс бирлиги, иккинчи актонт эса дейктик олмошнинг иккинчи шахс бирлик ёки кўплиги воситасида ифодаланади. Ушбу қолипда тузилган перформатив намунавий тузилма бўлиб, унинг тўлиқ кўринишда қўлланиши кам учрайдиган ҳолдир. Кўпинча, биринчи актонт тушиб қолади: I thank you for help Thank you for help; ўзбек ва рус тиллари грамматик тизими перформатив тузилмаларнинг иккала актантини ҳам тушириб қолдириш имконини беради: *«Благодарю за помощь»*; *«Ёрдамингиз учун раҳмат»*; *«Прошу не расходиться»*; *«Тарқалмасликларингизни сўрайман»*; *«Клянусь, что это правда»*; *«Қасам ичаманки, бу ҳақиқат»*. Бундан ташқари, учинчи актонт, яъни пропозиция ҳам тушиб қолиши мумкин: *«Раҳмат»*; *«Табриклайман»*; *«Талаб қиламан»*.

Перформативнинг биринчи шахс шаклида бўлишининг сабаби лисоннинг фаоллик табиати билан боғлиқдир. Ҳар қандай нутқ турининг ижрочиси сўзловчидир ва нутқ фақатгина сўзланилаётган пайтдаги ҳаракатдир ва бу ҳаракат фақатгина сўзловчи томонидан бажарилади. Перформатив феъллар маъно жиҳатдан ҳам ўзига хосдирлар: уларнинг

мазмунда воқеа-ходисалар акс топадилар ва бу воқеалар ҳақида хабар берилади.

Демак, агарда прагматик мақсад аниқ ва зоҳиран ифода топса, нутқий тузилма перформатив ҳисобланади. Перформатив тузилмаларда ахборот оддийгина узатилиб қолмасдан, балки тингловчиларга тезда таъсир ўтказиш, уларни жавоб ҳаракатига ундаш мақсадлари аниқ намоён бўлади.

«Нутқий акт» тушунчасининг прагматик таҳлилнинг асосий таянч тушунчаларидан бири эканлиги юқорида айтилган эди, лекин ушбу тушунчани турли муаллифлар турлича талқин этаётганликларини ҳам эслатмоқчиман. Нутқий акт ҳодисасининг моҳияти ҳақидаги фикрларнинг турли-туманлиги таклиф қилинаётган тасниф тамойилларида ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳозирги пайтгача тилшунослар нутқий актлар гуруҳларининг сони ва ҳатто уларни номлаш борасида бир тўхтама келишганича йўқ.

Нутқий актларни таснифий гуруҳларга ажратиш истагини Ж.Остин Гарвардда ўқиган маърузаларининг ўн учинчисида билдирган эди. Олим таклиф қилган тасниф беш гуруҳдан иборат ва бу гуруҳланиш иллокутив феъллар маъносига асосланади:

1. Вердиктивлар; бу турдаги нутқий актлар ҳукм чиқариш (суд, ҳакам кабилар томонидан) мазмунини англатадилар. «Сени айбдор деб ҳисоблайман»; «Жарима тўлайсан», «Ўйиндан ташқари ҳолат», «Огоҳлантираман».
2. Экзерситивлар (лат. *exercitation* – «ижро этмоқ», «бажармоқ»); Бу нутқий ҳаракатлар мазмунида ўз ҳуқуқидан, ҳукмронлигидан фойдаланиб, буйруқ бериш, мажбур қилиш, маслаҳат бериш, огоҳлантириш маънолари ифода топади: «Сени лавозимингдан бўшатаман»; «Яхшиси, телефон қилма»; «Чиқиб кет»; «Мунофиқдан эҳтиёт бўл».
3. Комиссивлар (Қиёсланг: инг.*commitment*- «мажбурият») мазмунида ваъда бериш ва бошқа турдаги мажбуриятлар ифодаланади: «Эртага келишга ваъда бераман»; «Режани албатта бажараман»; «Бурчимни бажаришга қасамёд

киламан»; «Жаримани тўлаш кафолатини бераман»; «Фикрингизни қўллаб-қувватлайман».

4. Бехабитивлар (икки ўзакнинг – behave «ўзини тутмоқ» ва habit «одат» - бирикишидан ясалган). Жамоада ўзини тутиш, бирор киши хатти-ҳаракатига муносабат билдириш маъноларига эга бўлган нутқий ҳаракатлардир: «Ёрдаминг учун раҳмат»; «Саломат бўлинг»; «Хафа бўлманг»; «Ой бориб, омон кел» кабилар.

5. Экспозитивлар (инг. exposition- «изоҳ, тавсиф, тушунтириш») мулоқот жараёнида сўзловчи ўз фикрини изоҳлаши, тасдиқлаши ва тушунтириш жараёнида юзага келадиган нутқий актлардир: «Касал эканлигингга гумоним бор»; «Касал бўлишим мумкин»; «Қарздорлигингни эслатмоқчиман».

Ж.Остин таснифи бирор бир аниқ тамойилга асосланмаганлиги учун ҳам қатор камчиликлардан холи эмаслиги тадқиқотчилар томонидан кўп марталаб танқид қилинди. Ж.Серль нутқий ҳаракатларни гуруҳларга ажратишда еттидан ортиқ кўрсаткичларга амал қилишни тавсия қилади, лекин улардан энг асосийлари иллокутив мақсад, унга эришиш услуги, мазмуннинг ҳаққонийлик шарти кабилардир: «таснифий гуруҳлашга асос қилиб иллокутив мақсадни ва ундан келиб чиқадиган тушунчалар: ҳаққонийлик шартини мослаштириш ҳамда ифодалаш усулини олишни таклиф қиламан» (Серль 1986: 180). Ж.Серль ҳам нутқий актларни 5 гуруҳга ажратади, аммо у таклиф қилган гуруҳлар О.Остин таснифидан мазмун жиҳатидан фарқ қилади:

1. Ассертивлар (ахборотнинг ростлигини тасдиқловчи нутқий ҳаракатлар): «Мақолани ёзиб тугатдим»; «Поезд соат 10 да жўнайди»; «Жамшид - талаба».

2. Директивлар (буйруқ, савол, илтимос, огоҳлантириш каби тингловчини фаолиятга ундовчи нутқий актлар).

3. Коммиссивлар (Ж.Остин ажратган гуруҳга мос келади).

4. Декларативлар: «Йиғилишни ёпиқ деб эълон қиламан»; «Сизларни эр ва хотин деб эълон қиламан» каби воқеликдаги ҳолатнинг ўзгартирилиши

ҳақидаги нутқий актлар.

5. Эспрессивлар (табрик, таъзия билдириш каби нутқий ҳаракатлар).

Ушбу тасниф ҳам албатта, айрим нуқсонлардан холи эмас, лекин Ж.Серль ажратган гуруҳлар нутқий ҳаракатларнинг асосий хусусиятларини умумлаштириш ва истиқболда тасниф меъёрларини янада кенгайтириш йўли билан гуруҳларни аниқлаштириш ва тизимлаштириш имконини беради.

Худди шундай кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган таснифлардан бирини Кейт Алланнинг «Лисоний маъно» (Lingvistic Meaning) китобида учратиш мумкин. Муаллиф ўз пайтида К.Бах ва Р.Харнешлар таклиф қилган таснифга таяниб (Bach, Harnish 2000), икки асосий синфни, яъни *шахслараро ҳаракатлар* (interpersonal acts) ва *декларатив ҳаракатлар* (declaratory acts) синфларини фарқлаш лозимлигини уқтиради. Таҳлилнинг кейинги босқичларида эса бу синфлар таркибида гуруҳлар ажратилади (Allan 1986: 192-203). Натижада биринчи синфда (шахслараро фаолият актлари) *констатив* (тасдиқ, дарак бериш), *предиктив* (тахмин, башорат қилиш), *комиссив* (ваъда, таклиф қилмоқ), *акнолежмент* (табрик қилмоқ, такаллуф, эҳтиром кабилар), *директив* (илтимос, савол, буйруқ, таъқиб кабилар), *авторитативлар* (ижозат бермоқ, маслаҳат бермоқ) гуруҳлари фарқланади. *Декларативлар* синфида эса *эффектив* (чўқинтириш, уйлантириш, лавозимга тайинлаш фаолиятларига оид нутқий ҳаракатлар) ва *вердиктив* (ҳукм чиқариш фаолиятига оид нутқий ҳаракатлар) актлар гуруҳлари ажратилади.

Барчага таниш бўлган «Прагмалингвистика» рисоласининг муаллифи Ж.Лич нутқий актлар гуруҳларини ажратишда социолингвистик кўрсаткичларга таяниб, уларни мулоқот жараёнида «хушмуомалаликни таъминловчи ва шу муҳитни ўрнатиш мақсади билан қай йўсинда боғлиқлигига» (Leech 1983: 104) нисбатан гуруҳлайди. Бу гуруҳлар куйидагилар:

- 1) *компититив* (иллокутив мақсад ижтимоий мақсадга мос келмайди, масалан, буйруқ, савол, талаб, илтимос каби нутқий ҳаракатлар);
- 2) *конвивиал* (иллокутив ва ижтимоий мақсад ўзаро мос, масалан, таклиф,

қутлов, табрик, ташаккур изҳор қилиниши);

3) *коллокатив* (иллокутив мақсад ижтимоий мақсадга бефарқ; масалан, тасдиқ, хабар бериш, эълон қилиш, маълумот бериш каби ҳаракатлар);

4) *конфликтив* (иллокутив ва ижтимоий мақсадлар ўзаро қарама-қарши, масалан, таҳдид, айблов, сўқиш, қарғиш ҳаракатлари).

Ж.Личнинг фикрича, ижтимоий мақсад юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этишдан иборатдир ва бу мақсадни таъминловчи восита *хушмуомалалик категориясидир*.

Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи ўз таснифларида феъл предикатларининг маъновий хусусиятларига асосландилар. Улар феълларни у ёки бу турдаги иллокутив мақсадни ифодалаш хусусиятларига нисбатан гуруҳларга ажратадилар ва бу гуруҳларни махсус луғатлар воситасида изоҳлашга ҳаракат қиладилар. «Нутқий акт феъллари» деб номланган шундай луғатлардан иккитаси ҳақида тўхталмоқчиман. Шахсий кутубхонамда мавжуд бўлган ана шу луғатлардан биринчиси машҳур семасиолог ва прагмалингвист Анна Вежбицканинг қаламига мансуб бўлиб, «English Speech Act Verbs: A Semantic Dictionary» луғатидир (Wierzbicka 1987). Бу луғатда 270 га яқин юқори частотали инглиз тили феълларининг синтактик, семантик ва прагматик хусусиятлари тавсифланган. Тавсифни тизимлаштириш мақсадида муаллиф ушбу феълларни 37 гуруҳга тақсимлайди ва ушбу гуруҳларга кирувчи ҳар бир феълнинг маъно таркиби изоҳланади. Изоҳлаш усули сифатида эса у ёки бу маъно бўлаги намоён бўлишини таъминловчи нутқий тузилмалар, гаплар келтирилади. Масалан, ask «сўрамоқ» феълининг илтимос нутқий ҳаракатини ифодалаш хусусиятини изоҳлаш учун қуйидаги гаплар қатори келтирилади (Ўша асар, 19-50 бетлар):

I say: I want you to do X.

I think of it as some thing that will be good for me.

I don't know whether you well do it.

I say this because I want to cause you to do it.

Таржимаси:

Мен демоқчиман: Мен сенинг X ни бажаришингни истайман.

Мен ўйлайманки, бунинг бажариллиши менинг учун яхши.

Мен билмайманки, сен буни бажарасанми?!

Мен буни айтаётиманки, сени ушбуни бажаришига мажбур қилмоқчиман.

Ушбу луғатнинг А.Вежбицкага хос бўлган услубда, яъни лисоний бирликларнинг маъносини мукамалтирилган кичик семасиологик хусусиятларни тавсифлаш асосида (бу усул муаллиф томонидан ўз пайтида «семантик примитивлар»га ажратиш усули деб номланган эди) яратилганлиги кўриниб турибди.

Иккинчи луғат олмон прагмалингвистлари Т.Баллмер ва В. Бренненштуллар томонидан яратилган бўлиб, Германиянинг машхур «Шпрингер» нашриёти томонидан «Тил ва коммуникация» сериясида нашр қилинган (Ballmer, Brennenstuhl 1981) ушбу луғатнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда нафақат перформатив қўлланиши мумкин бўлган, балки инглиз тили луғат захирасидаги барча нутқий фаолиятга оид феъллар қамраб олинган (бу феълларнинг умумий сони 4800та). Муаллифлар луғатнинг тагсарлавҳасида «Лексик таҳлил» (Lexical analysis) иборасини ишлатишган бўлсалар ҳам, ушбу асарда ёритилаётган материал лексикологиядан ташқари, нутқий акт таълимоти ва маъно назарияси ривожини учун муҳим ўрин эгаллайди. Ишда «нутқий акт» тушунчаси бир мунча кенг талқин қилинади ва «нутқий актлар кетма-кетлиги (бирикмаси)» мулоқот фаолиятини ташкил қилувчи асосий тушунча сифатида қаралади. Айнан нутқий ҳаракатларнинг семантик муносабатлари асосида ҳосил бўладиган мажмуалар энг юқори поғонадаги бирликлар бўлиб, сўнгги (куйи) босқичларда модел гуруҳлари ва иккинчи даражали гуруҳлар ажраладилар. Луғатда 4 модел гуруҳи, яъни *экспрессия* (expression), *апелляция* (appeal - муурожаат), *интеракция* (interaction – ўзаро мулоқот) ва *дискурс* (discourse - мулоқот) моделлари ажратилиб, кейин улар таркибида нутқий ҳаракатлар мазмунини янада аниқлаштирувчи 8 та иккинчи даражали гуруҳлар мавжудлиги қайд қилинади. Умуман, Баллмер ва Бренненштул луғати нутқий ҳаракат феълларининг батафсил

таснифи ва тавсифи намунаси дир. Таснифнинг кўп босқичлилиги яна шунда намоён бўладики, 4800 та феъл 24 турга ажратилади, кейин эса ушбу турлар 600 категорияга тақсимланадилар. Бу кўринишдаги кўп босқичли таҳлил нутқий ҳаракат феълларини лексик майдон назарияси нуқтаи назаридан таснифлаш имконини ҳам яратади. Бундан ташқари, муаллифлар томонидан тақлиф қилинган таҳлил усулини мураккаб тузилишдаги лисоний бирликлар, масалан, турғун бирикмалар, метафоралар ва ҳатто матн қурилмалари тадқиқига тадбиқ қилинса, лисоний фаолиятга оид тадқиқотлар самарадорлиги ошишига ҳеч қандай гумон йўқ. Бу йўналишдаги тадқиқотларнинг қиёсий тилшунослик, амалий луғатшунослик соҳаларидаги аҳамияти ҳақида алоҳида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Прагмалингвистик адабиётларда юқоридагилардан ташқари, яна қатор бошқа тамойилларга асосланган нутқий актларнинг таснифий гуруҳлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу таснифлар у ёки бу турдаги нутқий актлар гуруҳининг хусусиятлари, уларнинг бир-биридан фарқловчи белгиларини аниқлашга йўналтирилган. Масалан, Д.Вундерлих *оддий* ва *кўп маъноли* актларни фарқлашни тақлиф қилади: васият, инъом қилиш акти мазмунида комиссив (ваъда) ва декларатив (эълон қилиш) маънолари бирикади: «*Мол-мулкимни сенга қолдираман*» тузилмаси васият билан бир қаторда, ушбу васият ҳақидаги ваъда ҳамдир.

Бундан ташқари, нутқий ҳаракат бирликларини структуравий тузилишига нисбатан ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Структуравий хусусиятлардаги фарқига биноан *содда ва қўшма (мураккаб) нутқий ҳаракатлар* ажраладилар. Содда нутқий ҳаракат нутқий фаолиятнинг энг кичик бирлигидир. Қўшма нутқий акт эса содда ҳаракатларнинг бирлашишидан ҳосил бўлади. Қисмлари ўртасида тенглик, эргашганлик муносабатлари мавжуд бўлган қўшма нутқий ҳаракатлар мантиқий ва коммуникатив яхлитликни ташкил қиладилар ва сўзловчи томонидан яхлит бирлик сифатида қўлланилади (Карабан 1989).

Шундай қилиб, нутқий фаолиятнинг умумий фаолият назарияси нуқтаи

назаридан талқин қилиниши ва шу йўсинда нутқий актлар таснифий тамойилларининг ажратилиши нутқ ҳодисасининг тизимий хусусиятга эга эканлигини ва уни яхлит тизим сифатида ўрганиш имкониятлари мавжудлигини тасдиқловчи далиллар топиш имконини яратди. Бу анча пайтгача тилшуносликда ҳукмрон бўлган нутқнинг фақат индивидуал шахсга оид томонларини ўрганиш ғояси ўзини оқламаганлигидан далолатдир.

Нутқий акт назариясининг прагмалингвистик таълимотда тутган ўрни, уни нутқ ҳодисасининг тизимий хусусиятларини далилловчи ва исботловчи назария сифатида эътироф этиш билан бир қаторда мавжуд бўлган нуқсонлари ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Ушбу назариянинг камчиликлари тадқиқотчилар томонидан қайд этилиб келинмоқда (Allwood 1977; Сусов 1980; Лазаров 1986; Сафаров 1983 ва бошқалар).

Олмон тилшуноси Доротея Франк 1980 йилда Урбино шаҳрида ўтказилган анжуманда ўқиган маърузасига «Прагматиканинг етти айби» (Seven sins of pragmatics) деган жарангдор сарлавҳани танлаб, нутқий акт назариясининг нутқий мулоқот прагматикаси таҳлилий асосларини яратиш учун етарли даражадаги методологик имкониятга эга эмаслигини исботлашни режалаштирди. Олима қайд қилган (Франк 1986) етти айб - нуқсонларнинг айримларини қисқагина бўлса ҳам шарҳламоқчиман.

Биринчи нуқсон нутқий актни умумий нутқий жараёндан, «оқим»дан ажратиб олиш билан боғлиқдир, чунки ажратилаётган бўлак нимадан иборат бўлиши (алоҳида бир гапми ёки гаплар қатори) номаълум. Бундан ташқари, ягона бир нутқий бўлак – гап бирваракайига бир неча актлар, яъни «локуция», «референция», «предикация» каби ҳаракатларни қамраб олишини ҳам унутмаслик лозим.

Нутқий акт назариясининг иккинчи «камчилиги» мулоқот жараёнида кечадиган ўзаро муносабат ҳаракатларини тўлиғича ёрита олмаслигида кўринади. Нутқий ҳаракатларнинг перформатив ибораларга таянган ҳолда таснифланиши ва номланиши таҳлил доирасини бир оз чегаралаб қўяди, натижада суҳбатдошлар қўллайдиган *луқма*, *киритма* каби кичик бирликлар

тахлилсиз қолади.

Олима назариянинг энг катта ва учинчи «гуноҳи»ни унинг нутқий мулоқот тизими таҳлилининг асосий ғоясини ташкил қилувчи ўзаро фаолият назариясига мос келмаслигида, деб ҳисоблайди. Менимча, Д.Франкнинг ушбу фикрига тўлиғича қўшилмоқ керак. Зеро, мулоқот унинг иштирокчилари – коммуникантларнинг ўзаро фаолиятини тақозо этади. Ажратилаётган нутқий актлар эса бир томонлама фаолият, аниқроғи, сўзловчи бажараётган нутқий ҳаракатидан иборат бўлиб қолмақда. Ҳолбуки, нутқий бирликлар мазмуни «ҳамкорликда шакллантирилаётган мазмундир» ва бу ҳамкорликсиз ўзаро бир-бирини англаш ва мулоқот натижасига эришишнинг ўзи ҳам мумкин эмас.

Навбатдаги – тўртинчи нуқсон бевосита олдингиси билан боғлиқ ҳолда юзага келади, чунки нутқий акт ўзаро фаолият доирасида таҳлил қилинмаслиги сабабли ажратилаётган бирликлар ҳам статик ёки турғун хусусиятли бўлиб қолади. Натижада, нутқий мулоқотнинг табиатдан ҳаракатчанлиги, стратегик тузилиши назардан четда қолади. Мулоқот бирликларининг тугалланган жараён сифатида ажратилиши ва таҳлил қилиниши унчалик маъқул эмас, мулоқот доимий ҳаракатдаги жараёндир ва бу жараёнда коммуникантларнинг мақсад, мулоҳазалари ҳам ҳаракатда бўлиб, ўзгариб туради.

Кейинги уч (5-7) нуқсон нутқий ҳаракат назариясида мулоқот муҳити ёки контексти муаммоси тўлиғича ҳал этилмаганлиги билан боғлиқдир. Нутқий акт назариясининг тарғиботчилари контекстда ҳосил бўладиган маъно ва мазмуннинг моҳиятини аниқлаш йўлидан бормасдан, ушбу ҳодисага иккинчи даражали тушунча сифатида қарайдилар, улар учун контекст «қутқарувчи лангар» вазифасинигина ўтайди. Контекст ҳодисасига бўлган бундай муносабат натижасида яна бир муҳим масала – семантик ва прагматик мазмун муносабати масаласи ўз ечимини топмай қолади. Албатта, пропозициянинг лисоний бирлик мазмуни учун ягона таянч эмаслигини таъкидлаш муҳим, аммо пропозитив ва иллокутив маъно ягона бир тузилма

таркибида бирикиб, яхлит мазмун ҳосил қилиши муаммосини ҳал қилмасдан туриб, лисоний мазмун ҳодисаси моҳиятини билиш ёки ёритишнинг имкони йўқ. Лисоний таҳлил эса у ёки бу ҳодисанинг мавжудлигини қайд этиб қолмасдан, балки ушбу ҳодисанинг тавсифини бериш, хусусиятларини ёритиши, тушунтириши лозимдир.

Таянч тушунчалар:

а) Тил ва нутқ. Тил ва нутқнинг диалектик муносабати. Тил таркиби. Тилнинг ижтимоий моҳияти, тил материали. Тилнинг ўз вазифасини нутқ орқали амалга ошириши. Тилнинг имконият, нутқнинг эса воқелик эканлиги. Тил ва нутқнинг ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал характери. Нутқ фаолияти.

б) “Лингвистика” термини. Динамик ва статик лингвистика. Атомистик ва структурал лингвистика. Ички ва ташқи лингвистика, макро- ва микролингвистика, паралингвистика, психоллингвистика тушунчалари. Тилнинг таърифлари. Тилшунослик тарихида тил таърифи масаласи. Тилга турли нуқтаи назардан берилган таърифлар.

Мавзу юзасидан назорат учун саволлар

1. Дунёни интерпретация қилишда тилнинг роли нимадан иборат?
2. Билим тузилмалари: фрейм, схема, концепт, сценарий ва уларнинг ифодаланишини айтиб беринг.
3. Тил ва тафаккур, тил ва маданият боғлиқлиги деганда нимани тушунасиш?
4. Тил – билим тузилмаларини ва маданиятни намоён этувчи, сақловчи ва ўзатувчи восита эканлиги мисоллар орқали тушунтириб беринг.
5. Когнитив метафора ментал ва маданий модел таърифига мисоллар келтиринг.
6. Миллий характерга эга реалиялар рўйхатини тузинг.
7. Лингвокультура турлари ва уларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
8. Фразеологик бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини санаб беринг.
9. Маданий белгилар ва уларнинг турлари нималардан иборат?

V. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|----------------------------------|---|---|
| Task Characteristics | Вазифаларнинг тўртта асосий хусусияти мавжуд: (1) дастлаб маъно (2) амалга оширилиши керак бўлган мақсад мавжудлиги; (3) вазифани бажаришнинг баъзи бир устуворликка эгаллиги; ва (4) ҳақиқий муносабатлари мавжудлиги | There are four main characteristics of tasks: (1) meaning is primary; (2) there is a goal which needs to be worked towards; (3) task completion has some priority; and (4) there is a real-world relationship |
| The cooperative principle | Мулоқот вақтида қариккала маърузачи ва тингловчи томонидан маънони сақлаб қолиш учун қилинадиган саъй-қаракат (яъни тўқри, самимий ва мос маълумот) | An equal amount of effort (i.e. true, sincere and appropriate information) that is invested by both a speaker and hearer to construct meaning while communicating |
| The maxim of quantity | Маърузачи тингловчининг янги маълумотларга бўлган эътиёжини бақолаш (кўпроқ Г` камроқ гапириш муваффақиятсиз мулоқотга олиб келиши мумкин) | Evaluation by the speaker hearer's need in new information (much/less speaking may lead to unsuccessful communication) |
| The maxim of relevance | Мавзу билан боқлиқ, ўз вақтида берилган маълумот. Сўқбат давомида муқокама қилинган мавзу билан боқлиқ бўлган сўзларни айтиш талаб қилинади. Мавзудан ташқарида бўлган ақамиятсиз сўзлар ва жумлаларни айтиш тингловчини маърузачининг маълумотларини қабул қилишига ҳалақит беради | Connected with the topic, timely given information. While talking to each other, people are required to pose utterances that are connected with the discussed topic. To be irrelevant in saying words and sentences that are off the topic may lead to the situation, in which a hearer stops accepting speaker's information |
| Assessment | ўқувчиларнинг таълим | is the systematic basis for |

| | | |
|------------------------------|---|--|
| | жараёнида ўрганиши ва ривожланиши ҳақида хулосалар чиқаришнинг тизимли асоси; | making inferences about the learning and development of students; |
| Evaluation | - бу ўрганиш ёки қарор қабул қилиш мақсадида ташаббусни лойиҳалаш, амалга ошириш ёки натижаларини тизимли баҳолашдир; | - is the systematic assessment of the design, implementation or results of an initiative for the purposes of learning or decision-making; |
| Diagnostic Assessment | ўқувчининг билимларини яхшилашга қаратилган бўлиб, ўқувчи билим олишда дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этишга йўналтирилган бўлади. | intended to improve learner's knowledge and reviews what the learner knows and difficulty that they are facing in learning. |
| CEFR | Умумий Европа Тил Кўникмаси Қолипи | Common European Framework of Reference for Languages |
| The basic user | бошловчи тил ўрганувчи | is a beginner. |
| Global scale | Умумий маълумотларнинг турли мақсадлар учун турли хил йўллар билан тақдим этилиши мақсадга мувофиқдир. | It is desirable that the common reference points are presented in different ways for different purposes. |
| Self-assessment grid | ўқувчиларга ўзларининг асосий тил кўникмаларини аниқлаш ва уларнинг даражаларини ўз-ўзини баҳолаш учун батафсил тавсифловчиларнинг текширув рўйхатини қайси даражада кўриб чиқишга қарор қилишларига ёрдам бериш учун мўлжалланган. | intended to help learners to profile their main language skills, and decide at which level they might look at a checklist of more detailed descriptors in order to self-assess their level of proficiency. |
| A1 levels can: | - маълум турдаги эҳтиёжларни қондиришга қаратилган жуда оддий ибораларни тушунади ва | - understand and use very basic phrases aimed at the satisfaction of needs of a concrete type, - introduce |

| | | |
|-----------------------|---|--|
| | улардан фойдаланади; қаерда яшаши, кимларни билиши каби шахсий маълумотлар ҳақида саволлар беришлари ва уларга жавоб беришлари мумкин. | themselves and others and can ask and answer questions about personal details such as where they live, people they know and things they have |
| A2 levels can: | - энг долзарб аҳамиятга эга бўлган соҳалар билан боғлиқ жумлаларни ва тез-тез ишлатиб туриладиган ибораларни (масалан, жуда шахсий ва оилавий маълумотлар, харидлар, маҳаллий география, бандлик) қўллай олади; - таниш ва одатий масалалар бўйича оддий ва тўғридан-тўғри маълумот алмашишни талаб қиладиган оддий ва одатдаги вазифаларда мулоқот қила олади; | - understand sentences and frequently used expressions related to areas of most immediate relevance (e.g. very basic personal and family information, shopping, local geography, employment), - communicate in simple and routine tasks requiring a simple and direct exchange of information on familiar and routine matters, |
| B1 levels can: | - ишда, мактабда, бўш вақтларда ва ҳоказоларда мунтазам равишда учрайдиган таниш бўлган масалалар бўйича аниқ маълумотларнинг асосий қисмларини тушунади; - тилда ўрганилаётган мамлакатга саёҳат қилишда турли вазиятларда тилдан фойдалана олади, - таниш ёки шахсий қизиқиш мавзуларида оддий боғланган матнни тайёрлай олади; | - understand the main points of clear standard input on familiar matters regularly encountered in work, school, leisure, etc, - deal with most situations while travelling in an area where the language is spoken, - produce simple connected text on topics that are familiar or of personal interest, |
| B2 levels can: | - аниқ ва мавҳум мавзулар бўйича мураккаб матннинг асосий ғояларини, шу жумладан ўзларининг ихтисослашув соҳасидаги техник | - understand the main ideas of complex text on both concrete and abstract topics, including technical discussions in their field of specialization, - interact |

| | | |
|------------------------|--|--|
| | мунозараларини тушунади; - равонлик билан ўзаро алоқага чиқа олади, чет эллик сўзлашувчилар билан ҳеч қандай қийинчиликсиз мунтазам равишда ўзаро алоқада бўлишни таъминлайди; | with a degree of fluency and spontaneity that makes regular interaction with native speakers quite possible without strain for either party |
| C1 levels can: | мураккаб таркибли гапларни тушунади ва яширин маънони англайди; - ғояларни қийинчиликсиз равшан ва аниқ ифодалай олади; - ижтимоий, илмий ва касбий мақсадларда тилдан мослашувчан ва самарали фойдаланади; | - understand a wide range of demanding, longer clauses, and recognize implicit meaning, - express ideas fluently and spontaneously without much obvious searching for expressions, - use language flexibly and effectively for social, academic and professional purposes, |
| C2 levels can: | - эшитилган ёки ўқилган деярли ҳамма маълумотни осонликча тушуниб олади, - турли хил оғзаки ва ёзма манбалардан олинган маълумотларни умумлаштиради, изчил тақдимотда аргументлар ва ҳисоботларни қайта тиклай олади, - ўз фикрини жуда равон ва аниқ ифода эта олади, энг мураккаб вазиятларда ҳам нозик маъно оттенкаларини фарқлайди. | -understand with ease virtually everything heard or read, - summarize information from different spoken and written sources, reconstructing arguments and accounts in a coherent presentation, - express themselves spontaneously, very fluently and precisely, differentiating finer shades of meaning even in the most complex situations. |
| Problem solving | бу муаммони аниқлаш, унинг сабабини ўрганиш; ечим учун алтернативе йўللарни излаш, биринчи ўринга қўйиш ва танлаш; ва ечимни амалга ошириш. | is the act of defining a problem; determining the cause of the problem; identifying, prioritizing, and selecting alternatives for a solution; and implementing a solution. |
| Research skills | саволга жавоб топиш ёки муаммонинг ечимини | are our ability to find an answer to a question or a |

| | | |
|---------------------------|--|--|
| | топиш қобилиятидир. Тадқиқот кўникмаларига мавзуга оид маълумотларни тўплаш, ушбу маълумотларни кўриб чиқиш ва ечимга олиб келадиган тарзда таҳлил қилиш ва шарҳлаш қобилияти киради. | solution to a problem. Research skills include the ability to gather information about your topic, review that information and analyze and interpret the information in a manner that brings us to a solution. |
| Language accuracy | ўқувчиларнинг тил тизимидан, шу жумладан грамматика, талаффуз ва лексикадан фойдаланиш даражаси. | refers to how correct learners' use of the language system is, including their use of grammar, pronunciation and vocabulary. |
| Language fluency | ўқувчининг грамматикада, талаффузда ва сўз бойлигида қанча хатоларга йўл қўйганидан кўра, маънони қанчалик яхши етказа олиб, гаплашишини англатади. | refers to how well a learner communicates meaning rather than how many mistakes they make in grammar, pronunciation and vocabulary. |
| Language Portfolio | файлга ёки махсус жилдга бирлаштирилган талабаларнинг алоҳида ишлари тўпламидир. Улар ўқувчига тегишли бўлиб, тилни ўрганиш давом этар экан, баъзи қисмларни қўшиш ёки олиб ташлаш орқали янгиланиши мумкин. | is a collection of individual students' work put together in a file or ring binder. They belong to the student and can be updated as language learning continues by adding to and taking away pieces of work. |
| Interview | бу жупликларда бажариладиган оғзаки машғулот бўлиб, унинг асосий мақсади ўқувчиларнинг ўрганилаётган чет тилида шахслараро кўникмаларини ривожлантиришдир | is an oral activity done in pairs, whose main goal is to develop students' interpersonal skills in the TL |
| Information gap | талабалар ҳамкорлигидаи фаолият бўлиб, улар учун илгари номаълум бўлган | is a collaborative activity, whose purpose is for |

| | | |
|----------------------------|---|---|
| | маълумотни самарали равишда сўраб олиш ва бўшлиқни тўлдириш | students to effectively obtain information that was previously unknown to them, in the TL. |
| Open book exam | Имтиҳон пайтида талабаларга эслатмалар ва / ёки маълумотномалардан фойдаланишга рухсат берилади | Students are allowed to use notes and/or reference books during the exam |
| A scavenger hunt is | ўқувчилар ўртасида очик мулоқотга ёрдам берадиган топширик. | a mingling activity that promotes open interaction between students. |
| Feedback | одатда коммуникатсия назарияси ва физиологиясида қўлланилади. У жараён давомида ҳам, ундан кейин ҳам такомиллаштириш ва қайта кўриб чиқиш учун керакли маълумотларни тақдим этади. Ўқитишда таълим соҳасида қўлланилганда, у ҳар доим ўқитувчидан ўқувчига ёки ўқувчидан ўқитувчига мулоқотни белгилаш учун ишлатилади. | is commonly used in communication theory and physiology. It informs the sender if the sent message is well received. It also provides the necessary information for refinement and revision, both during and after the process. When applied in teaching, it is always used to denote the teacher-to-student or student-to-teacher communication. |
| Effective feedback | талаба фаолиятининг асосий кучли ва заиф томонларини аниқ тушунтиради; такомиллаштириш бўйича фойдали кўрсатмалар беради. | explains clearly and precisely the principal strengths and weaknesses of a student's performance; provides helpful guidance on how to improve |

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фааровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиди талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

III. Махсус адабиётлар

18. Adams J.K. Pragmatics and Fiction – Amsterdam: J.Benjamins Publishing Comp., 1985. - 77 p.

19. Adamzik K. Sprachliches Handeln und sozialer Kontakt.- Tubingen: Narr, 1984.-365 S.

20. Adorno T.W. Negative Dialectik. – Frankfurt an Main, 1966.

21. Allwood J.A. A critical look at speech act theory. - In: Logic, Pragmatics and Grammar. - Lund, 1977.

22. Ashurova D. Language and Cultural Studies // Хорижий филология, 2006, 4-сон. 11-14 б.
23. Austin J.L. How To Do Things With Words. –Oxford: Oxford Univ. Press., 1962; 2 nd ed., 1973.- 167 p.
24. Auwera J. van der. Pragmatic presupposition: Shared beliefs in a theory of irrefutable meaning. In: Syntax and Semantics. –New York, ect.: Acad. Press, 1979. –Vol.11. Presuppositions. –P. 249-264.

IV. Интернет сайтлар

25. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
26. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
27. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
28. www.Britishcouncil.org – Британия кенгаши веб сайти
29. www.ziynet.uz – Таълим портали
30. www.tefl.net – Тил ўрганиш веб сайти
31. busyteacher.org – Тил ўрганиш веб сайти